

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари

И.И. Хувайтов, Р.Р. Тумпаров

Саҳифаловчи

Д.Х. Хамидуллаев

Муқова дизайни

С.В. Асямов

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган.

Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.
e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир хайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр.-ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Saydana-print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 3-уй.

Босишга рухсат этилди 31. 08. 2011.

Буюртма №

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИИВ АКАДЕМИЯСИНING

АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2011 йил, 3-сон

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига

К 20-летию независимости Республики Узбекистан

Турсунов А. С.

Қонунчилик соҳасидаги ислоҳотлар:

мазмун, моҳияти ва истиқболлари.....3

Хуқуқий ислоҳотлар ва қонунчиликни такомиллаштириш

Правовые реформы и совершенствование законодательства

Мухторов Н.

К вопросу дальнейшего расширения сферы применения института «Хабес корпус».....9

Мирзатов Д. М.

Давлат бошқаруви механизмида суд контролининг ўрни ва хусусиятлари.....13

Кабулов Р.

Реализация права человека на свободу от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения или наказания.....17

Одилқориев Х. Х.

Қонунчилик ҳужжатларини тизимга солишнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари.....21

Тасланбекова Г. С.

Хуқуқни шарҳлаш категорияси: тушунчаси, моҳияти ва мазмуни.....27

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш муаммолари

Проблемы обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью

Каримов В. Г.

Бош прокуратура ҳузуридаги департамент тузилмаларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги устувор вазифалари31

Ахмедова С. Т.

К вопросу об административно-надзорной деятельности органов внутренних дел в сфере охраны общественного порядка.....36

Учредитель:

Академия МВД Республики Узбекистан

Редакционная коллегия

Ш.Т.Икрамов (главный редактор),
Т.Р.Саитбаев (ответственный редактор),
Х.Т.Адилкариев, И.Исмаилов, Э.Х.Нар-
бутаев, Ш.Р.Кабиллов, А.А.Таджиев,
С.А.Раззаков, Н.Т.Исмоилов, Р.Р.Тумпаров

Редакторы номера

И. И. Хувайтов, Р. Р. Тумпаров

Верстка

Д. Х. Хамидуллаев

Дизайн обложки

С. В. Асямов

Вестник зарегистрирован Узбекским агент-
ством по печати и информации 18 июня
2009 г.

Свидетельство о регистрации средства мас-
совой информации № 0568

Решением Президиума ВАК при Кабинете
Министров Республики Узбекистан от 29 апреля
2011 года №172/5 включен в список научных
журналов

Адрес редакции:

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

e-mail: akadmvд@uzsci.net.

Оригинал-макет подготовлен в редак-
ционно-издательском отделе Академии
МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым
способом полностью или частично ссылка на
вестник «Узбекистон Республикаси ИИВ
Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точ-
кой зрения авторов публикаций. Ответствен-
ность за содержание публикаций и досто-
верность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами
писем, рукописи не рецензируются и не
возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать
офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в
типографии ООО «Saydana-print». г. Ташкент,
ул. Камарнисо, д. 3.

Подписано в печать 31. 08. 2011.

Заказ №

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2011.

Тиллаев Т. Н.

Жиноят процессида фуқаровий даъво кўзгатиш,
уни таъминлаш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш
механизми43

Аппаков М. П.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш
хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг олдини
олиш юзасидан криминологик чоралар.....47

Мухторов Ж. С.

Муқаддам судланган шахслар томонидан
такроран жиноятлар содир этилишининг
олдини олиш54

Азимова Ф.

Ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оилалар
билан ишлашда яраштириш комиссияларининг
роли ва вазифалари.....57

**Ички ишлар идоралари учун кадрлар
тайёрлаш масалалари**

**Вопросы подготовки кадров для органов
внутренних дел**

Мамадалиев Ш. О.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида миллий
гойнинг аҳамияти.....61

Тожибоев М. Т., Бердиқулов С.Н.

Ички ишлар идоралари учун малакали кадрлар
тайёрлашда маънавият ва маърифат масалалари.....65

Ички ишлар идораларида педагогик психология

Педагогическая психология в органах внутренних дел

Абдуллаева Ш. А., Рўзиева Г. Я.

Девиант хулқли ёшлар билан профилактик
тадбирлар олиб бориш йўллари.....70

Исраилова Н.

Девиантний ребенок как предмет исследования:
комплексная оценка.....74

Ёш олимлар минбари

Трибуна молодых ученых

Тўйчиев А. А.

Терговга қадар текширув жараёнида ҳимояланиш
ҳуқуқи билан таъминлашнинг амалий муаммолари.....79

Тургунов У. Т.

Уголовно-процессуальная характеристика ведомствен-
ного процессуального контроля за органами
предварительного следствия.....84

Қаҳҳорова М. М.

Ўзбекистонда ҳуқуқ фалсафасининг шаклланиши:
илк тадқиқотлар ва уларнинг илмий-методологик
жиҳатлари.....88

Аманов А. А.

Ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида шартномаларнинг
ўрни ва аҳамияти.....93

А. С. Турсунов*

ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР: МАЗМУНИ, МОҲИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида истиқлолнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегик вазифа этиб белгиланди. Эркин ҳаёт остонасида турган халқимиз инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети, демократия ва ижтимоий адолат гоёларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилди. Ўтган 20 йил ичида бу йўлда босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг улкан самараларини бермоқда.

Этироф этиш лозимки, тарихан қисқа вақт ичида юртимиз туб демократик ислоҳотларга юз тутди: собиқ тузум давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимида барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ўйланган ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди, энг муҳими, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди.

Маълумки, қонунчилик соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмунини қонун ижодкорлиги ташкил этиб, у ҳар бир демократик давлатнинг қонун чиқарувчи ҳокимият фаолияти амалга оширилишида муҳим восита ҳисобланади. Бошқача айтганда, бу жараён ҳуқуқий тизимнинг фаол бўғини. У давлатнинг энг олий иродаси бўлмиш қонунни юзага келтиради.

Қонун ижодкорлиги — Конституцияда белгиланган тартибда янги қонунлар яратиш, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, эскирган қонунларни янгилаш, қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама этиш ва қабул қилиш каби босқичларни ўз ичига олади. Мазкур жараён, аввало, қонун лойиҳасининг парламентга киритилишидан қабул қилингунга қадар давлат органлари амалга оширадиган ваколат бўлса, иккинчидан, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этувчи турли субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи процессуал қоидалар йиғиндисидир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда илк бор икки палатали парламентнинг таъсис этилиши билан унинг ҳудудида қонун ижодкорлиги янгича маъно ва мазмун касб этди. Хусусан, 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида Президент Ислом Каримов олдинги чақириқдаги парламент фаолиятига танқидий баҳо бериб, янги сайланган Қонунчилик палатасига қабул қилинаётган қонунлар сифатини тубдан яхшилашга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини, «энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслиги» эканлигини ва бу камчиликларни бартараф этиш кераклигини алоҳида уқтириб ўтди¹.

Шу билан бирга, қонун ижодкорлиги етарли даражада эмаслиги, фаолиятни янада жонлаштириш ва кучайтириш, айниқса, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар

* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.

¹ Каримов И. А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини янада юксалтиришдир // Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор мақсадимиз. — Т. 18. — Т., 2010. — Б.14.

фракцияларининг роли ва иштирокини янада кучайтириш лозимлигини қайд этиш зарур. Чунки бу, бир томондан, фракцияларга (депутатлик гуруҳларига) амалдаги қонунларда уларга берилган ваколат — қонунчилик ташаббуси, палатада қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш, уларни мажлисларда муҳокама этиш ҳамда қабул қилиш каби мураккаб босқичлардан иборат жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш имконияти берилганлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, ҳар бир фракция айнан палатанинг қонун ижодкорлиги фаолияти жараёнида иштирок этиш орқали ўз сиёсий партиясининг сайловолди ҳамда ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида муҳим сиёсий майдон бўлганлиги билан изоҳланади.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги миллий қонунларда сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига кенг қўламли ваколатлар берилган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонунининг 25-моддасига мувофиқ фракция ва депутатлар гуруҳига палата мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар киритиш, палата мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала (шу жумладан, қонун лойиҳаси) юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилларига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланиш, келишув комиссияси ва бошқа (шу жумладан, қонун лойиҳаси юзасидан) комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўйиш, палата мажлисида муҳокама қилинаётган масала (шу жумладан, қонун лойиҳаси) юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатиш, палатанинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари ишида (шу жумладан, қонун лойиҳаси юзасидан) иштирок этиш, палатада муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритиш каби қатор ҳуқуқлар берилган¹.

Шу нуқтаи назардан, парламентдаги ҳар бир сиёсий партия фракциясининг қонун ижодкорлигига ташаббускорлик, профессионализм ва масъулият билан ёндашиши талаб этилади. Яъни, қонун ишлаб чиқиш жараёнида депутатлар, энг аввало, Қонунчилик палатасига расман киритилган ва биринчи (иккинчи) ўқишда муҳокама этилиши режалаштирилаётган қонун лойиҳаларини малакали мутахассислар ҳамда тегишли экспертларни жалб этган ҳолда ўрганиб чиқишлари, ўзларининг аниқ таклиф ва мулоҳазаларини тақдим этишлари зарур. Зеро, қонун ижодкорлиги пировардида мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий тараққиётидаги устувор йўналишлар сирасига киради.

Қонун ижодкорлигининг мақсади ўлароқ давлат қурилиши ва бошқаруви, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, қонунийликни таъминлаш, одил судлов самарадорлигини ошириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бозор ислоҳотларини ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётининг изчил ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳани модернизация қилиш ва такомиллаштириш, шунингдек ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида янги қонунлар қабул қилинди.

Айтиш мумкинки, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш парламент палаталари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлди. «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида», «Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида», «Давлат солиқ органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида», «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2002. — 12-сон. — 215-м.

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақида»ги айрим қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178¹-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қабул қилинган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларини бу йўналишдаги самарали фаолият сифатида эътироф этиш мумкин.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг, шунингдек ота-оналар, васийлик ва ҳомийлик органларининг ёш авлод учун жавобгарлигини оширишга қаратилганлиги билан ҳам муҳимдир¹.

Зеро, мазкур Қонуннинг айрим нормалари билан маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳаси ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги иштироки тартибга солинган, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш тартиби белгиланган.

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178¹-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун мамлакатда амалга оширилаётган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини қонунчилик жиҳатидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш борасида ўта долзарб аҳамият касб этади. Мазкур Қонун қабул қилиниши билан алкоголь маҳсулотларини реклама қилиш тақиқланади ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилади².

«Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 февраль фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2010 йил 2 март қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатиб ўтилган Фармонига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари уюшмаси ташкил этилиб, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари унинг ваколатига киритилди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича вазифаларнинг давлат органидан нодавлат ташкилотига ўтказилиши Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган қўллаб ишларнинг яққол мисолларидан биридир. Шу муносабат билан Қонун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси каби қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилишини назарда тутлади.

«Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2010. — 9-сон. — 343-м.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2010. — 37-сон. — 317-м.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2010. — 40-41-сон. — 343-м.

таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 30 декабрь фармони ва бошқа бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, илгари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфида бўлган айрим вазифалар ҳамда унинг тизимидаги пенсия таъминотининг комплекс масалалари, шу жумладан пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловларнинг тайинланиши, молиялаштирилиши, ҳисобга олиниши ҳамда мониторинг қилиниши, шунингдек тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари фаолиятининг ташкил этилиши масалалари учун масъул бўлган тегишли тузилмалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тасарруфига ўтказилди.

Ушбу Қонун муносабати билан «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва бир қатор бошқа қонунларга ўзгартишлар киритилди.

Мустақиллик йилларида бозор ислохотларини ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётининг муттасил ўсиш суръатларини ва макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳани модернизация қилиш ва такомиллаштириш, шунингдек ижтимоий муаммоларни ҳал этиш Қонунчилик палатасининг диққат марказида бўлди. Бу йўналишда иқтисодий соҳадаги ислохотлар билан бевосита боғлиқ бир қатор қонунлар қабул қилинди. Улар орасида «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги, «Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги, «Табийий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги, «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15 ҳамда 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар бор.

Янгиликлар ва ўзгаришлар сари юз тутган, тобора жаҳон андозаларига яқинлашиб бораётган навқирон мамлакатимизда янги мазмундаги қонунларни қабул қилишнинг ўз ўрни бор. Хусусан, «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун Ўзбекистонда риэлторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизимини яратишга, кўчмас мулк бозори иштирокчилари ва давлат манфаатларининг мувозанатини таъминлашга, профессионал риэлторлик фаолияти билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Қонунда риэлторлик фаолияти, риэлторлик ташкилоти ва риэлтор тушунчалари ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳолати баён этилган, риэлторлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий шарт-шароитлари белгилаб қўйилган. Қонун риэлторлик фаолиятини мажбурий лицензиялаш тартибини ва риэлторларга қўйиладиган малака талабларини, риэлторлик хизматлари сифатини яхшилаш, риэлторларнинг фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиш жорий этилиши, риэлторлик хизматлари истеъмолчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш тартибини белгилайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонуннинг қабул қилиниши кўчмас мулк бозорини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини анча кенгайтиради, риэлторлик хизматлари истеъмолчиларининг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, риэлторлик ташкилотлари (риэлторлар) томонидан ўз зиммаларига олинган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан лозим даражада назорат қилиш механизмларини вужудга келтириш имкониятини беради, бирламчи ва иккиламчи кўчмас мулк бозорларининг барқарор ривожланишини таъминлайди, мазкур бозор барча иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини мақбуллаштиради.

Қабул қилинган бир қатор қонунлар қонунийликни таъминлашга, одил судловнинг самарадорлигини оширишга, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга

қаратилгандир. Улар орасида «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 103-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 245 ва 246-моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида» қабул қилинган қонунлар бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 5 май фармони асосида ишлаб чиқилган «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофаза ва ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган¹. Ушбу қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Оила, Солиқ кодексларига ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

«Нотариат тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда нотариал ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси номидан давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар томонидан амалга ошириладиган тартиб белгиланишини назарда тутди, бу фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга кўмаклашади.

Шунингдек, қонун нотариусларга қўйиладиган малака талаблари кучайтирилишини, нотариус малакасининг мажбурий ошириб борилиши тизими жорий этилишини, нотариал идораларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларга қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилишини, фуқароларнинг нотариусга мурожаат этишини таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутди.

«Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун жиноят ишлари, шу жумладан, айбланувчиларни ушлаб бериш ва жиноий таъқиб этиш, жиноятлардан жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш юзасидан Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга кўмаклашади.

«Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қабул қилинган қонунлар атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган эди.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун ҳужжатларидаги нормаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга ҳалақит бераётган зиддиятлар ва номувофиқликларни бартараф этиш мақсадидан келиб чиққан.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 300 га яқин қонуннинг қабул

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2010. — 37-сон. — 313-м.

қилинганлиги қонунчилик соҳасидаги ислоҳотлар изчиллигини, мувофиқлигини ифода этибгина қолмай, балки уни мазмун жиҳатдан бойитди ҳамда ҳуқуқий тизимнинг такомиллашувига муҳим асос бўлди.

Халқаро ташкилотлар ва чет мамлакатлар билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш парламент палаталарининг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу йўналишда «Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари тўғрисидаги Битимни (Масқат, 2009 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҳамда «Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилотининг ҳуқуқий мақоми ҳақидаги 2002 йил 7 октябрдаги битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Протоколни (Душанбе, 2007 йил 6 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунлар қабул қилинди.

«Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференцияси (ЮНЕСКО) томонидан Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция қабул қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқилди. Ушбу конвенциянинг мақсади жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ЮНЕСКО фаолияти стратегияси ҳамда дастури доирасида спортда допинг қўлланилишининг олдини олишда ва унга қарши курашда кўмаклашишдан иборат. Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция кенг миқёсли хусусиятга эга бўлиб, спорт соғлиқни сақлашда, маънавий, маданий ва жисмоний тарбиялашда, шунингдек ҳамжиҳатлик ва тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашишда муҳим роль ўйнаши кераклигини назарда тутди. Мазкур Конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистон ўзининг халқаро мажбуриятларини бажаришга содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган қўшма мажлисида қилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусида парламент палаталари учун ҳам бир неча устувор вазифалар белгиланган.

Ушбу Концепцияда Давлат раҳбари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиётининг янги босқичини ҳисобга олган, мустақиллик йилларида Ўзбекистон босиб ўтган йўлни холисона таҳлил этган ҳолда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг кенг миқёсли, чуқур асосланган дастурини илгари сурган. Ёш суверен давлатимизнинг ўтган йилларда эришган ютуқлари мамлакатимизни тадрижий, босқичма-босқич ривожлантиришнинг танланган йўли тўғрилигини ва бундан буён ҳам ана шу йўлдан бориш зарурлигини ишончли тарзда исботлайди.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш, бир қатор янги қонунларни қабул қилиш ва амалда-гиларини такомиллаштириш тўғрисидаги йирик қонунчилик ташаббуслари ваколатларни давлат ҳокимиятининг учта субъекти: Президент — давлат бошлиғи, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида янада мувозанатли тақсимлашга, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилгандир. Бу, аслини олганда, ёш мустақил давлат тараққиётининг, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қурилишининг янги босқичидир.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг давлатимиз раҳбари томонидан таърифлаб берилган олтига энг муҳим устувор йўналиши, фикримизча, мамлакатимизни барқарор ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантириш, халқ фаровонлигини муттасил ошириб бориш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун улкан аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган мақсадларга муваффақиятли равишда эришиш мамлакатимиз барча давлат ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларининг юксак даражадаги фаоллиги ва масъулиятини талаб қилади.

*Н. Мухторов**

К ВОПРОСУ ДАЛЬНЕЙШЕГО РАСШИРЕНИЯ СФЕРЫ ПРИМЕНЕНИЯ ИНСТИТУТА «ХАБЕАС КОРПУС»

Одним из приоритетных направлений реформ в судебной-правовой сфере, осуществляемых в нашей стране, является обеспечение эффективной защиты конституционных прав и свобод человека, прежде всего, права на защиту от необоснованного уголовного преследования и вмешательства в частную жизнь, на личную неприкосновенность, а также права на справедливое судебное разбирательство.

В каждом демократическом государстве судебная система составляет основу механизма, направленного на защиту прав человека. Президент И.А. Каримов в своем докладе на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан 28 января 2005 г., акцентируя внимание на приоритетных направлениях судебной-правовой системы, отметил, что «в Узбекистане, так же, как и в любом демократическом государстве, необходимо осуществить передачу судам права выдачи санкций на задержание, арест, а также применение иных мер процессуального принуждения»¹.

В качестве практического претворения в жизнь данной идеи 8 августа 2005 г. был издан Указ Президента Республики Узбекистан «О передаче судам права выдачи санкции на заключение под стражу», в нем была предусмотрена передача с 1 января 2008 г. права выдачи санкции на заключение под стражу в полномочие судов. В целях законодательного разрешения задачи, определенной в Указе, 11 июля 2007 г. был принят Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с передачей судам права выдачи санкции на заключение под стражу», вступивший в силу 1 января 2008 г.

Установленные нормы, закрепляющие возможность применения меры пресечения в виде заключения под стражу только в отношении задержанного подозреваемого или обвиняемого, вынесения постановления относительно ходатайства о применении меры пресечения в виде заключения под стражу исключительно прокурором или с санкции прокурора следователем, порядок внесения апелляционной жалобы или протеста на определение судьи, запрет на заключение под стражу без решения суда, служат гарантией обеспечения судом эффективной защиты свободы и неприкосновенности личности.

Тот факт, что передача права выдачи санкции на заключение под стражу от органов прокуратуры судам является своевременным и глубоко продуманным решением, находит на сегодняшний день свое доказательство. В частности, это подтверждается тем, что начиная с января 2008 г. судами в более чем 700 случаях было отказано органам предварительного следствия в применении данной меры пресечения, а также тем, что количество удовлетворенных ходатайств о применении меры пресечения в виде заключения под стражу в 2010 г. по сравнению с 2009 г. сократилось на 19,6 %.

Нынешний этап реформ, направленных на повышение авторитета судебной власти, эффективное обеспечение прав граждан на справедливое судебное рассмотрение, как подчеркнул глава государства в Концепции дальнейшего углубления демократических

* Главный научный сотрудник Института мониторинга действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан, кандидат юридических наук.

¹ Каримов И. А. Наша главная цель — демократизация и обновление общества, реформирование и модернизация страны // Узбекский народ никогда и ни от кого не будет зависеть. Т.13. — Т., 2005. — С.94.

реформ и формирования гражданского общества в стране¹, предусматривает внесение в законодательство новелл, предусматривающих применение на досудебной стадии процессуально-принудительных мер в виде отстранения от должности и помещение лица в медицинское учреждение только с санкции судьи.

Распоряжением Президента Республики Узбекистан «О мерах по реализации Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране в сфере реформирования судебно-правовой системы» от 14 января 2011 г. Верховному суду, Генеральной прокуратуре, Министерству юстиции и Палате адвокатов поручена разработка проекта Закона «О внесении изменений в главу 29 и главу 31 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан», устанавливающего порядок применения процессуально-принудительных мер в виде отстранения от должности и помещения лица в медицинское учреждение только на основании санкции суда.

Следует обратить внимание на то, что, во-первых, отстранение от должности и помещение лица в медицинское учреждение должно будет осуществляться не на основании постановления дознавателя, следователя, прокурора или определения суда, как указано в действующем законодательстве, а именно на основании санкции судьи, во-вторых, на выдачу санкции будет уполномочен только судья.

Отстранение от должности, являясь одной из процессуально-принудительных мер, применяется в отношении обвиняемого и подсудимого, если имеются достаточные основания полагать, что они, оставаясь на своем рабочем месте, будут препятствовать установлению истины, возмещению вреда, нанесенного вследствие преступления, или будут продолжать преступную деятельность. В таком случае ряд прав отстраненного от должности лица, предусмотренные ст. 37 Конституции Республики Узбекистан (право на труд, свободный выбор работы) ограничивается по предусмотренным законом основаниям. В частности, согласно ст. 19 Конституции права и свободы граждан, закрепленные в Конституции и законах, являются неприкосновенными и никто без решения суда не вправе лишить или ограничить их. Именно поэтому является целесообразным применение отстранения от должности только с санкции суда.

Если обратить внимание на уголовно-процессуальное законодательство зарубежных стран, то, например, во Франции мера, схожая с отстранением от должности, применяется судом по инициативе судьи, по предложению обвинителя или по ходатайству заинтересованных участников. По законодательству США и Германии обвиняемое лицо по решению судьи может быть условным образом временно отстранено от должности. Согласно ст. 131 Уголовно-процессуального кодекса Республики Беларусь временное отстранение от должности может быть применено дознавателем, следователем с санкции прокурора или его заместителя или самим судом. Вместе с тем отстранение должностных лиц, внесенных в Белорусский Государственный реестр управленческих кадров от должности, осуществляется исключительно с согласия Президента Республики Беларусь. Согласно ст. 172 Уголовно-процессуального кодекса Республики Азербайджан отстранение от должности применяется судом на основании представления прокурора в качестве руководителя предварительного следствия. В соответствии со ст. 114 Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации временное отстранение от должности применяется судом на основании представления, направленного в суд следователем с разрешения руководителя следственного органа, дознавателем с разрешения прокурора. Также установлено, что вопрос о временном отстранении от должности лиц, занимающих высшие должности в субъектах Российской Федерации и обвиняемых в совершении тяжких или особо тяжких преступлений, решается Президентом Российской Федерации на основании представления Генерального прокурора.

¹ Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Народное слово. — 2010. — 13 нояб.

Помещение лица в медицинское учреждение, являясь одной из непосредственно ограничивающих права и свободы личности процессуально-принудительных мер, применяемых в уголовном процессе, в соответствии с действующим законодательством применяется на основании постановления дознавателя или следователя с разрешения прокурора, постановления прокурора или же определения суда. С учетом непосредственного ограничения данной принудительной мерой свободы личности целесообразным является применение этой меры только с санкции суда.

Анализ законодательства зарубежных государств по данному вопросу показывает, что помещение лица в медицинское учреждение в США осуществляется судебным приказом по обращению прокурора, во Франции — судебным приказом на основании двух процессуальных документов — ходатайства прокурора и заключения психиатрического эксперта, а в Германии — судом по ходатайству прокурора. В Российской Федерации и Республике Беларусь принудительная мера медицинского характера применяется на основании санкции суда.

Необходимо отметить, что введение порядка применения процессуально-принудительных мер в виде отстранения от должности и помещения лица в медицинское учреждение только на основании санкции судьи даст возможность усилить судебный надзор в процессе дознания и предварительного следствия, расширит сферу применения института «Хабес корпус» в уголовном процессе.

В связи с этим предложение установления порядка применения процессуально-принудительных мер в виде отстранения от должности и помещения лица в медицинское учреждение только на основании санкции судьи обосновывается следующим рядом объективных причин и факторов:

во-первых, органы дознания, предварительного следствия и прокуратуры являются, в основном, учреждениями, ведущими борьбу с преступностью, осуществляющими оперативно-розыскную деятельность и поддерживающими в суде государственное обвинение. По этой причине данное обстоятельство потребовало создания еще более объективного и эффективного механизма для обеспечения свободы и неприкосновенности граждан в процессе дознания, следствия и суда;

во-вторых, применение процессуально-принудительных мер в виде отстранения от должности и помещения лица в медицинское учреждение только на основании санкции судьи является одним из эффективных методов ведения судебного надзора над предварительным следствием. Такой порядок служит пресечению нарушения прав человека уже на стадии предварительного следствия, противозаконного отстранения лица от должности или помещения лица в медицинское учреждение, в конечном счете, повышению ответственности сотрудников органов дознания и следствия, качества предварительного следствия;

в-третьих, судьи независимы и подчиняются только закону. Суд осуществляет свою деятельность независимо от следственного органа или надзора прокурора, подчиняясь закону. По этой причине при применении процессуально-принудительных мер в виде отстранения от должности и помещения лица в медицинское учреждение судьи имеют более широкие возможности быть объективными, и только они могут ограничить или лишить человека прав, закрепленных Конституцией и законом;

в-четвертых, такой порядок полностью соответствует общепризнанным принципам и нормам международного права, в частности, нормам, установленным в ст. 10 Всеобщей Декларации прав человека — «каждый человек, для определения его прав и обязанностей и для установления обоснованности предъявленного ему уголовного обвинения, имеет право, на основе полного равенства, на то, чтобы его дело было рассмотрено гласно и с соблюдением всех требований справедливости независимым и беспристрастным судом» и в ст. 2 Международного Пакта о гражданских и политических правах - «каждое участвующее

в настоящем Пакте государство обязуется ... развивать возможности судебной защиты для любого лица».

Кроме того, установление порядка применения процессуально-принудительных мер в виде отстранения от должности и помещения лица в медицинское учреждение только на основании санкции судьи обеспечивает:

— реализацию конституционной нормы о неприкосновенности прав и свобод граждан, закрепленных в Конституции и законах, о том, что никто не вправе лишить или ограничить их без решения суда;

— усиление защиты справедливым судом конституционных прав и свобод граждан, а также установление дополнительных гарантий;

— расширение полномочий суда в осуществлении эффективной защиты прав граждан на этапе досудебного производства и обеспечении их неприкосновенности;

— укрепление независимости суда, повышение влияния судебной власти и доверия граждан к судам;

— ещё более полное проявление принципов правосудия в нашей общественной жизни.

Следует отметить, что позитивные изменения, происходящие в судебно-правовой системе нашей страны, удостоиваются высокого признания международного сообщества. Так, заместитель министра национальной судебной администрации Верховного суда Республики Корея Ча Хан Сонг выразил мнение в отношении проводимых в нашей стране реформ в судебно-правовой системе, заявив: «Мы убедились в высокоэффективности реформ, последовательно проводимых во многих сферах, в том числе и в деле либерализации и демократизации судебно-правовой системы, осуществления справедливого судейства и утверждения принципов справедливости»¹. Это свидетельствует об эффективности осуществляемых в Узбекистане широкомасштабных реформ, направленных на либерализацию и демократизацию судебно-правовой системы, обеспечение верховенства закона, защиту прав и законных интересов граждан.

• Нашрга тайёрланди •

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари: муаммо ва истиқболлар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. — 380 б.

Ушбу тўпламда мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, бу соҳада мавжуд муаммолар, уларнинг ечимлари, истиқболдаги режалар ва кўзланган пировард натижалар кенг ва атрофлича таҳлил қилинган.

Тўплам профессор-ўқитувчилар, докторантлар, тадқиқотчилар, амалиёт ходимлари ва барча қизиқувчилар учун мўлжалланган.

¹ О демократических реформах в Республике Узбекистан, направленных на реализацию принципов социальной справедливости: Зарубежные отклики // Фукаролик жамияти. — 2011. — №1. — С.85.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ МЕХАНИЗМИДА СУД КОНТРОЛИНИНГ ЎРНИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисида қилган маърузасида мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида эришилган ютуқларни кўрсатиб ўтиш билан бирга, ўтган давр мобайнида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилганлигини таъкидлади¹.

Суд контролини амалга оширишда контроль фаолиятининг мазмун-моҳияти суд томонидан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлигини, шунингдек ҳаракатсизлигининг асосланганлигини текширишда намоён бўлади, дейиш мумкин. Қонун бузилиши ҳолати аниқланганда суд муайян ҳаракатни бажаришга мажбурлайдиган, қонунда белгиланган вазифаларни бажаришга йўналтирадиган қарорни қабул қилади ёки ноқонуний ҳужжатни бекор қилиб, унинг давлат ҳуқуқий тизимидан чиқарилишига эришади. Айнан шунда суд контролининг давлат бошқаруви органлари контролидан фарқи кўринади, чунки давлат бошқарувидаги контроль фаолияти жараёнида улар бошқарув қарорларининг ижросини кузатишга, тузатишлар киритишга ва бошқарув қарорлари қабул қилишга ҳақлидирлар.

Суд контролининг бошқа хусусиятлари унинг моҳияти билан белгиланади ва тавсифидан келиб чиқади. Жумладан, суд контролининг хусусияти шундан иборатки, фуқаро, бошқа жисмоний ёки юридик шахс, давлат органи, жамоат бирлашмаси, нодавлат нотажорат ташкилоти судга мурожаат қилиш ташаббуси билан чиқади, суднинг ўзи қонун бузилишини аниқлаганида суд жараёнини бошлашга ҳақли эмас, чунки бу хусусият асосан одил судловга тааллуқли функциядир.

Ижтимоий муносабатларга таъсир этиш имкониятлари нуқтаи назаридан суд контроли нисбатан қисқароқ тавсифга эга бўлган ноқонуний ёки ноқонституцион ҳуқуқий нормани дисквалификация қилиш ёхуд ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатларини бартараф этиш ҳақида муайян орган ёки мансабдор шахсга кўрсатма беришда намоён бўлади. Суд ноқонуний ҳуқуқий актни, жисмоний шахснинг алоҳида мақомини унинг фаолиятида қонун бузилиши аниқланганда бекор қилишга ҳақли. Контроль функциясини амалга ошираётган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ундан фарқли равишда нисбатан кенгроқ ваколатларни амалга оширадilar.

Суд контролининг хусусиятлари уни амалга ошириш учун мурожаат қиладиган субъектларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасига мувофиқ депутат, сенатор фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли¹.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010.

Суд контроли — суд ҳокимиятини амалга оширишнинг мустақил ҳуқуқий шакли бўлиб, одил судлов билан тенг мақомда амалга оширилади. Бунда суд органларига давлат органлари, мансабдор шахсларнинг қарорлари (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар кўриб чиқиладиган ёки муайян ҳаракатларни бажаришга рухсат олинаётган ҳолларда суд контроли ҳақида сўз юритилиши мақсадга мувофиқ. Бошқа барча турдаги ишларнинг судда кўрилиши билан боғлиқ ҳолатларда одил судлов ҳақида сўз бориши керак. Бошқача айтганда, суд контролини амалга ошириш жараёнида битта ҳолат — тегишли орган, мансабдор шахснинг қарори ёки ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қонунийлиги аниқланади. Одил судлов жараёнида эса бошқа юридик фактларни аниқлаш имконияти мавжудлиги тўғрисида бир қатор олимлар ҳам фикр юритганлар².

Давлат бошқаруви ва ҳуқуқий таъсир кўрсатиш механизмида суд контроли бошқарув қарори қабул қилинганидан ёки уни қабул қилишдан бўйин товланганидан сўнг амалга оширилади. Фуқаро унинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, уларни амалга оширишга тўсқинлик қилинган, ноқонуний равишда унинг зиммасига муайян мажбуриятлар юклатилган ёки ноқонуний равишда муайян турдаги жавобгарликка тортилган ҳолларда судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Бу эса суд контролини амалга оширишдаги ижтимоий муносабатларнинг одил судловни амалга оширишдаги ижтимоий муносабатларга нисбатан иккиламчи даражали эканлигини юзага чиқаради, зеро одил судловни амалга ошириш жараёнида суд муайян ҳуқуқ бўйича юзага келган низони ҳал этади ёки жиноий жазоланадиган қилмишнинг мавжудлигини, унинг исботланганлиги даражасини ва асосланганлигини, жавобгарликка тортиш асослари борлигини аниқлаштиради ва юридик қонуний кучга эга ҳал қилувчи ҳуқуқий актни қабул қилади.

Шундай қилиб, суд контроли — суд ҳокимиятини амалга ошириш соҳасида давлатнинг контроль функциясини рўёбга чиқаришнинг Конституцияда белгиланган махсус шакли бўлиб, у конституциявий, умумий юрисдикция ва ҳўжалик судлари томонидан конституциявий тузумни, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини, қонунийликни ва қонун устуворлигини амалга ошириш мақсадида алоҳида процессуал тартибда бажарилади ва инсоннинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахсларнинг, жамиятнинг манфаатларини тиклаш ва таъминлашда намоён бўлади.

Фикримизча, жиноят процессининг судга қадар иш юритиш босқичларида суд ваколатларининг кенгайтирилиши зарурияти инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқининг самарали муҳофаза этилишини таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро мажбуриятлари билан ҳам тасдиқланади. Хусусан, 1966 йилда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро Пакт»³нинг 9-моддаси учинчи қисмига асосан «Жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиш ҳуқуқига эга»лиги қайд этилган.

Мамлакатимизда амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши тўғрисида»ги 2005 йил 8 август фармонида белгилаб берилган эди¹. Ушбу норматив ҳужжатда белгиланган вазифалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда ўз ечимини топди. Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-

¹ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги 2004 йил 2 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. — 3-4-сон. — 18-м.

² Масалан қаранг: *Чарышев М.Р.* Судебная власть в системе обеспечения государственной безопасности Российской Федерации // Российский судья. — 2006. — №3. — С.34-39.

³ Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро шартномалар: Тўплам. — Т., 2004. — Б.40.

процессуал кодексига, «Судлар тўғрисида»ги ва «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонун қабул қилинганлиги боис ўтган давр ичида амалга оширилган баҳс ва мунозараларга чек қўйилиб, қонуннинг туб моҳиятини тушуниш ва тўғри қўллаш каби вазифаларни кун тартибдаги долзарб вазифага айлантирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўлига бағишланган концептуал нутқида: «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, уни амалга оширишнинг аниқ процессуал механизмини яратиш жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жинойий таъқиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланади»², — деб таъкидлаган.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессида янги институт — суд контроли институтининг жорий қилинганлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйди. Суд контроли институти судларнинг одил судловни амалга ошириш функцияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жиноят иши бўйича шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари дастлабки тергов босқичида ҳам таъминланишига хизмат қилади.

Масала кўп қиррали ва зиддиятли эканлиги ҳатто бугун ҳам эътироф этилади. *Биринчидан*, ушбу институт жиноят процессининг судга қадар босқичларига илк бор киритилганлиги боис уни амалга оширишнинг механизми ҳали амалда синалмаган ва батафсил тартибга солишни талаб қилади; *иккинчидан*, у ҳозирги кунда амалда бўлган прокурорлик назорати институти билан қандай нисбатда бўлиши номаълум; *учинчидан*, тан олиш керакки, қонунда бундай фавқулодда эҳтиёт чорасини қўллашда юзага келадиган барча муаммоли ҳолатлар ўзининг мантиқий ечимини топмаган; *тўртинчидан*, бугунги кунда мутасадди идоралар томонидан тайёрланаётган ва ушбу қонуннинг тўғри қўлланилиши амалиётини тартибга солишга йўналтирилган раҳбарий қоидалар келтирилган зиддиятларнинг ечимини тўлиқ кўрсатиш ўрнига баъзан уларни чигаллаштирувчи ҳолатлардан холи эмас.

Бу ерда «контроль» ва «назорат» сўзларининг луғавий ва асл маъноларини бир-бирдан ажратиш ва терминларни қўллашда ягона ёндашувни яратиш керак деб ўйлаймиз. Чунки назорат деганда — бирор ишнинг устидан доимий кузатиш, текшириш тушунилади³. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи барча прокурорлар амалга оширади» деб белгиланганлигини кўрсатиш мумкин.

Контроль эса текширишга оид фаолият, текшириш мақсадида кузатиш сифатида тушунилади⁴. Юқорида келтирилган фикрларни таҳлил қилган ҳолда баъзи муаллифлар⁵ томонидан «суд назорати» термини нотўғри қўлланилаётганлигини қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Чунки жиноят ишлари бўйича судлар тергов органларининг фаолиятини, яъни дастлабки тергов жараёнини, унда амалга оширилаётган ҳаракатларни, қабул қилинаётган қарорларни назорат қилмайдилар, балки айнан шу ҳаракат ва қарорларнинг қонуний ва асосланган бўлишини таъминлаш мақсадида текшириш функциясини амалга оширадилар.

Суд контроли дастлабки тергов идоралари фаолиятининг бир жиҳатини қамраб олиб, судга қадар иш юритиш босқичида гумон қилинувчининг ушлаб турилиши қонунийлигини текшириш, зарур ҳолларда унинг муддатини узайтириш, ушланган гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад этиш, бу эҳтиёт чорасининг муддатини узайтириш ҳамда ушбу масалада суд мажлисини ўтказиш кабиларни ўз ичига олади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони // Халқ сўзи. — 2005. — 9 авг.

² Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисдаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2007. — 31 авг.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — Т., 1981. — Б.493.

⁴ Ўша манба. — Б.397.

⁵ Масалан қаранг: Раҳмонова С. Суд назорати: у жиноят процессида қандай ўрин тутуди? // Ҳаёт ва қонун. — 2005. — №4. — Б.38.

Суд контроли институти бир қатор чет эл, шу жумладан МДҲ мамлакатларининг жиноят процессида одил судлов функцияси билан тенг равишда кенг қамровли қўлланилади. Россия Федерацияси, Латвия, Литва, Эстония, Молдова давлатларида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат суд томонидан қўлланилмоқда. Украина, Беларусь, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон ва Грузия давлатларида эса прокурорнинг бу ҳақдаги қарори устидан судга шикоят билан мурожаат қилиш тартиби белгиланган. Бунда судлар тергов ва суриштирув органларининг инсоннинг асосий ҳуқуқларини чеклашга йўналтирилган ҳаракатлари ва қарорларини амалга оширишга рухсат беради ва уларнинг қонунийлигини келиб тушган шикоят ва протестларни текшириш асосида баҳолайди.

Мамлакатимизда судларнинг дастлабки тергов органларининг фаолияти устидан контролни амалга ошириш функцияси қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини кўриб чиқиш, ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асосланганлигига баҳо бериш, тергов ва суриштирув органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан берилган шикоят ва аризаларни ҳал этиш кабиларни ўз ичига олади. Албатта, бунда суд жиноят иши бўйича дастлабки терговда иштирок этиши мумкин эмаслиги ва исботлаш жараёнидаги процессуал муносабатларга киришишга ҳақли эмаслигини таъкидлаш керак.

Суд контролининг мақсади ҳақида фикр юритган И.Л.Трунов: «...у жиноий таъқиб идораларининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашга йўналтирилган қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги ва асосланганлигини таъминлашдан иборат»¹, деб қайд этади.

Юқорида суд контроли мақсади ҳақида келтирилган фикрларни рад этмаган ҳолда уларни аниқлаштириб олиш зарур деб ўйлаймиз. Демак, жиноят процесининг судгача иш юритув босқичлари устидан суд контролининг мақсадларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- 1) эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш, унинг муддатини узайтириш;
- 2) ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг қонуний ва асосланган равишда қўлланилганлигига баҳо бериш, унинг муддатини узайтириш;
- 3) суриштирув ва дастлабки тергов идораларининг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги тўғрисидаги шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш.

Суд контроли процессуал шакл доирасида амалга оширилиб, дастлабки тергов идоралари томонидан қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ёки улар томонидан бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг аввалги ҳолатини тиклаш учун амалга оширилади. Суд контроли институти жиноят процессида ҳуқуқни тиклаш функциясининг амалда ишлашини таъминлашга хизмат қилади. Чунки суд, биринчидан, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлигини ва асосланганлигини текшириш имкониятига эга бўлган бўлса, иккинчидан, суриштирув ва дастлабки тергов органининг ноқонуний ва асоссиз қарорларини (масалан, ушлаб туриш бўйича) бекор қила олиши мумкинлигида намоён бўлади.

Суд контролини амалга ошириш орқали судлар жиноят процесининг иштирокчисига айланган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг кафолати бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, суд контроли жиноят ишларини судга қадар юритиш жараёнида амалга ошириладиган прокурорлик назорати ва идоравий назоратдан бир қатор асосларга кўра устунроқ дейиш мумкин.

Ушбу асосларга қуйидагиларни киритиш лозим:

— суд жиноят процесининг мустақил иштирокчиси сифатида дастлабки терговнинг сифати, яъни суриштирув, дастлабки тергов органлари ва прокурорлар фаолиятининг натижаларига боғланмаган;

— жиноятларнинг очилиши кўрсаткичлари учун курашмайди; дастлабки терговда инсоннинг асосий ҳуқуқларини чеклашга фақат суд рухсат беради (масалан, қамоққа олишга) ва бундай масалалар суд томонидан ҳал этилади;

— уларни ҳал этиш аниқ процессуал тартиб асосида тарафларнинг тортишувига таяниб амалга оширилади;

— судда масалани кўришда манфаатдор томонларнинг иштирок этиши, албатта, инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларига қатъий чек қўйилишига хизмат қилади, бу эса дастлабки терговда инсон ҳуқуқларига риоя қилишнинг яна бир кафолати пайдо бўлганидан далолат беради.

¹ Трунов И.Л. Защита прав личности в уголовном процессе. — М., 2005. — С.14—15.

РЕАЛИЗАЦИЯ ПРАВА ЧЕЛОВЕКА НА СВОБОДУ ОТ ПЫТОК И ДРУГИХ ЖЕСТОКИХ, БЕСЧЕЛОВЕЧНЫХ ИЛИ УНИЖАЮЩИХ ДОСТОИНСТВО ВИДОВ ОБРАЩЕНИЯ ИЛИ НАКАЗАНИЯ

Проводимая в Узбекистане судебно-правовая реформа, прежде всего, направлена на обеспечение законности, надежную защиту прав и интересов человека. В этой связи Президент страны И.А. Каримов в докладе на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан 12 ноября 2010 г. подчеркнул, что достигнутое народом Узбекистана состояние — «это только часть длинного и сложного пути к цели, которую мы поставили перед собой — построить открытое демократическое правовое государство с устойчиво развивающейся экономикой и уважаемое в мире общество, где не на словах, а на деле высшей ценностью является человек, его интересы, его права и свободы»¹.

Права и свободы человека выступают как наивысшая социальная ценность, и гражданское общество обязано обеспечить их неприкосновенность от незаконного государственного или любого вмешательства и произвола. Именно свобода от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения или наказания создает рамки и устанавливает границы, ограждающие от проявления неосновательного государственного принуждения, а правовое признание данной гражданской свободы устанавливает запреты незаконного посягательства на безопасность человека. Применение пыток или унижающих достоинство видов обращения или наказания представляет собой грубейшее нарушение права человека на свободу, и в силу этого рассматриваемый вопрос является одним из важнейших для международного и внутригосударственного регулирования.

Заметим, что первые попытки запретить инквизиционные методы, включая пытки и другие антигуманные виды обращения или наказания, были предприняты в 1628 г., когда была принята «Петиция о праве», утвердившая основные идеи Великой Хартии Вольностей, а впоследствии «Билля о правах» 1689 г., закрепившего, «что недопустимо требование чрезмерных штрафов или жестоких и необычных наказаний».

Гуманистические идеи просветителей конца XVII — начала XVIII вв. нашли свое воплощение в Декларации прав гражданина и человека 1789 г., признавшей естественную природу прав человека и установившую правовой характер государственного принуждения.

Принимая Всеобщую Декларацию прав человека (1948 г.), мировое сообщество признало право на свободу от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения или наказания в качестве международного стандарта прав человека (ст. 5).

Существенным вкладом в развитие права человека на свободу от пыток и других видов антигуманного обращения и наказания следует признать принятие Международного пакта о гражданских и политических правах (1966 г.), который основан на Всеобщей Декларации прав человека и содержит схожую формулировку данного права (ст. 7), однако наполняет его содержание новыми элементами, а также имеет особый механизм защиты, предусмотренный Факультативным протоколом.

В этой связи нельзя не вспомнить региональные международные акты, дополняющие универсальные способы гарантирования исследуемого права (ст. 3 Европейской Конвенции о защите прав человека и основных свобод, ст. 5 Американской Конвенции о правах человека, ст. 5 Африканской Хартии прав человека и народов, ст. 3 Конвенции СНГ о правах и основных свободах человека).

* Начальник кафедры уголовного права Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор.

¹ Каримов И. А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Народное слово. — 2010. — 13 нояб.

Развитие права человека на свободу от пыток и других видов антигуманного обращения и наказания происходит в нескольких направлениях, что предполагает специфику в области правовой регламентации данного права в зависимости от особенностей сферы его реализации, субъектов, призванных обеспечить его охрану, и самих субъектов реализации.

Особое место в системе международно-правовых актов, закрепляющих рассматриваемое право и его гарантии, занимают специальные фундаментальные правовые акты. К ним следует отнести Декларацию о защите всех лиц от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения или наказания (1975 г.) и Конвенцию против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания (1984 г.). Названная Конвенция ратифицирована Узбекистаном в 1995 г., что отражает стремление нашего государства следовать по пути правовых преобразований в соответствии с международными стандартами в области прав человека. Указанное подтверждается ч. 2 ст. 26 Конституции Республики Узбекистан, содержащей конституционный запрет о том, что «никто не может быть подвергнут пыткам, насилию, другому жестокому или унижающему достоинство человека обращению», а также ст. 235 УК Республики Узбекистан, предусматривающей уголовную ответственность за применение пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания.

Проведенный анализ содержания вышеуказанных правовых актов, касающихся правовой регламентации свободы от пыток и других видов антигуманного обращения и наказания, позволил выделить понятия, раскрывающие содержание этого права: «пытка», «жестокое обращение (или наказание)», «бесчеловечное обращение (или наказание)», «унижающее достоинство обращение (или наказание)», «медицинские или научные опыты», «насилие».

Необходимо отметить, что впервые нормативное определение и свое закрепление понятие «пытка» получило в Декларации о защите всех лиц от пыток, а в дальнейшем в Конвенции против пыток¹.

Определение пытки, закрепленное Конвенцией, построено с помощью юридической конструкции неправомерного поведения, и в силу этого в своей структуре оно содержит следующие элементы правонарушения: объект, объективная сторона, субъект, субъективная сторона.

Объектом правонарушения является установленный порядок управления в том или ином государстве и безопасность потерпевшего или третьих лиц.

Объективная сторона включает в себя такие признаки, как действия и последствия в форме причинения сильной боли или страдания, физического или умственного (или нравственного). Как правило, такие действия применительно к данному правонарушению характеризуются причинением различных видов телесного повреждения; применением внесудебных и произвольных казней; несоответствующими международным стандартам условиями содержания задержанных и осужденных, а также военнослужащих; любым проявлением антигуманного обращения и наказания в отношении детей и женщин; носящим дискриминационный, оскорбительный или унижающий характер обращения с инвалидами; любым проявлением нетерпимости со стороны государства и его должностных лиц в отношении человека, исповедующего иные убеждения, а также к лицам той или иной национальной принадлежности; фактами антигуманного обращения или наказания в отношении военнослужащих и гражданского населения в период военных действий; привлечением невинного к ответственности; вынесением неправомерного приговора, решения, определения или постановления; незаконным задержанием или заключением под стражу и др. Однако сюда не включаются боль и страдания, которые возникают лишь в результате законных санкций, неотделимы от них или вызываются ими случайно.

Субъектом пытки, исходя из содержания Конвенции, является государственное должностное или иное лицо, выступающее в официальном качестве. Совершение данного правонарушения возможно в форме соучастия.

¹ Хотелось бы напомнить, что одним из первых научных определений пытки является определение, данное Цезаре Беккария в известном сочинении «О преступлениях и наказаниях» (1764 г.).

Субъективная сторона данного вида правонарушения характеризуется прямым умыслом. В качестве обязательного признака субъективной стороны должна рассматриваться цель совершения пытки. В соответствии с Конвенцией, целью является: 1) получение информации или признания; 2) наказание за действие, которое совершило подвергаемое пытке лицо (или третье лицо) или в совершении которого оно подозревается; 3) запугивание его или третьего лица, а также принуждение; 4) ограничение или лишение прав определенных категорий граждан, основанных на дискриминационном характере (сегрегация, геноцид и т.д.).

Вышеприведенный анализ состава названного правонарушения, изложенный в ст. 1 Конвенции против пыток 1984 г., позволяет констатировать, что его объективные и субъективные признаки отражены в полном объеме в ст. 235 УК, предусматривающей ответственность за применение пыток и других жестоких, бесчеловечных видов обращения и наказания за исключением субъекта преступления, так как в качестве субъекта преступления, предусмотренного данной статьей УК, указывается лишь дознаватель, следователь, прокурор и другие работники правоохранительных органов, учреждения по исполнению наказания, что значительно уже, чем это определено в ст. 1 Конвенции против пыток. И это не случайно. Дело в том, что пытки и другие жестокие бесчеловечные или унижающие достоинство виды обращения и наказания являются разновидностью превышения власти или должностных полномочий, ответственность за которые установлена в самостоятельной ст. 206 УК. Следовательно, если пытки и другие жестокие, бесчеловечные или унижающие достоинство виды обращения и наказания совершаются другими должностными лицами, которые не перечислены в ст. 235 УК, то их действия подлежат квалификации по ст. 206 УК как превышение власти или должностных полномочий. Более того, действующее уголовное законодательство Республики Узбекистан устанавливает ответственность за другие действия, которые не перечислены в названной Конвенции, но связаны с пытками (например, ст.ст. 104-111 УК, предусматривающие ответственность за причинение различных видов телесных повреждений, ст. 152 УК, устанавливающая ответственность за нарушение законов и обычаев войны, ст. 153 УК, предусматривающая ответственность за геноцид, ст. 234 УК, предусматривающая ответственность за незаконное задержание или заключение под стражу). Таким образом, внутреннее законодательство Республики Узбекистан содержит институт борьбы с пытками, сконцентрированный не только и не столько в одной уголовно-правовой норме, а распространяет свое действие на целый ряд уголовно-правовых норм, имеющих различных по своему правовому статусу субъектов преступного деяния, что логически вытекает из требований части 2 ст. 1 Конвенции о том, что «эта статья не наносит ущерба какому-либо международному договору или какому-либо национальному законодательству, которое содержит или может содержать положения о *более широком применении* (выделено нами - Р.К.)».

Приведенное соответствие снимает критику оппонентов по вопросу узкого применения ст. 235 УК Республики Узбекистан по кругу привлекаемых к уголовной ответственности субъектов преступления.

На основании изложенного необходимо констатировать, что в Узбекистане правовая база борьбы против пыток создана и функционирует, однако в целях создания более действенной и результативной правовой реализации указанных международных стандартов в этой сфере следует предпринять организационно-правовые меры в следующих направлениях:

1) осуществлять эффективную борьбу с пытками и другими жестокими, бесчеловечными или унижающими достоинство видами обращения и наказания лишь только уголовно-правовыми средствами явно не достаточно. Этот вопрос предполагает комплексный подход, где необходимо учитывать социальные, экономические и юридические аспекты. Для успешной борьбы с рассматриваемыми антигуманными проявлениями необходимо

разработать и принять Концепцию свободы от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания, в которой следует предусмотреть создание специального государственного органа — Комитета против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения или наказания при Олий Мажлисе Республики Узбекистан. Определить одной из важнейших задач указанного Комитета недопущение, выявление и пресечение применения пыток в системе государственных органов и информирование о своей деятельности в парламенте Республики Узбекистан;

2) объективный смысл права на свободу от антигуманного обращения и наказания выражается в том, что оно может быть рассмотрено как самостоятельный правовой институт, включающий в себя не только нормы международного, конституционного, уголовного, но и уголовно-процессуального, гражданского, административного и других отраслей права, регламентирующих и обеспечивающих свободу от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания. Изложенное обуславливает разработку и принятие Закона Республики Узбекистан "О противодействии пыткам и другим жестоким, бесчеловечным или унижающим достоинство видам обращения или наказания". В содержательном плане этот закон должен включать материально-правовые, организационно-правовые, организационно-технические, материально-финансовые, уголовно-процессуальные, административно-процессуальные и иные гарантии, обеспечивающие целенаправленную борьбу с пытками и всемерную защиту прав и свобод человека;

3) для правильного и единообразного применения норм международного и внутригосударственного права в сфере борьбы с пытками и другими антигуманными видами обращения и наказания необходимо принять соответствующее постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан. В этом постановлении следует предусмотреть:

— статистический анализ деятельности судебной системы по рассмотрению судами по уголовным делам поступивших в судебные органы уголовных дел с обвинительными заключениями по фактам применения пыток;

— наиболее актуальные вопросы квалификации по фактам применения пыток, включая толкование уголовно-правовых норм и рекомендаций по их применению, а также разрешение вопросов об обеспечении прав и законных интересов жертв пыток, принятии соответствующих мер по их ревиктимизации, возмещении причиненного материального и морального, а также и физического вреда;

— решение наиболее актуальных вопросов по расследованию и судебному рассмотрению уголовных дел, возбужденных и расследованных по преступлениям, предусмотренным ст. 235 УК Республики Узбекистан;

4) усиление борьбы с данными видами правонарушений обуславливает активизацию научных изысканий в этой сфере. Представляется необходимым усилить взаимовыгодный контакт ученых и правоохранительных органов в части обеспечения исследователей статистическими и иными данными относительно состояния борьбы с пытками, с одной стороны, и с другой - повысить ответственность исследователей по своевременной выработке эффективных рекомендаций. Указанное позволит оживить процесс проводимых научных исследований в этой сфере.

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТИЗИМГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йигирма йили давомида юртимизда профессионал парламент қарор топиб, қонун чиқариш фаолияти изчил такомиллашиб бормоқда. Мустақиллигимизнинг ўтган даврида «қонун ижодкорлик жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда»¹. Айни вақтда, яратилажак ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлашда хорижий давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибасини ўрганиш асосий талаблардан биридир.

Қонунчилик тизимининг ривожланиб бориши — унинг нафақат мазмунан такомиллашувини, балки ҳажм жиҳатдан кенгайиб боришини, яъни ҳуқуқий нормалар миқдори ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қўламининг ортиб боришини англатади. Табиийки, жамият миқёсида тўпланиб ва тобора кўпайиб бораверадиган қонунчилик ҳужжатлари массивини тартибга келтириш, ички мувофиқлашган тизимга солиш эҳтиёжи туғилади. Шу сабабли қонунчиликни, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуини бир тизимга солиш (систематизация қилиш) вазифаси кун тартибига чиқади. Худди шу боис, давлатнинг ваколатли ҳамда ихтисослашган органлари доимий равишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш билан бевосита шуғулланишлари зарур бўлади. Давлат раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида қонунчиликни тизимлаштириш масаласига алоҳида эътибор қартиб, у қонунларнинг сифатини яхшилашнинг воситаси эканлигини таъкидлади². Давлат органларининг қонунчиликни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ягона, батартиб ва ички мувофиқлашган тизим ҳолатига келтиришга йўналтирилган расмий фаолияти *қонунчиликни тизимлаштириш, систематизация қилиш* деб аталади³.

Муустақилликка эришганимиздан ҳозирга қадар юзлаб, хатто минглаб янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилди, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг мазмуни ва принциплари жиддий равишда такомиллашмоқда. Худди мана шундай янгиланишлар ва ўзгаришлар даврида амалдаги норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш билан шуғулланилмаса, келгусида уларни излаб топиш ва қўллаш тобора мураккаблашиб кетади. Ўз навбатида, тизимлаштириш фаолияти қонунчилик ҳужжатларини инвентаризация қилиш, таҳлилдан ўтказиш имкониятини беради. Юридик фан ва амалиётда қонунчиликни тизимлаштиришнинг ҳуқуқий фаолият тарзидаги қуйидаги шакллари қарор топган:

- 1) қонунчиликни кодекслаштириш;
- 2) меъёрий ҳужжатларнинг расмий ҳисобини юритиш;
- 3) меъёрий ҳужжатларнинг турли тўпламлари ва мажмуаларини тузиш ҳамда нашр этиш (қонунчиликни инкорпорация қилиш);

* Тошкент Давлат юридик институтининг тадқиқотчиси.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б. 24.

² Қаранг: Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ваганимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т., 2010. — Б.14.

³ Қаранг: Общая теория государства и права. Академический курс. Том 2. — М., 1998. — С.197; Российская юридическая энциклопедия. — М., 1999. — С.890.

4) турли меъерий нормаларни умумлаштириш асосида йирик ҳуқуқий ҳужжатларни (одатда, муайян масала бўйича) тайёрлаш ва қабул қилиш (қонунчиликни жамлаш, консолидация қилиш).

Қонунчилик тизимида *кодекслар* алоҳида ўринга эга. Чунки, кодекслар қоидалари мантиқий тизимга солинган қонунлар ҳисобланади. Кодекслар ўз юридик кучи жиҳатидан оддий қонунлардан устун туради. Улар тегишли қонунчилик соҳасига кирувчи бошқа қонунлардан ўзининг ички мантиқий мукамаллиги, барқарорлиги билан ажралиб туради. Кодекслар ҳуқуқ тармоғининг асосий ўзак қонуни (манбаи) сифатида Конституция ва конституциявий қонунлардан кейинги мавқени эгаллайди. «Қонунчиликни кодекслаштириш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар қайта ишланади, ихчамлаштирилади, такомиллаштирилади»¹. Улардан фойдаланиш бошқа қонунларга нисбатан анча қулайроқдир. Мамлакатимизда шу бугунга қадар 15 та кодекс қабул қилинган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида Фуқаролик кодекси (1-2-қисм, 1995, 1996), Фуқаролик-процессуал кодекси (1997), Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (1994), Меҳнат кодекси (1995), Ҳаво кодекси (1993), Хўжалик-процессуал кодекси (1997), Оила кодекси (1998), Ер кодекси (1998), Уй-жой кодекси (1998), Солиқ кодекси (2008), Божхона кодекси (1997), Жиноят-ижроия кодекси (1997), Шаҳарсозлик кодекси (1999) амал қилмоқда.

Кодекслаштириш ҳуқуқий давлат барпо этиш талабларига мос равишда ривожланадиган узлуксиз фаолиятдир. Таъкидлаш жоизки, кодекслаштириш ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятининг алоҳида туридир². Қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини муттасил яхшилаб бориш талаб этилади. Уларнинг кўпчилиги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялашиш характериға, яъни муайян даражада тизимлашув мазмуниға эға эмас³.

Кодекснинг асосий ижодкори парламент ҳисобланади. Парламент кодекслаштириш ишларига муайян тартибда тегишли мутахассисларни, олимларни ҳамда экспертларни жалб этиши зарур. Қолаверса, парламент келгусида шу йўналишдаги ўз фаолиятини мустаҳкамлаш йўлида нафақат мамлакатнинг ҳаётиға оид *муҳим қонунларнинг қабул қилинишиға оид дастурни*, балки *Қонунларни кодекслаштириш дастурини* қабул қилиши мақсадға мувофиқ, деб ўйлаймиз. Ушбу дастурда келгусида қабул қилинишиға эҳтиёж сезилаётган Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик, Маъмурий-процессуал, Соғлиқни сақлаш, Сайлов қонунчилиги, Қонун чиқариш жараёни, Таълим, Экологик, Инвестиция, Бюджет ва Тадбиркорлик кодекси кабиларни тайёрлаш юзасидан қонунчилик ташаббуси субъектлари олдиға аниқ вазифалар белгилаб қўйилса, ўринли бўларди.

Башарти, жорий қонун қабул қилиниши унинг амалда бўлишини таъминлаш учун бир ёки бир нечта қонун ости ҳужжати ишлаб чиқишни талаб қилса, кодекслаштириш натижасида эса бутун тармоқ қонунчилиги қайта кўриб чиқилади ва тубдан янгиланади. Эътиборли жиҳати шундаки, ана шу янгилашиш жараёнида эскирган нормалар аниқланади ва бекор қилинади.

Таъкидлаш лозимки, кодекслаштириш амалдаги ҳуқуқий тартибға солишни умумлаштирар экан, у айни пайтда, ижтимоий тараққиёт талабларига жавоб берувчи янги нормалар ўрнатишға ҳам хизмат қилиши лозим. Акс ҳолда кодекслаштиришнинг ҳуқуқий тартибға солишдаги бўшлиқларни тўлдиришға қаратилган аҳамияти ва самараси пасаяди.

Шу билан бирға эътибор қаратиш керакки, жорий йилнинг 1 апрель кунига қадар Фуқаролик кодексининг биринчи қисмиға 19 та, иккинчи қисмиға 20 та, Фуқаролик-процессуал кодексига 9 та, Жиноят кодексига 49 та, Жиноят-процессуал кодексига 48

¹ *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. —Т., 2002. — Б. 268.

² Қаранг: *Шестерюк А.С.* Вопросы кодификации законодательства об охране окружающей среды. — Л., 1984. — С. 47.

³ *Каримов И.А.* Асосий мақсадимиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т., 2010. — Б.14.

та, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 75 та, Меҳнат кодексига 15 та, Ҳаво кодексига 4 та, Хўжалик-процессуал кодексига 10 та, Оила кодексига 7 та, Ер кодексига 6 та, Уй-жой кодексига 7 та, Солиқ кодексига 14 та, Божхона кодексига 12 та, Шаҳарсозлик кодексига 4 та, Жиноят-ижроия кодексига 11 та ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Албатта, ушбу ҳолат, бир томондан, замон талабининг ўзгариши билан қонунчилигимиз тезкор суратлар билан мазкур ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаб, тегишли чораларни кўрганлигидан далолат берса, иккинчи томондан ушбу қонун ҳужжатлари сифат нуқтаи назаридан мукамалликка эришмаганлигидан далолат беради.

Биргина мисолни олиб кўрайлик. 1997 йилдан 2008 йилга қадар амалда бўлган Солиқ кодексига мазкур давр мобайнида 38 та қўшимча киритилган бўлса, 2008 йилда қабул қилинган янги Солиқ кодексига бугунги кунга қадар 14 та қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганини қандай изоҳлаш мумкин. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳозиргача 80 га яқин ўзгартиришлар киритилганлиги унинг ички тизимлилик принципига путур етказмаганлигини қанчалик кафолатлайди?

Юқоридагига ўхшаш муаммоларни ечишнинг йўлларида бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида кодексларни *ягона ғоя* асосида тайёрланишини таъминловчи давлат комиссияси ёки махсус институт ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу, ўз навбатида, барча кодексларнинг бир қўлдан ўтиши ва маълум тафовутларга эга қонунчилик тизимининг ўзаро уйғунлашуви, изчиллашувини таъминловчи ҳуқуқий механизм яратилишига олиб келади.

Мамлакатимизда *норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисобини юритиш* жорий этилган бўлиб, бу вазифа асосан Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган. Шу билан бирга айтиш зарурки, Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари Олий Мажлис томонидан расмий тарзда давлат рўйхатидан ўтказилади, давлат реестрига киритилади ва уларга тегишли регистрация рақами берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳам белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади ва рақамланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритишда, шунингдек, қонунчиликни тизимлаштиришнинг бошқа шакллари аналга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 27 октябрь қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тармоқларининг умумҳуқуқий классификатори»¹ муҳим ўрин эгаллайди.

Шу боис бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ҳамда келгуси истиқбол манфаатларини кўзлаб, қонунчиликни тизимлаштириш ишларини режалаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда қонунчилик тизимига, унинг таркибий қисмларига таъсир кўрсатувчи барча омилларни эътиборга олиш лозим. Шундай қилинган тақдирда ҳуқуқ тизимининг ва қонунчилик тизимининг ички мувофиқлигига, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг изчиллиги ҳамда таркибий яхлитлигига, жамланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига кирган ҳуқуқий қоидаларнинг аниқлаштирилиши ва ҳаётга самарали тадбиқ этилишига эришиш мумкин бўлади.

Қонунчиликни тизимлаштиришнинг муҳим шаклларида яна бири уни *инкорпорация қилишдир*. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инкорпорация тарзида тизимлаштириш шундай ҳужжатларни ўз ичига олган тўпламларни тайёрлаш ва нашр этишда намоён бўлади. Инкорпорация ҳуқуқни янгитдан ижод этиш табиатига эга эмас, бунда «қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари, фармойишлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунига ҳеч қандай ўзгариш киритилмасдан алфавит, хронологик, мавзу бўйича ва бошқа тарзда тизимга солиб нашр этилади»².

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. — 1998. — 10-сон; Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси. 1998. — 4-сон. — Б. 7-71.

² Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2000. — Б.272.

Қонунчиликни инкорпорация қилиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олиш билан бевосита боғлиқдир. Чунки у тегишли меъёрий ҳужжатларнинг тўла-тўқис жамланган базасига таянади. Бу фаолиятда ҳужжатларни излаб топиш системаси хизматидан ҳам фойдаланилади. Зеро, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш қонунчилик ҳужжатлари тўғрисидаги ахборотларнинг тўлиқ бўлиши, ахборотларни қайд этиш ва зарур ҳолда топиб бериш, меъёрий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаларига таянувчи ахборотлар олиш, қонунчилик борасидаги маълумотларни тез ва сифатли излаб топиш имкониятини беради.

Инкорпорация қилиш ишларининг дастлабки вазифаси тизимлаштириладиган ҳужжатларнинг рўйхатини тузиб олишдан иборат бўлади, кейин уларга тегишли ташқи ишлов берилиб, тўплам тузилади. Агар ҳуқуқнинг алоҳида соҳасига оид қонунлар инкорпорация қилинадиган бўлса, шу соҳа предметига тегишли барча қонунчилик ҳужжатлари мажмуини аниқлаб олиш зарур бўлади.

Қонунчиликни инкорпорация қилишнинг моҳиятини англатувчи муҳим хусусияти (принципи) шундаки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ўзгартирилмасдан, яъни ҳуқуқ ижодкорлик органи ҳужжатни қайси кўринишда ва қандай матнда қабул қилган бўлса, шу ҳолатида тўпламга киритилади. Худди мана шу хусусият (принцип) инкорпорацияни кодификация ва консолидациядан фарқлаб туради. Инкорпорация қонунчиликни амалда бўлган (назорат) ҳолатида сақлаб туриш мақсадида давлат органлари томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган фаолият сифатида баҳоланади¹. Инкорпорациядан кўзланган мақсад аҳолининг кенг қатламларига қонунчилик ҳужжатларининг мазмунини етказиш, уларни англаш, улардан фойдаланиш осон бўлишига, барча ҳуқуқ субъектлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида ишончли ахборот олишига эришишдан иборат. Бу ваколатли ва мутасадди идораларнинг малакали, мунтазам фаолияти орқали таъминланади.

Инкорпорация уни қайси давлат идораси амалга оширишига қараб ва қонунчилик ҳужжатлари тўпламининг юридик кучига кўра қуйидаги турларга таснифланади: *расмий инкорпорация, официоз инкорпорация ва норасмий инкорпорация*.

Расмий инкорпорация қонунчилик ҳужжатларини уларни чиқарган ҳуқуқ ижодкорлиги органлари томонидан ёки уларнинг топшириғи ёхуд маъқуллаши асосида бошқа ваколатли орган томонидан тизимлаштирилиб, тўплам шаклида нашр этилишидир.

Бундай тўпламлар расмий характерга эга бўлиб, уларга ҳуқуқий фаолиятнинг барча жабҳалари ва барча ҳолатларида мурожаат этиш, фойдаланиш ҳамда ҳавола қилиб, таяниш мумкин.

Официоз (ярим расмий) инкорпорация — қонунчилик ҳужжатларининг уларни системалаштириш ваколатига эга бўлган идоралар томонидан тўплам ёки мажмуа қилиб чиқарилиши (одатда, бундай системалаштириш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади). Бунда ҳуқуқ ижод этувчи орган бундай тўплам ёки мажмуани расман тасдиқламайди ва шу боис ҳам унга киритилган ҳужжатлар матнлари расмий тусга эга эмас.

Норасмий инкорпорация — махсус ваколатга эга бўлмаган ҳар қандай шахслар ёки ташкилотлар томонидан норматив ҳужжатларни тизимлаштирилган тўплам ҳолида нашр этиш, яъни ҳуқуқ ижод этувчи органлар рухсатини олмай туриб, ташкилотлар ёки бошқа юридик шахсларнинг қонунчилик ҳужжатларига ташқи ишлов беришлари, тизимлаштиришларидир.

Қонунчилик ҳужжатларининг норасмий тўпламлари ҳуқуқ манбаи бўла олмайди, шунинг учун ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги ёки ҳуқуқни қўллаш фаолиятида уларга таянилмайди.

Демак, инкорпорация тизимлаштиришнинг ташқи жиҳатидангина тизимга келтириш шаклидир. Бу кодекслаштиришдан фарқли ўлароқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунига ўзгартириш киритмай, уларни шунчаки тўплам шаклига келтиришдир. Бу, авваламбор, қонунчилик ҳужжатларидан фойдаланишни енгиллаштириш мақсадида амалга оширилади.

¹ Қаранг: Общая теория государства и права. Академический курс. В 3-х томах / Отв.ред.проф. М.Н.Марченко. Т.2. — М., 2001. — С.378.

Жамият ривожланиб боргани сайин норматив ҳужжатларнинг сони ва ҳажми ортиб боради. Аини бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар вужудга келиши мумкин. Бу эса ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигига салбий таъсир этади, меъёрий ҳужжатларни қўллашни қийинлаштиради. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг уммонида, табиий равишда такрорланишлар, номутаносибликлар, қарама-қаршилиқлар келиб чиқиши мумкин. Бундай вазиятни бартараф этишнинг йўлларида бири — *қонунчиликни консолидация қилишдир*.

Дарҳақиқат, бу объектив зарурат бўлиб, консолидация амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчасини тартибга солишга, уларни йириклаштириш учун дастлабки ишловга олишга қўмаклашади. Қонунчиликни консолидация қилиш, авваламбор, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, тўплаш, умумлаштириш учун зарур.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, «консолидация — тизимлаштириш усули бўлиб, бир мавзуга оид, лекин турли хил бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бирлаштиришдир. Консолидациялашган бу янги ҳужжат тегишли тартибда давлатнинг ҳуқуқ яратувчи органи томонидан қабул қилинади. Бунда янги ҳужжат қабул қилиниши билан консолидация қилинаётган барча илгариги ҳужжатлар ўз юридик кучини йўқотади ва ҳаракатдан тўхтади»¹.

Консолидация қилиш — ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг муайян шакли бўлиб, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мукаммаллаштирилади, тўлдирилади ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштирилади. Мазкур фаолият ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади ва шунинг учун ҳам консолидация расмий тусга эга эканлиги тўғрисидаги таъкидлар асослидир. Худди кодекслаштиришдаги каби консолидация натижасида ҳам битта ялпи норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзага келади. Бироқ, бунда норматив-ҳуқуқий ахборотнинг ўзи қайта ишланмайди, балки такрорлашларни бартараф қилиш мақсадида баъзи ҳуқуқий нормалар чиқариб ташланади².

Демак, консолидация қилиш — тизимлаштиришнинг шундай бир шаклики, уни амалга ошириш жараёнида ижтимоий муносабатларнинг битта соҳасида амалда бўлган бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни ўзгартирилмаган ҳолда ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштирилади. Консолидациянинг яна бир хусусияти, у баъзи жиҳатлари билан кодекслаштириш ва инкорпорацияни эслатади. Жумладан, тизимлаштириш шаклига кўра консолидация кўпроқ системали инкорпорацияга яқин туради. Кодекслаштиришга зарурат бўлмаган ҳолларда консолидациядан фойдаланиш қонунчиликда яхши самара беради. Бунинг боиси кодекслаштиришга зарурат бўлмаган ҳолларда консолидация бир турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бирлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини камайтириш ва шу йўл билан ҳуқуқий тартибга солишни яхшилашнинг самарали воситасидир.

Қонунчиликни консолидация қилишнинг самараси хусусида шунини айтиш мумкинки, унинг амалга оширилиши натижасида бир ҳуқуқий тартибга солиш предметига эга бўлган ва алоҳида-алоҳида ҳолда амал қилиб, ҳатто баъзан бир-бирини такрорлаётган, ўзаро зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бартараф қилинади, улар йириклаштирилади, қонунчиликда ўзига хос умумлашмалар яратилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг умум эътироф этилган анъанавий шаклларида ташқари, унинг қуйидаги янги турлари ҳам ҳозирги кунда ривожланмоқда. Жумладан:

— *унификациялаш* (лотинча — *unus* — бир, бир хиллик), яъни қонунчиликни бир-хиллаштириш — халқаро муносабат иштирокчиларининг давлат суверенитети, мустақиллиги

¹ Қаранг: *Нерсеяни В. С.* Общая теория права и государства: Учебник для юрид. вузов и факультетов. — М., 2001. — С. 446.

² Қаранг: *Лазарев В. В., Липень С. В.* Теория государства и права: Учебник для вузов. — М., 2000. — С. 287.

принципларига риоя этиш баробарида, уларнинг муайян ўзаро манфаатларини таъминлаш мақсадида, турли давлатларнинг қонунчилик тизими мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда уларни бир-бирга яқинлаштириш (бирхиллаштириш) жараёнидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бирхиллаштириш қонунчилик тармоқлариаро ва қонунчилик тармоқларининг ичида ҳам амалга оширилиши мумкин (масалан, фуқаролик қонунчилиги тармоғи, тадбиркорлик қонунчилиги доирасида ва ҳ.к.).

— *интеграциялаш* (юнонча *integratio* — тиклаш, бирлаштириш) — икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг иқтисодий, ҳуқуқий тизимларини ўзаро ихтиёрий асосда бирлаштириб, янги ягона тизим яратиш жараёнидир.

— *норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни гармонизациялаш* (юнонча *harmonikos* — уйғунлаштириш) — маълум тафовутларга эга қонунчилик тизимининг ўзаро уйғунлашувини, изчиллигини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни яратиш жараёнидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни гармонизациялаш — мазкур ҳужжатларни унификациялаш ёки интеграциялашга олиб келади.

Ҳозирда вақтда қонунчилик нормаларини тизимлаштириш фаолияти давлат фаолиятидангина иборат эмас. Ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий қилиниши қонунчиликни тизимлаштиришнинг янги йўналиши — электрон тизимлаштиришни вужудга келтирди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг ушбу тури умумэтироф этилган расмий номга эга бўлмаганлиги боис, биз уни шартли равишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни электрон верификациялаш (лотинча — *verification* — ўзгартириш) деган атама орқали ифодалаймиз.

Электрон верификация кенг маънода — давлат органлари ва нодавлат корпоратив тузилмаларининг кенг омма фойдаланиши учун минтақавий, идоравий, назарий, ахборот-ҳуқуқий маълумотлар базасини шакллантириш бўйича фаолиятидир. Электрон верификациялашнинг икки турини кўрсатиш мумкин: а) давлат ва маҳаллий бошқарув эҳтиёжларини қондириш учун қонунчиликни расмий электрон верификациялаш (*Lex.uz* электрон дастури); б) тижорат, ўқув-касбий ва бошқа мақсадларда қўллаш учун қонунчиликни норасмий верификациялаш. (масалан, «Норма», «Право» ва «Юрида» электрон дастурлари).

Ҳозирги кунда қонунчиликни тизимлаштириш учун дастлабки шарт-шароитлар яратилган бўлиб, уни амалга оширишга тайёргарлик ишларини айнан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни консолидация қилишдан бошлаш мумкин, чунки кейинги йилларда қонунчиликнинг жадал ривожланиши кузатилмоқда ва табиийки, юзага келган норматив-ҳуқуқий массив идоравий норма ижодкорлиги фаолияти натижаларини ҳам умумлаштиришни, бирлаштиришни тақозо этмоқда.

Юқоридагиларни умумлаштриб айтиш мумкинки, қонунчиликни тизимлаштириш амалдаги ҳуқуқ институтларини тартибга солиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ишлов бериш ва уларни бир тизимга келтириш, ҳуқуқ нормалари мазмунидаги зиддиятларни бартараф қилиш, эскирганларини аниқлаш ва фойдаланишдан чиқариб ташлаш, шунингдек, ижтимоий тараққиёт талабларига жавоб берадиган янги ҳуқуқий нормаларни яратиш фаолиятидир.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ва қонунчилик тизимларида амалга оширилаётган демократлаштириш, либераллаштириш ва модернизациялаш жараёнлари қонунчиликни тизимлаштиришнинг, айниқса кодекслаштиришнинг сифат жиҳатдан янги босқичи бошланишига туртки бериши табиийдир. Шубҳасиз, кодекслаштиришнинг янги босқичи халқаро ва миллий ҳуқуқий тажрибага таянган ҳолда пухта илмийлик ва изчиллик асосида амалга оширилади.

ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ КАТЕГОРИЯСИ: ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

Маълумки, ҳозирги даврда юридик фанда ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш муаммолари юзасидан кўплаб ҳуқуқшунос олимлар тадқиқот олиб бормоқдалар. Уларда «ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш» ибораси турлича, аммо ўзаро яқин маъноларда талқин этилади¹. Ҳуқуқ нормасини ҳуқуқий муносабатларга татбиқ қилишдан аввал, унинг маъно ва мазмунини тўғри англаш лозим. Татбиқ этилаётган ҳуқуқ нормасининг таъсир доирасини белгилаш учун тегишли юридик малака талаб қилинади. Амалиётда ҳуқуқий нормалар тўғри татбиқ этилиши ва қўлланиши учун уларни шарҳлаш зарур бўлади.

«Шарҳлаш» ибораси латинча «interpretatio» инсоният томонидан яратилган турли моддий ва номоддий буюмларни изоҳлашни англатади. Моддий маданият объектлари бўлган санъат асарларини шарҳлаш ёки ёзма манбалар матнини талқин этиш бунга мисол бўла олади. Ёзма манбалар матнини шарҳлаш ибораси ҳуқуқни шарҳлаш сифатида қўлланилади². Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш муаммолари кўплаб ҳуқуқшунос олимларни қизиқтирган ва ҳамон қизиқтириб келмоқда. Олимларнинг ҳаммаси «барча қонунлар шарҳланиши керак» деган фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Аммо уларнинг шарҳлаш ҳақидаги қарашлари ҳар доим ҳам ўзаро мос келавермайди.

Шарҳлаш назарияси ривожланиш даврида бир қатор босқичларни босиб ўтган. Е.Врублевскийнинг фикрича, статик шарҳлаш назарияси ҳуқуқни қўлловчи органлар олдида ҳуқуқнинг барқарорлигини таъминлаш вазифасини қўяди. «Динамик шарҳлаш» назарияси тарафдорлари амалдаги ҳуқуқ нормаларининг ҳаётийлигини таъминлаш мақсадини қўядилар. Россиялик ҳуқуқшунос олим А.Ф.Черданцевнинг фикрича, «шарҳлаш деганда, бир томондан, белгилар тизимини тушунтиришга қаратилган муайян тафаккур (билиш) жараёни, бошқар томондан эса ушбу жараённинг табиий тилда ифодаланиши ҳамда мазкур тизимга муайян маъно берадиган натижаси тушунилади». Шунингдек, А.Ф.Черданцев «ҳуқуқни (қоидани) шарҳлаш» иборасини ҳам худди шундай изоҳлайди. Шарҳлаш ҳуқуқнинг умумий нормасини, айнан юридик жиҳатдан ҳал қилиниши лозим бўлган ҳар бир алоҳида вазиятга қўллаган ҳолда, батафсил тушунтириш орқали қонун чиқарувчи органнинг иродасини аниқлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқни шарҳлашнинг маъно-мазмунини талқин этишда юридик адабиётларда бир тўхтама келинмаган³. Масалан, профессорлар У.Таджиханов ва А.Саидов «шарҳлаш орқали ҳуқуқнинг маъноси аниқлаб берилади, ҳуқуқнинг маъноси тушунтириб берилади ва ниҳоят шарҳлаш воситасида ҳуқуқнинг маъноси ҳам аниқлаб, ҳам тушунтириб берилади»⁴, — деган фикрни билдирганлар. Профессор З.М.Исламов ҳуқуқни шарҳлаш борасида юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда ҳуқуқни шарҳлаш фақат ҳуқуқ нормаларининг маъносини аниқлашни ўз ичига олса, бунда ҳуқуқ нормаларини тушунтириб берувчи махсус фаолият инкор этилади ва аксинча, шарҳлашнинг моҳияти фақат ҳуқуқ нормаларининг моҳиятини тушунтириб бериш билан чекланса, у ҳолда тушунтиришдан олдин кечадиган фикрлаш жараёни инкор этилади, деган хулосага келган⁵.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси конституциявий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси.

¹ Қаранг: Общая теория государства и права. Академический курс. В 2-х томах / Под ред. проф. М.К.Марченко. Т.2. Теория права. — М., 1998. — С. 323.

² Қаранг: Проблемы теории государства и права / Под ред. С.С.Алексеева. — М., 1987. — С. 394—395.

³ Қаранг: Проблемы общей теории права и государства / Под общ. ред. В.С.Нерсисянца. — М., 2008. — С. 444-445.

⁴ Қаранг: Саидов А., Таджиханов У. Ҳуқуқ назарияси. — Т., 2001. — Б. 220.

⁵ Қаранг: Исламов З.М. Общество. Государство. Право. — Т., 2001. — С.595.

Париж университетининг профессори М.Топернинг фикрича «шарҳлаш» маъноси англашни билдиради, шарҳлаш зарурати эса маъно англашилмаганида вужудга келади, жумладан, маъно-мазмун инкор этилганда шарҳлаш зарурати тугилади¹. У «шарҳлаш» тушунчасини таърифлар экан, икки имкониятни ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайди: шарҳлаш бу ё бирор-бир нарсанинг аҳамиятига тўхталиш ёки бирор-бир нарсанинг аҳамиятини белгилаб беришдир. Бунда, биринчидан, шарҳлашнинг маъно ва мазмунини англаш функцияси ҳақида сўз юритилса, иккинчидан, ушбу фаолиятдан келиб чиқадиган функция ҳақида сўз боради².

Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш зарурати ҳуқуқ нормаларининг тизимлилиги хусусиятидан ҳам келиб чиқади. Ҳуқуқ нормалари ўзаро алоқадорликда ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ҳуқуқ нормалари мантиқан ўзаро боғланган бўлиб, унинг ўзаро боғлиқликлари ҳуқуқ нормаларининг мазмунини ташкил қилади. Мазкур боғлиқлик шарҳланаётган ҳуқуқ нормаларини бошқа ҳуқуқ нормалари билан қиёслашни тақозо этади. Бунинг инкор қилиниши шарҳланаётган ҳуқуқ нормасининг мазмунини нотўғри тушунишга олиб келади. Ҳуқуқ нормаларининг ўзаро боғлиқлиги эса турли-туман бўлади.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш фикрлаш тури бўлиб, шарҳлаш орқали ҳуқуқ нормаларининг мазмуни очиб берилади. Демак, шарҳлаш тил билиш билан боғлиқ фикрлашнинг билвосита туридир. Шарҳлаш орқали билвосита билимлар ҳосил қилиниб, ҳуқуқ нормаларининг мазмун-моҳияти очиб берилади. Шарҳловчи ҳуқуқ нормаларининг ҳақиқий мазмунини англаб олиш учун уларни шарҳлашда қуйидаги билимлардан фойдаланади: а) ҳуқуқ нормалари ифодаланган тил; б) шарҳланаётган нормаларнинг бошқа нормалар билан алоқадорлиги, ҳуқуқ тизими; в) ҳуқуқ нормаларининг яратилиши; г) ҳуқуқ нормаларининг татбиқ этилиш шарт-шароитлари.

Шарҳлашнинг англаш жараёни сифатидаги хусусияти англаш объекти (ҳуқуқ нормаси)нинг хусусияти билан боғлиқ. Ҳуқуқ нормалари қандайдир моддий, ашёвий объектлар сирасига кирмайди³.

Ҳуқуқ нормаларининг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун ваколатли субъектлар томонидан амалга оширилиши ҳуқуқнинг мазмун-моҳиятига мос ҳаракатни ифодалайди⁴.

Ҳуқуқни қўлловчи субъектлар ҳуқуқ нормаларини танлар эканлар, ҳуқуқ нормасининг мазмун-моҳиятини аниқлаб олишлари зарур бўлади. Бунда ҳуқуқни қўлловчи турли давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлашлари қўл келади. Мавжуд ҳуқуқий нормаларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш ва тушунтириб бериш, қисқача, «ҳуқуқни шарҳлаш» тушунчасида ифодаланadi⁵.

Ҳуқуқни шарҳлаш илмий адабиётда мустақил ўрганилиб, унинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти очиб берилди. Шарҳлашнинг *объектини* қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади. Шарҳлашнинг *предмети* қонун чиқарувчининг қонунда ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган амри (иродаси)дир.

Ҳар бир ҳуқуқ нормаси маълум турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муайян ижтимоий муносабатлар кўп бўлса-да, аммо ўзига хос жиҳатларга ҳам эгадир. Ҳуқуқ нормаларининг қўлланишида уларнинг хусусиятлари мазмун-моҳиятини тушуниб олиш ва тушунтириб беришда кўпдан-кўп

¹ Қаранг: Мишель Т. Проблема толкования и теория верховенства Конституции // Сравнительное конституционное обозрение. — 2005. — № 4. — С.171.

² Қаранг: Мишель Т. Реалистическое толкование // Сравнительное конституционное обозрение. — 2006. — № 1. — С.136.

³ Общая теория государства и права. Академический курс. В 2-х томах / Под ред. проф. М.К. Марченко. Т.2. Теория права. — М., 1998. — С. 324.

⁴ Одиқориев Х.Т. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар. — Т., 2011. — Б. 279.

⁵ Қаранг: Теория права и государства / Под ред. проф. В.В.Лазарева. — М., 1996. — С. 202.

саволларга жавоб топишга тўғри келади. Уларга жавобни фақат ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш орқали олиш мумкин.

Ҳуқуқ нормаларининг хусусиятларидан бири умумий ва мавҳум хусусиятга эга эканлиги, уларнинг кенг доирадаги субъектлар ва турли вазиятларга нисбатан амал қилишидир. Шарҳлаш жараёнида ҳуқуқ нормаларининг умумий ва мавҳум хусусиятлари, шунингдек муайян вазиятдаги ҳуқуқий ихтилоф ойдинлашади. Россия ҳуқуқшуносларининг фикрича, ҳуқуқни шарҳлаш деганда ҳуқуқ нормаларининг маъносини (мазмунини) билиб олишга йўналтирилган маълум бир фикрлаш жараёни тушунилади¹. Назаримизда, бу фикр бироз баҳслидир. Юқорида қайд этганимиздек, ҳуқуқни шарҳлаш нафақат ҳуқуқ нормаларининг маъносини билиб олишга йўналтирилган жараённи, балки ҳуқуқ нормалари мазмун-моҳиятини тушуниб олиш ва тушунтириб бериш жараёнини ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш зарурати унинг ташқи хусусиятларидан ҳам келиб чиқади. Ҳуқуқ нормаси қонун чиқарувчининг ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатини тартибга солишга йўналтирилган амри бўлиб, у сўзлар орқали ифодаланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги сўзларни тўғри тушуниш учун махсус билимларга эга бўлиш керак. Чунки турли касб эгалари, жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари ҳар хил ҳаётий тажрибага эга бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган қоидаларни турлича тушунишлари мумкин. Шу нуқтаи назаридан олиб қаралганда «бундан ўн йил олдин қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилинишини бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда»².

Шарҳлашнинг субъектив хусусиятга эгаллиги унинг ижодий табиатини белгилаб беради. Шарҳлаш ижодий хусусиятга эга, чунки бунда янги билимлар ҳосил бўлиб, уларда ҳуқуқ нормаларининг мазмуни акс эттирилади. Шарҳлаш орқали янги билимлар ҳосил бўлмаганида эди, у амалий ва назарий аҳамиятга эга бўлмас эди.

Шарҳлаш ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилиниши лозим бўлган муайян ҳужжатлар бўйича амалга оширилади. Ҳуқуқий тартибга солиниши талаб этиладиган ижтимоий фаолиятни ажратиб кўрсатиш амалда ниҳоятда қийин вазифа бўлиб, уни бажариш орқали ҳуқуқнинг амал қилиш самарадорлигини таъминлаш мумкин³. Ҳуқуқий тартибга солиниши лозим бўлган муайян ҳолатларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ҳал этиш учун шарҳловчи ҳуқуқий хусусиятга эга турли-туман масалаларга жавоб топиши лозим бўлади. Мазкур масалаларга шарҳланаётган ҳуқуқ нормаларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда жавоб топилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш натижасида уларнинг мазмун-моҳияти матндаги ифодасига мос келиши керак, чунки ҳуқуқ нормалари кўп ҳолларда матнда аниқ ва лўнда ифодалаб берилмаган бўлади, ҳуқуқий матндаги модда, банд, параграф ёки бобнинг қоидаларига мос келавермайди. Баъзан қонуннинг моддаларида алоҳида бир элемент шаклланган бўлса, қолган элементлар қонуннинг бошқа моддалари ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ўз аксини топган бўлади. Демак, қонун моддалари билан ҳуқуқ нормалари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бир моддасида икки, уч ва ундан кўп нормалар мавжуд бўлиши мумкин. Бир қатор ҳужжатлар, масалан, жиноят ҳуқуқига оид қонун ҳужжатларида ҳуқуқ соҳасининг бошқа нормаларига хизмат қилувчи санкциялар ифодаланган бўлади⁴.

¹ Қаранг: Общая теория государства и права. Академический курс. В 2-х томах / Под ред. проф. М.К.Марченко. Т.2. Теория права. — М., 1998. — С. 323.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б. 24.

³ Қаранг: Теория права и государства / Под ред. проф. В.В.Лазарева. — М., 1996. — С. 113.

⁴ Ўша асар. — Б. 128.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлашни турларга ажратиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тушуниш ва тушунтириш нуқтаи назаридан амалга оширилади. Уларни амалиёт учун юридик аҳамияти шарҳлаш субъектларининг ваколатларидан келиб чиқади.

Ҳуқуқни шарҳлаш — уларни тўғри қўллаш мақсадида ҳуқуқ нормалари мазмунини аниқлаш ва тушунтиришдан иборат ақлий фаолият. З.Исламовнинг фикрича, ҳуқуқни шарҳлашни ҳуқуқ нормаларини энг тўғри ишлатиш мақсадида уларнинг маъносини аниқлаш ва тушунтириш бўйича ақлий-иродавий фаолият сифатида тасаввур этиш мумкин¹.

Ўзбек олимларининг ҳуқуқни шарҳлашга берган юқоридаги таърифлари россиялик олимларнинг таърифлари билан ҳамоҳангдир. Масалан, А.Ф.Черданцев шарҳлашни қуйидагича таърифлайди: «Ҳуқуқни шарҳлаш норматив ҳужжатларда ўз аксини топган ҳуқуқ нормасининг мазмунини ёритиб беришга йўналтирилган маълум бир тафаккур жараёнидир»². Шарҳлашни бундай тушуниш ҳуқуқ нормаларининг маъносини аниқлашни ифода этади.

Фикримизча, А.Ф.Черданцев ҳуқуқ нормаларини шарҳлашни айнан уларнинг мазмунини ёритиб беришга йўналтирилган тафаккур жараёни эканлигини исботлашга ҳаракат қилган.

Яқин ўтмишда фақат мазмуни мавҳум бўлган қонунлар шарҳланиши керак деб ҳисобланиб, янги қоидаларни шарҳлаш тақиқлаб қўйилган эди. Академик В.С.Нерсисяннинг фикрича, агар шарҳловчи субъект томонидан шарҳлаш ёрдамида янги қоида ўрнатилмаса, у ўзгартирилмаса ёки бекор қилинмаса, шарҳлашни чеклаб қўйиш керак эмас. Ҳуқуқнинг мазмуни қонун сифатида расмийлаштиришдан олдан тушуниб олинishi, ҳуқуқ, шунингдек алоҳида ҳуқуқ нормасининг мазмуни, у татбиқ этилишидан олдин аниқланиши шарт³.

Аммо мазкур масалага бошқача қарашлар ҳам пайдо бўлган. Унга кўра, тушунарсиз бўлган қонунларнинг нафақат «яширин», «ноаниқ» нормалари, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги мавжуд ҳуқуқ нормаларининг ҳаммаси шарҳланмоғи лозим. Яъни, ҳуқуқни шарҳлаш қонунларнинг ноаниқлигига боғлиқ: у ноаниқликдан пайдо бўлади, ноаниқлик қанча кучли бўлса, қийинчилик ҳам ўсиб бораверади. Фақат ноаниқ қонун эмас, балки ҳар қандай қонун шарҳланишга муҳтож⁴. Болгариялик олимларнинг фикрича, ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг маъно-мазмунини мажбурий тушунтириб беришдир. Бошқача айтганда, ҳуқуқ нормасини қўлловчи барча шахс ва идоралар юридик аҳамиятга эга мазкур тушунтиришларга амал қилишлари лозим⁵.

Юқоридагиларни умумлаштириб, қуйидаги таърифни беришимиз мумкин: *ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш — бу ҳуқуқ ижодкорлари ва қўлловчиларининг ҳуқуқ нормасини яратишда қўйилган асосий мақсадини англаш ва уни тушунтириб беришга йўналтирилган кўп қиррали, мураккаб ва таҳлилий жараёндир.*

¹ Қаранг: *Исламов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2007. — Б. 682.

² Қаранг: *Черданцев А.Ф.* Толкование права и договора. — М., 2003. — С.185-186.

³ Проблемы общей теории права и государства. — М., 2008. — С.444.

⁴ Теория права и государства / Под ред. проф. В.В.Лазарева. — М., 1996. — С. 202; *Саидов А., Таджиханов У.* Ҳуқуқ назарияси. — Т., 2001. — Б. 222.

⁵ *Спасов П.* Закон и его толкование. — М., 1986. — С. 143.

В. Г. Каримов*

БОШ ПРОКУРАТУРА ҲУЗУРИДАГИ ДЕПАРТАМЕНТ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан республикада тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг жаҳон стандартларига мос ҳуқуқий асослари яратилди.

2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ва республикада тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилиши бунинг яққол исботидир.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодийташқиришдаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожда алоҳида ўрин эгаллайди. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият ва имтиёзлар яратмасдан туриб иқтисодийташқиришнинг келажагини таъминлай олмаймиз» деб таъкидлаган¹.

Ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда бугун биз учун энг долзарб масалалардан бири — аҳолимизни, аввало, ёшларни иш билан таъминлаш ва шу асосда уларнинг муносиб даромадга эга бўлиши, фаровонлигининг оширишига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан биридир.

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида² республикада иқтисодийташқиришда кичик бизнес, авваламбор, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтириш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунларни қабул қилиш муҳим масалалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтди. Айтиш жоизки, мамлакатимизда 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг улуши ялпи ички маҳсулотнинг 53 фоизини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткични жорий йилда 54 фоизга етказиш мўлжалланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда³. Ҳозир мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ходимлари зиммаларига юклатилган вазифалар хусусиятидан келиб чиқиб, ушбу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, тадбиркорлик субъектларига турли бюрократик тўсиқлар яратиш, улар фаолиятига асосиз аралашиш каби суиистеъмолчиликларга йўл қўйган маҳаллий ҳокимликлар, давлат

* Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлим бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси, юридик фанлар номзоди.

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилдир. — Т., 2010. — Б.12.

² Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.48.

³ Қобилов Ш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий таянчи. — Т., 2011. — Б. 22.

бошқарув органлари, солиқ, банк ва бошқа идораларнинг мансабдорларини фoш этишга доир тадбирларнинг мунтазам равишда ўтказилиши ташкиллаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман гов-тўсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Жумладан, Бекобод шаҳрида «Бекобод деҳқон бозори» МЧЖ раҳбари Р.Ярматов мансаб мавқеидан фойдаланиб, бозор ҳудудидан гўшт дўкони ажратиб бериши эвазига тамагирлик йўли билан хусусий тадбиркор Б.Норбўтаевдан «Рустам Файз» корхонаси раҳбари Р.Абдурахмонов орқали 1500 АҚШ доллари ҳамда хусусий тадбиркор А.Жумабоевдан бозор назоратчилари Б.Тожибоев ва Ш.Турдибековлар орқали 2,0 млн. сўмни пора тариқасида олганида жиноят устида ушланган.

Тадбиркорларга қулай шароит ва имкониятлар яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётган бир вақтда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ўз бизнесини очиш учун рухсат олиш, рўйхатдан ўтказишда ҳамон турли хил қонунбузарликлар учраб турибди.

Хусусан, Олмазор туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг бош мутахассиси О. Газиев, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рўйхатдан ўтиш мақсадида келган фуқаро Х.Ходжиметовани рўйхатдан ўтказмасдан, аксинча, уни «хуфёна» фаолият кўрсатишга ундаб, ноқонуний тадбиркорлик билан шуғулланиши учун шароит яратиши ва дастгоҳ ўрнатишга жой ажратиши эвазига ҳар ойда 400 минг сўмдан бериб туришини талаб қилиб, биринчи ой учун 400 минг сўмни пора сифатида олганида ашъвий далиллар билан ушланган.

Шу каби Денов тумани участка солиқ бош инспектори К.Нарзиев мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаро А.Қосимовни алдаб, тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш баҳонасида унинг фуқаролик паспортини олган ҳолда уни тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказганлигига ишонтириб, 6 ой давомида жами 600 минг сўмини гўеки солиқ тўловлари учун олиб, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш жиноятини содир этганлиги аниқланган.

Давлат дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш, уларга солиқ имтиёзларини яратиш борасидаги чора-тадбирларга жиддий аҳамият берилганлигига қарамай айрим мансабдор шахслар томонидан суиистеъ-молчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланмоқда.

Жумладан, «Ўзбекэкспертиза» ОАЖга қарашли «Навоийэкспертиза» шўъба корхонаси раҳбари Р.Нурмухаммедов мансаб мавқеидан фойдаланиб, «Зарафшон Извест» МЧЖ бош ҳисобчиси М.Ўроқовдан оҳак маҳсулотини экспорт қилиш учун товар экспертиза далолатномаси ва келиб чиқиш сертификати ҳужжатларини тайёрлаб бериши эвазига тамагирлик йўли билан 200 АҚШ долларини хизмат хонасида пора тариқасида олганида ашъвий далиллар билан ушланган.

Кичик бизнес субъектларига ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар беришда ҳам бир қатор суиистеъмолчиликларга йўл қўйилаётганлиги айниқса ачинарли ҳолдир.

Жумладан, ОАТБ (очиқ акциядорлик тижорат банки) «Микрокредитбанк» Музработ туман филиали кредит бўлими бошлиғи Ж.Останақулов, яқка тартибдаги тадбиркор Номозов Алишер Алисаидовичнинг номига қора мол сотиб олиш учун 1,0 млн. сўм кредит маблағи ажратиб, тадбиркорга бермасдан ўзининг шахсий манфаатларига ишлатиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланган.

Шунингдек, ОАТБ «Агробанк» Деҳқонобод туман филиали ходимлари С. Баймиратова, У. Ашуров ва бошқалар ўзаро тил бириктириб, автомобилларга пуллик техник хизмати кўрсатишга асбоб-ускуналар сотиб олиш учун «Шафоат-Бехруз» хусусий фирмасига 7,5 млн. сўм кредит маблағи ажратиб, корхона раҳбарлари хабарисиз, сохта ҳужжатлар тузиб, кредит маблағини ўзлаштириш мақсадида бошқа корхона ҳисоб рақамига ўтказиб юборганлиги аниқланган.

Тадбиркорларнинг ҳисоб рақамидан ноқонуний фойдаланиш, пул маблағларини уларнинг рухсатсиз ёки хабарсиз ишлатиш, ўзлаштириш ва талон-торож қилиш билан боғлиқ қонунбузарликларни аниқлаш борасида ўтказилган тадбирларда аниқланишича, «Савдогарбанк»нинг Иштихон туман бўлимига қарашли мини банк бошлиғи С.Ганиев, банк масъул ходимлари билан ўзаро тил бириктириб, 2009-2010 йиллар давомида Иштихон туманидаги 7 та тадбиркорлик субъектларининг хабарсиз, сохта ҳужжатларни расмийлаштириб, уларнинг ҳисоб рақамидан жами 9,9 млн. сўмни бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамига турли мақсадлар учун ўтказиб, ўзганинг кўп миқдордаги мулкани талон-торож қилганликлари аниқланган.

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Зомин туман филиали мини банки бошлиғи Э.Абдуазимов ва бош ҳисобчи Г.Абдурахимова мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, мебель ишлаб чиқариш цехи очиш мақсадида кредит олиш учун банкка мурожаат қилган «Нодирбек Асилбек» ХФнинг қонуний асослардаги тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиб, фирма муҳрини кредит беришни ваъда қилиб, алдов йўли билан қўлга киритиб, фирманинг ҳисоб рақамига ноқонуний равишда бошқа тадбиркорлик субъектларидан 35 млн. сўм маблағ тушириб, нақдлаштириб олганликлари ҳамда бунинг оқибатида фирма ҳисобот йилида солиқлардан жуда кўп миқдорда қарздор бўлиб банкрот ҳолатига келганлиги аниқланган.

Тадбиркорлар томонидан топширилган пул маблағларини кирим қилмаслик ҳамда уларнинг нақд пул талабини қондирмаслик каби ҳуқуқбузарликларни аниқлаш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Халқ банкининг Қашқадарё вилоят филиали амалиёт бўлими шохобча бухгалтер назоратчиси Д.Саидов, тадбиркорларнинг ишончига кириб, уларни алдаб, 5,7 млн сўм пул маблағларини банк кассасига кирим қилмасдан, қалбаки квитанцияларни тақдим қилиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, тадбиркорларга ер майдони ва биноларни ажратиш, ижарага беришда тегишли идораларнинг мансабдор шахслари томонидан йўл қўйилаётган тўсиқ ва суиистеъмолчиликларни аниқлашга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Жумладан, Жомбой туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникация, коммунал ҳўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича мутахассиси Ф.Рўзиев мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, фуқаро С.Рахмонов билан ўзаро тил бириктириб, фуқаро Д. Джалаловдан маиший хизмат кўрсатиш биноси қуришга ер майдони ажратиб бериш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, ҳокимнинг қарорини чиқартириб бериши эвазига тамагирлик йўли билан 7,0 минг АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Шунингдек, Тошкент архитектура қурилиш институти молия-иқтисод бўйича проректори вазифасини бажарувчи Т. Пулатов, хизмат мавқеидан фойдаланиб, «Вулдинг Констракцион Груп» МЧЖга институт биносини таъмирлаш юзасидан бажарилган ишлар учун 66,3 млн. сўмлик пул маблағларини ўтказиб бергани ҳамда институт биносини ижарага бериш ҳақида тузилган шартномани бекор қилмаслик эвазига хизмат хонасида жамият раҳбари С.Ахрарходжаевдан 700 АҚШ доллари ва 200 минг сўмни тамагирлик йўли билан пора тариқасида олган вақтида ушланган.

Тан олиш керак, гуруч курмасиз бўлмаганидек, тадбиркорлар орасида ҳам «сохта ишбилармонлар» учраб туради. Уларни тадбиркорликнинг моҳиятини тушунмаган, давлат берган имкониятлардан қонун асосида фойдаланмаган, ўз ҳуқуқ ва бурчини унутиб қўйган кишилар дейиш мумкин.

Ушбу масаланинг яна бир долзарб жиҳати шундаки, «сохта тадбиркор»лар томонидан ишлаб чиқарилган ёхуд муомалага киритилган истеъмолга яроқсиз, сифатсиз маҳсулотлар аҳоли саломатлигига жиддий хавф туғдириб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини поймол этади.

Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2010 йилда 707 та яширин ишлаб чиқариш манбалари аниқланиб, улардан 1337 млн. сўмлик маҳсулотлар ва жиҳозлар олиб қўйилган бўлса, жорий йилда эса 287 та шу каби манбалар аниқланиб, улардан 900 млн сўмдан зиёд маҳсулотлар олиб қўйилди.

Шунингдек, «сохта тадбиркор»лар томонидан маҳсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотишда нуфузли фирма белгиларидан фойдаланиб, уларнинг обрўсига путур

етказиш ҳолатларини фош этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни поймол қилиш йўли билан йирик корхоналарнинг нуфузига жиддий зарар етказётган яширин ишлаб чиқариш манбаларига барҳам бериш борасида таъсирчан чоралар кўрилди.

Чунончи, Миробод туманида яшовчи фуқаро С.Хайрулина ўз уйида яширин цех ташкил этиб, ноқонуний ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланган. У муаллифлик ҳуқуқини бузиб, санитария талабларига зид шароитда кўчалар ва ахлатхоналардан йиғиб олинган идишларга турли рангдаги кимёвий суюқликларни кўйиб, газлантириб, истеъмолга яроқсиз «Кока-кола» ва «Фанта» ичимликларини яширин равишда ишлаб чиқарган, Тошкент вилоятининг Чиноз тумани ва Янгийўл шаҳридаги бозорларда улгуржи тартибда сотиш билан шуғулланиб келгани аниқланди.

Шу ўринда, юқоридаги каби «сохта тадбиркорлик» билан шуғулланиб, истеъмол бозорини сифатсиз, ҳатто инсон саломатлиги учун хавfli бўлган маҳсулотлар билан тўлдираётган «шоввоз»ларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатига чек қўйилаётгани ҳақида яна бир неча мисол келтириш мумкин.

Жумладан, Шайхонтохур туманида яшовчи фуқаро А.Хасанов ўз хонадонидида яширин цех ташкил этиб, Хитойда ишлаб чиқарилган арзон нархдаги, сифати паст кир ювиш кукунига вазнини кўпайтириш мақсадида ош тузи аралаштириб, кир ювиш воситаси тайёрлаган. Тайёрланган кир ювиш кукунини нуфузли «Проктер энд Гембл» компаниясининг «Миф» қутисига қадоқланиб, сотувга чиқарилиши натижасида унинг нуфузига путур етказилган. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, ушбу қалбаки кир ювиш кукунларидан мунтазам фойдаланиш, инсоннинг нафас йўллари ва терининг устки қаватига шикаст етказиш хавфини келтириб чиқаради.

Департамент ходимлари томонидан «хуфёна» иқтисодиётга қарши курашишга қаратилган тадбирлар доирасида қонунчиликда фаолият тури тақиқланмаган ишлаб чиқариш билан яширин, белгиланган тартибга зид равишда шуғулланаётган фуқаролар кўплаб учрамоқда. Ушбу ноқонуний ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганларнинг фаолиятига чек қўйиш, ҳуқуқий таъсир чоралари кўриш билан чекланмай, уларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказиш, фаолиятига қонуний тус бериш, стандарт талабларига мос, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, имкон бўлса, фаолиятини янада кенгайтириб, кўшимча иш ўринлари яратиши учун турли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Бу борада жорий йилда ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида муқаддам яширин фаолият юритган субъектларга ҳуқуқий таъсир чоралари кўриш билан бирга, уларга қонун талаблари ҳамда тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар тўғрисида тушунтиришлар берилиши натижасида 1290 та янги иш ўринларининг яратилишига эришилди. Уларнинг давлат рўйхатидан ўтиб, қонуний фаолият юритиши натижасида 1243,4 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, бюджетга 152,2 млн. сўм солиқлар тушиши таъминланди.

Мисол учун, олиб борилган ҳуқуқий-тарғибот ишлари натижасида Хива туманида ноқонуний кулолчилик билан шуғулланиб келган фуқаро Ў.Машарипов банкдан кредит олиб, «Хива кулоллари» хусусий корхонасини ташкил этди. Бунинг натижасида корхонада кўшимча 10 та иш ўринлари яратилди. Газ ва электр тармоқлари корхоналари билан шартномалар тузилиб, тегишли тўловлар тўланиши таъминланди.

Шунингдек, Бухоро шаҳридаги «Таксиремонтмашсервис» МЧЖ ҳудудида фуқаролар Ҳ.Ж.Худойқулов ва С.А.Аҳадовлар 2 та яширин цех ташкил қилиб, давлат рўйхатидан ўтмай, автомобилларга техник хизмат кўрсатаётганлиги аниқланди. Уларга кўрсатилган амалий ёрдам натижасида «Баҳодир транс авто люкс» МЧЖ, шунингдек «Мусо жаҳон транс» хусусий корхоналари ташкил этилди. Ушбу янги ташкил этилган корхоналарнинг ҳар бирида 20 тадан жами 40 та янги иш ўринлари яратилди.

Янгийўл туманида яшовчи фуқаро Р.Абдурахмонов рўйхатдан ўтмасдан, уйида яширин равишда 6 нафар фуқарони ёллаган ҳолда автомобил ўриндиқларига ғилоф тикиш цехини ташкил қилганлиги аниқланган. У билан ўтказилган суҳбатда тадбиркорлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ва берилаётган имтиёзлар тушунтирилганидан сўнг «Рустам ёрдам сервис» хусусий корхонаси ташкил этилиб, 10 та янги иш ўрини яратилди.

Давлат дастурида прокуратура органларига юклатилган асосий вазифалардан бири — тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бевосита тадбиркорлар ўртасида тарғиб қилиш бўлиб, бундан кўзланган мақсад, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ҳақ-ҳуқуқларини танитишдир. Чунки, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувлар билан боғлиқ фош этилган жиноятлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда тадбиркорлар ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари, ҳуқуқий билимларининг етишмаслиги оқибатида турли «текширувчилар» ёки фирибгарлардан жабр кўришмоқда.

Масалан, Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро У.Саматов «Чорсу» бозори ҳудудида жойлашган «Меҳрибону-голд» хусусий фирмасига қарашли савдо дўконига кириб, фирма раҳбари М.Хайтова ва сотувчиси Г.Азимоваларга ўзини гўё ҳуқуқ-тартибот идораси ходими деб таништириб, товламачилик йўли билан 6 минг АҚШ доллари олганида қўлга олинди.

Оқдарё туманида яшовчи М.Мусурмонов, тадбиркор Х.Мардиевнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмаслигидан фойдаланиб, унга тегишли бўлган ошхонани буздириш ҳақида вилоят ҳокимига мурожаат қилмаслик эвазига товламачилик йўли билан 144,5 минг сўмни олганида ушланди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида Бош прокуратура, шу жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ходимларига тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш вазифалари юклатилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб тадбиркорлик субъектларига нисбатан содир этилиши эҳтимоли бўлган қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш лозим:

1. Ваколатли органларнинг мансабдор шахслари томонидан турли баҳоналар билан тадбиркорлардан пора олиш жиноятлари.

2. Банк ходимлари томонидан:

— тадбиркорларнинг ҳисоб рақамидаги пул маблағларини уларнинг рухсатисиз ёки хабарисиз ишлатиб юбориш;

— ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини ўзлаштириш ва талон-торож қилиш;

— топширилган пул маблағларини кирим қилмаслик ва банк томонидан тадбиркорнинг нақд пул талабини қондирмаслик;

— кредит ажратишдаги суиистеъмолчиликлар.

3. Тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишдаги маъмурий тўсиқлар ва қонунбузарликлар.

4. Ваколатли идоралар томонидан тадбиркорларга лицензия беришдаги сунъий тўсиқ ва суиистеъмолчиликлар.

5. Назорат-текширув идоралари томонидан тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текшириш ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашуш каби ҳаракатлар.

6. Ҳокимликлар томонидан тадбиркорларга ер майдони ва бинолар ажратиш, ижарага беришдаги тўсиқ ва суиистеъмолчиликлар.

7. Архитектура, кадастр ва лойиҳалаш идоралари ходимлари томонидан йўл қўйиладиган турли кўринишдаги суиистеъмолчиликлар.

8. Тадбиркорларнинг маблағларини ноқонуний тарзда турли хил ҳомийлик ишларига жалб этиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар.

9. Тадбиркорлар томонидан солиқ ва статистика идораларига ҳисоботлар топширишда ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар.

10. Тадбиркорларнинг муҳандислик (электр, газ, телефон, сув ва бошқа) коммуникацияларига уланишига тўсқинлик қилиш, асоссиз равишда узиб қўйиш каби ҳаракатлар.

11. Ваколатли идоралар томонидан тендер савдолари ўтказишда тадбиркорларга нисбатан бўладиган турли хил тамагирликлар ва суиистеъмолчиликлар.

12. Тадбиркорларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини экспортга чиқаришда ваколатли идоралар томонидан йўл қўйиладиган сунъий тўсиқлар ва суиистеъмолчиликлар.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари — Президентимиз таъбири билан айтганда, **иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатида қарши қаратилган ҳаракат** сифатида баҳоланади ва қонунга мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради.

К ВОПРОСУ ОБ АДМИНИСТРАТИВНО-НАДЗОРНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ В СФЕРЕ ОХРАНЫ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА

Любое демократическое государство устанавливает границы дозволенного для личности, которые определяются легитимными законами.

Государство через систему своих исполнительно-распорядительных органов обеспечивает надзор и контроль за тем, как выполняются его правовые установки (предписания), предусмотренные законодательством¹. Это обуславливает необходимость осуществления в обществе социального контроля, разновидностью которого является административный надзор как один из способов обеспечения законности.

В правовой науке высказываются различные точки зрения о правовой природе административно-надзорной деятельности. Причем авторы по-разному решают *вопрос об отнесении его к тем или иным видам административного принуждения*². В связи с этим представляется необходимым остановиться прежде всего на характеристике сущности самого административного принуждения.

Административное принуждение является особым видом государственного принуждения, имеющим своим назначением охрану общественных отношений, складывающихся преимущественно в сфере государственного управления.

Меры административного принуждения устанавливаются государством, определяющим цели, основания и порядок их применения. Они используются в процессе исполнительно-распорядительной деятельности соответствующими государственными органами и должностными лицами, что является результатом проявления их государственно-властных полномочий. Всем мерам административного принуждения присущ государственно-властный характер.

Административное принуждение применяется лишь уполномоченными на то органами и должностными лицами, круг которых строго определен правовыми актами. К ним относятся органы и должностные лица аппарата государственного управления, комиссии, образованные при органах самоуправления граждан и др.

Из анализа административного законодательства республики следует, что правом административной юрисдикции в ряде случаев наделены судьи по административным делам. Их деятельность по применению мер административного взыскания не является правосудием в прямом смысле слова, а составляет часть административного процесса.

Таким образом, административное принуждение характеризуется множественностью органов и должностных лиц, полномочных применять эти меры.

Основанием для применения административного принуждения является, как правило, совершение административного правонарушения или наступление особых условий,

* Доцент кафедры организации управления в органах внутренних дел Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук.

¹ См.: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Х. Т. Одиқориев таҳрири остида. — Т., 2009. — Б. 575.

² Так, Д.Н. Бахрах, Э. Н. Ренов относят административный надзор к административно-пресекательным мерам, У. Таджиханов, Х.Р. Алимов — к мерам предупреждения, А. Т. Дмитриев, А. П. Корнев полагают, что он содержит признаки различных видов административного принуждения (См.: Бахрах Д. Н., Ренов Э. Н. Производство по делам об административных правонарушениях. — М., 1989. — С. 6; Бахрах Д. Н. Важные вопросы науки административного права // Государство и право. — 1993. — №2. — С. 41; Алимов Х. Р. и др. Административное право Республики Узбекистан. — Т., 1999. — С. 193-198; Маъмурий ҳуқуқ / У. Т. Таджиханов таҳрири остида. — Т., 2003. — Б.77-81; Дмитриев А. Т. Содержание административного надзора органов внутренних дел // Проблемы деятельности служб общественной безопасности на современном этапе: Сб. науч. трудов. — М., 2000. — С. 14—22.; Административная деятельность органов внутренних дел. Часть общая / Под ред. А.П. Корнева. — М., 1997. — С.265—271.

предусмотренных правовой нормой, например, эпидемии, стихийные бедствия и другие чрезвычайные обстоятельства, при которых меры административного принуждения используются для предупреждения возникновения тех или иных опасных последствий.

Применение административного принуждения не связано отношениями служебной подчиненности. Субъект административной власти и нарушитель не являются членами одного трудового коллектива, нарушитель непосредственно по службе не подчинен тем, кто применяет к нему меры административного принуждения. Следовательно, административное принуждение может использоваться в отношении широкого круга лиц. Процессуальный порядок применения мер административного принуждения отличается оперативностью, относительной простотой и экономичностью.

По нашему мнению, для *определения места административного надзора в системе мер административного принуждения* (включающей меры административного предупреждения, административного пресечения и административного взыскания) необходимо установить общие и отличительные признаки этих мер, сравнить и сопоставить их с основными признаками административного надзора, выявив сходство и различие.

Анализ административного законодательства показывает, что общими признаками, характерными для мер административного принуждения, являются следующие:

- 1) они установлены административно-правовыми нормами;
- 2) их реализация осуществляется в принудительном порядке органами государственного управления;
- 3) меры принуждения применяются к лицам, которые не связаны служебной соподчиненностью с правоприменяющим органом или его представителем.

Каждая из мер административного принуждения (предупреждение, пресечение, взыскание) имеет свои специфические признаки. Так, административно-предупредительные меры применяются для предотвращения опасности, угрожающей жизни и здоровью людей, для защиты интересов государства и граждан при стихийных бедствиях, эпидемиях, эпизоотиях и других обстоятельствах, не связанных с совершением лицом какого-либо конкретного правонарушения. Основная их задача — не допустить нарушения административно-правовых норм, предотвратить наступление тяжких последствий.

Меры административного пресечения состоят в принудительном прекращении противоправных действий. Они применяются при обнаружении нарушения установленного порядка, т. е. с их помощью пресекается начавшееся, но еще не оконченное правонарушение, не допускается вовсе или уменьшается вред, который мог быть им причинен. Кроме того, меры административного пресечения могут осуществляться после окончания, завершения правонарушения с целью создания условий для привлечения правонарушителя к ответственности (например, правонарушитель задерживается и доставляется в орган внутренних дел).

Основанием же для применения мер административного взыскания является наличие в действиях лица состава правонарушения. Эти меры применяются для наказания лица, совершившего правонарушение.

Применение административных взысканий порождает определенные правовые последствия (к лицу в предусмотренных законом случаях за повторное допущение подобных нарушений могут быть применены более строгие меры административного взыскания).

В этом и состоят, как нам представляется, основные общие и отличительные черты мер административного принуждения.

Прежде чем сравнить и сопоставить сходства и различия признаков административного принуждения и административного надзора рассмотрим *сущность административного надзора*.

Отметим, что широкая трактовка сущности административного надзора как осуществления наблюдения за исполнением специальных правил и норм, установленных уполномоченными на то органами, является общепризнанной¹.

¹ См. об этом: Административная деятельность органов внутренних дел. Часть общая / Под ред. А.П. Коренева. — М., 2003. — С.38, 234—260.

Как правило, административный надзор носит надведомственный характер. В качестве его субъектов выступают органы государственного управления — государственные инспекции и иные службы. Их правовой статус определяется соответствующими положениями, которые утверждаются решением Кабинета Министров Республики Узбекистан. Например, органы, осуществляющие санитарный надзор, входят в систему Министерства здравоохранения республики, Государственная служба безопасности дорожного движения, Государственная служба пожарной безопасности входят в систему МВД Республики Узбекистан.

Важные функции по осуществлению административного надзора осуществляют органы внутренних дел, которые являются одним из основных его субъектов. Они призваны охранять общественный порядок на улицах, площадях, парках, на транспортных магистралях, вокзалах, в аэропортах и других общественных местах, обеспечивать охрану государственной и личной собственности, прав и законных интересов граждан, предприятий, организаций и учреждений от преступных посягательств и иных противоправных действий.

Кроме того, органы внутренних дел осуществляют административный надзор за исполнением должностными лицами и гражданами решений органов государственной власти и государственного управления по вопросам охраны общественного порядка. Наряду с этим органы внутренних дел обеспечивают в установленном порядке соблюдение правил приобретения, хранения, перевозки оружия, боеприпасов, взрывчатых материалов, других предметов и веществ по перечню, определяемому действующим законодательством. Органы внутренних дел контролируют выполнение гражданами и должностными лицами требований паспортной системы, а также соблюдение иностранными гражданами и лицами без гражданства установленных для них правил пребывания на территории Республики Узбекистан.

Государственная служба безопасности дорожного движения осуществляет надзор за дорожным движением, контроль за содержанием автомобильных дорог, улиц, дорожных сооружений и железнодорожных переездов в безопасном для транспорта состоянии; осуществляет надзор за техническим состоянием автотранспортных средств и т.п.

Государственная служба пожарной безопасности осуществляют контроль за соблюдением министерствами, ведомствами, предприятиями, учреждениями, организациями, должностными лицами и гражданами правил и норм, направленных на предотвращение пожаров, обеспечение безопасности людей на случай их возникновения, оборудование объектов народного хозяйства и населенных пунктов средствами противопожарной защиты.

По осуществлению указанных надзорных функций органам внутренних дел предоставлены государством специальные полномочия (права). Они, в частности, могут применять меры административного предупреждения, меры административного пресечения и налагать на виновных лиц административные взыскания.

В обязанность органов внутренних дел также входит осуществление административного надзора за отдельными категориями лиц.

Проведённый анализ показал, что административный надзор ОВД, в зависимости от круга лиц и объектов, на которые он распространяется, весьма различен.

Во-первых, он может быть установлен в отношении неопределенного круга лиц (физических и юридических), не находящихся в организационном или ином подчинении субъектам надзора, за строгим соблюдением общеобязательных правил (например, решений местных органов власти и управления по вопросам охраны общественного порядка).

Во-вторых, административный надзор может осуществляться в отношении определенного круга субъектов или определенного круга вопросов (например, за соблюдением иностранными гражданами правил въезда, выезда и проживания в Республике Узбекистан), за соблюдением правил приобретения, использования и хранения оружия, взрывчатых материалов, сильнодействующих ядовитых веществ гражданами, учреждениями, предприятиями и организациями.

В-третьих, надзор также устанавливается за строго определенным кругом лиц. На органы внутренних дел возлагается надзор за лицами, освобожденными из мест лишения свободы.

Исходя из вышеизложенного, в целом соглашаясь с точкой зрения учёных административистов, выделим следующие три вида административного надзора, подразделив их в последующем на две группы — общий и специальный:

- 1) надзор за строгим соблюдением общеобязательных правил;
- 2) надзор за определенным кругом субъектов или кругом вопросов;
- 3) надзор за строго определенной категорией лиц.

На наш взгляд, первые два вида административного надзора можно отнести к общему надзору, так как, во-первых, он осуществляется с целью предупреждения и пресечения правонарушений со стороны всех граждан и должностных лиц; во-вторых, этот надзор не сопровождается какими-бы то ни было ограничениями, налагаемыми на граждан; в-третьих, он не устанавливается в определенном процессуальном порядке.

Третий вид надзора — надзор за строго определенной категорией лиц — на наш взгляд, следует отнести к специальному надзору, так как: во-первых, он устанавливается за строго определенным кругом лиц, отмеченных в Законе Республики Узбекистан от 9 декабря 1992 г. «Об административном надзоре органов внутренних дел за лицами, освобожденными из мест лишения свободы», во-вторых, он сопровождается некоторыми ограничениями, налагаемыми на строго определенную категорию лиц, в-третьих, установление такого надзора осуществляется в строго устанавливаемом процессуальном порядке.

Предлагаем следующую трактовку общего и специального надзора.

Общий административный надзор органов внутренних дел — это систематическое наблюдение за неуклонным соблюдением должностными лицами, гражданами правил, регулирующих общественный порядок и безопасность, за определенным кругом субъектов или кругом вопросов в целях предупреждения, пресечения нарушений этих правил, выявления нарушителей и применения к ним мер административного или общественного воздействия.

Специальный административный надзор — это надзор за поведением строго определенного законом круга лиц по выполнению ими установленных ограничений с целью предупреждения нарушений и преступлений с их стороны¹.

Из вышеизложенного следует, что административный надзор за лицами, освобожденными из мест лишения свободы, являясь мерой административного принуждения, представляет собой самостоятельный комплексный административно-правовой институт.

В рамках настоящей статьи рассмотрим вопросы осуществления органами внутренних дел общего надзора за соблюдением гражданами и должностными лицами общеобязательных правил. Осуществляя административный надзор, работники органов внутренних дел предупреждают и пресекают правонарушения, воспитывая население в духе добросовестного исполнения обязанностей перед государством и обществом, способствуя органическому соединению прав с обязанностями и превращению их в общепризнанные правила проживания в обществе.

Органы внутренних дел призваны охранять общественный порядок на улицах, площадях, парках, на транспортных магистралях, вокзалах, в аэропортах и других общественных местах, обеспечивать охрану государственной и личной собственности, прав и законных интересов граждан, предприятий, организаций и учреждений от преступных посягательств и иных противоправных действий. Они осуществляют административно-надзорную функцию за исполнением должностными лицами и гражданами решений органов государственной власти и государственного управления по вопросам охраны общественного порядка.

В установленном порядке органы внутренних дел обеспечивают соблюдение правил приобретения, хранения, перевозки оружия, боеприпасов, взрывчатых материалов, других

¹ В настоящее время в соответствии с Концепцией дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране, выдвинутой Президентом страны И. А. Каримовым на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан 12 ноября 2010 г., ведется работа по комплексному совершенствованию административного законодательства, в том числе разработке норм, касающихся административного надзора, с учетом международных стандартов.

предметов и вещей по перечню, определяемому действующим законодательством. Контролируют выполнение гражданами и должностными лицами, требований паспортной системы, а также соблюдение иностранными гражданами и лицами без гражданства установленных для них правил пребывания на территории Республики Узбекистан. Административный надзор за соблюдением законов и подзаконных актов, отнесенных к задачам органов внутренних дел, обеспечивается привлечением всех сил ОВД. Так, патрульные и постовые обязаны требовать от должностных лиц и граждан неуклонного соблюдения правил поведения в общественных местах.

Успешное осуществление административно-надзорной функции органов внутренних дел во многом зависит от правильной расстановки сил, основанной на всесторонней оценке оперативной обстановки. Правильная расстановка сил требует знаний особенностей территории обслуживания, ее населения, учета времени года и суток. Например, в летний период требуется усилить надзор в местах массового отдыха людей (в зонах отдыха, на стадионах и пляжах, в садах, парках, скверах и т.д.), в зимнее время, как правило, большое количество граждан посещают клубы, кинотеатры, дискотеки и др.

Основным методом надзора является систематическое наблюдение работников ОВД, в основном ППС за выполнением должностными лицами и гражданами установленных правил поведения. Этот метод надзора наиболее характерен для постовых, патрульных ППС ОВД, инспекторов профилактики и других лиц, несущих службу по охране порядка в общественных местах.

При попытке граждан совершить противоправное действие работники ОВД предупреждают о недопустимости нарушения и требуют должного поведения. Инспектор профилактики обеспечивает наблюдение за выполнением правил разрешительной системы, паспортного режима и др.

Исходя из проведенного анализа, по характеру регулируемых отношений, правила, за соблюдением которых ОВД осуществляют административный надзор, можно объединить в несколько групп:

- регламентирующие правила поведения граждан в общественных местах;
- способствующие общественной безопасности (транспорт, разрешительная система и т.п.);
- направленные на охрану собственности;
- действующие в сфере управления (паспортная система и т.п.);
- регулирующие общественное благоустройство (охрана парковых насаждений, складирование тары, стройматериалов на улицах, тротуарах и т.д.);
- регламентирующие охрану здоровья граждан (загазованность, соблюдение санитарно-гигиенических и санитарно-противоэпидемических правил и т.д.).

Каждое направление административно-надзорной деятельности обладает определенной самостоятельностью, в то же время все они в единстве обеспечивают решение задач по охране общественного порядка и обеспечению безопасности граждан.

Рассмотрим содержание некоторых основных направлений административно-надзорной деятельности ОВД.

Надзор за соблюдением правил поведения граждан в общественных местах. ОВД в процессе осуществления административного надзора в общественных местах ведут борьбу с мелким хулиганством, распитием спиртных напитков в общественных местах и другими нарушениями общественного порядка. Юридической базой деятельности по предупреждению и пресечению рассматриваемых правонарушений являются законы, подзаконные акты, определяющие правовое положение органов внутренних дел, а также законодательство, устанавливающее ответственность за административные правонарушения.

В рассматриваемом ряду административных правонарушений особое место занимает мелкое хулиганство. Это правонарушение связано с неуважением к обществу и правовому статусу гражданина.

Под мелким хулиганством понимается нецензурная брань в общественных местах, оскорбительное приставание к людям и другие подобные действия, нарушающие общественный порядок и спокойствие граждан. К иным подобным действиям, нарушающим общественный порядок и спокойствие людей, квалифицируемым как мелкое хулиганство, законодатель относит все те из них, которые грубо попирают общечеловеческие правила общежития, однако не влекут уголовной ответственности. Так, например, систематическое либо неоднократное катание на мопедах и велосипедах с моторами во дворах в ночное время, выбрасывание из окон предметов, могущих причинить ущерб здоровью и жизни граждан, учинение непристойных надписей и рисунков на заборах и строениях и др.

С учетом особенностей указанных правонарушений разрабатывается тактика предупреждения и пресечения этих правонарушений и организуется система подразделений, осуществляющих эту работу.

Организация работы по борьбе с указанными правонарушениями возлагается на аппараты и подразделения службы ГУППС и ООП МВД Республики Узбекистан. При этом основная нагрузка по осуществлению административного надзора за соблюдением правил поведения граждан в общественных местах ложится на сотрудников ППС.

Надзор за соблюдением правил, способствующих общественной безопасности, составляет одно из наиболее важных направлений административно-надзорной деятельности ОВД и включает в себя выполнение гражданами и должностными лицами правил разрешительной системы, дорожного движения и пользования транспортом и другие правила, за нарушение которых Кодексом об административной ответственности Республики Узбекистан предусмотрены соответствующие наказания.

Юридической основой административно-надзорной деятельности ОВД за соблюдением вышеуказанных правил являются нормативные акты о правилах дорожного движения и пользовании транспортом.

Главная задача ОВД в данной области — обеспечение безопасности дорожного движения, транспорта и пешеходов. Выполняя ее, работники ОВД охраняют жизнь и здоровье граждан, предотвращают материальный ущерб, наносимый в результате повреждения транспорта и грузов при дорожно-транспортных происшествиях.

В процессе административного надзора выявляется, как соблюдается установленный режим движения, принимаются меры к устранению причин нарушений и привлечению к ответственности виновных.

Для усиления надзора в местах неблагополучных по аварийности или с интенсивным движением транспорта и пешеходов выставляются подвижные посты со специальной задачей надзора за движением.

Представляется что большие возможности в осуществлении надзора за соблюдением правил дорожного движения имеют инспектора по профилактике, постовые и патрульные наряды, которые наряду с выполнением возложенных на них обязанностей по охране общественного порядка осуществляют надзор за безопасностью дорожного движения. Успешное участие их в надзоре во многом зависит от инструктажа, контроля за несением ими службы, от практического опыта и знания тех правил, наблюдение за выполнением которых они осуществляют.

Надзор за движением результативен только тогда, когда каждый работник ОВД будет знать, какие нарушения правил движения являются в данных условиях наиболее опасными, влекущими наибольшее число дорожных происшествий. Это необходимо для того, чтобы своевременно пресекать и предупреждать такие нарушения, а также разъяснять водителям, пешеходам и пассажирам их недопустимость, указывать к каким последствиям это приводит.

Важным средством режимно-правового обеспечения общественного порядка и безопасности является разрешительная система. Она представляет собой, урегулированную нормами права, сложную динамическую систему отношений, возникающих в процессе

обеспечения правил изготовления, приобретения, использования, хранения и транспортировки строго определенных предметов и веществ, а также открытия и функционирования некоторых объектов¹. Осуществление разрешительной системы как вида исполнительно-распорядительной деятельности органов государственного управления, и в частности, органов внутренних дел, имеет своей целью предупреждение посягательств на общественный порядок, государственную и общественную безопасность, является самостоятельной формой административной деятельности ОВД.

В рамках осуществления надзора за выполнением правил разрешительной системы на ОВД возложена обязанность по контролю за приобретением и хранением гладкоствольных, нарезных охотничьих ружей, а также предупреждение нарушений правил приобретения, учета, хранения, перевозки и использования предметов и веществ, входящих в объекты разрешительной системы, с целью недопущения утраты, хищений, использования их не по назначению и в преступных целях.

Надзорная деятельность ОВД за выполнением правил, действующих в сфере управления охватывает правила паспортной системы, режим, противодействие выполнению служебного долга работниками правоохранительных органов, а также невыполнение их законных требований, самоуправство, нарушение требований режима чрезвычайного положения, правила административного надзора и ряд других, за невыполнение которых соответствующим Кодексом Республики Узбекистан предусмотрена административная ответственность.

Рассмотрим административно-надзорную деятельность ОВД за соблюдением одной из групп вышеуказанных правил — за соблюдением правил паспортной системы, которая включает в себя надзорную деятельность за проведением в жизнь, а также выполнением всеми гражданами и должностными лицами установленных правил паспортной системы на территории Республики Узбекистан, в пограничной зоне (правил въезда, проживания или регистрации в ней), за соблюдением иностранцами и лицами без гражданства правил проживания и передвижения по территории Узбекистана.

В основном эту деятельность в органах внутренних дел осуществляют службы въезда, выезда и оформления гражданства, паспортные аппараты, инспектора профилактики и др. Они в пределах своих полномочий проводят работу по выявлению нарушений правил паспортной системы, правил проживания иностранцев и лиц без гражданства, а также по привлечению таковых к административной или при необходимости к уголовной ответственности.

В процессе такого контроля выявляются также лица, ведущие противоправный образ жизни, совершающие хулиганские действия в квартирах и т.п. Своевременное выявление таких лиц позволяет принять в отношении их необходимые меры и тем самым, нередко, исключить возможность совершения ими более серьезных противоправных деяний.

Следовательно, надзор за соблюдением паспортного режима одновременно имеет большое значение и в профилактике иных, не связанных с паспортными правилами, правонарушений, в том числе преступлений.

В данной статье мы попытались осветить общий административный надзор как один из видов административно-надзорной деятельности и не ставили цель детального рассмотрения всех направлений этой деятельности. Вместе с тем изложенное позволяет резюмировать, что административно-надзорная деятельность ОВД является одной из форм осуществления задач по осуществлению охраны общественного порядка и обеспечению безопасности граждан и выступает как способ обеспечения законности в государственном управлении.

¹ Об этом см. подробнее: *Колонтаевский Ф. Е.* Организация охраны общественного порядка: Дис. ... д-ра юрид. наук. — М., 1996.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ФУҚАРОВИЙ ДАЪВО ҚЎЗГАТИШ, УНИ ТАЪМИНЛАШ, КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида: «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади» деб белгилаб қўйилган. Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш шаклларида бири — жиноят иши бўйича жиноятларни тергов қилишда ва суд муҳокамасида фуқаровий даъвони қўзғатиш имкониятининг мавжудлигидир.

Ҳар қандай фуқаровий даъвонинг икки томони бор:

Биринчиси — моддий-ҳуқуқий томон. Бунда, фуқаровий даъвогарнинг фуқаровий жавобгарга нисбатан муайян низоли моддий-ҳуқуқий талаби, масалан, етказилган зарарнинг қопланиши хусусидаги талаби бўлади;

Иккинчиси — процессуал ҳуқуқий томон. Бу тарафлар ўртасида келиб чиққан низонинг мазмунан ҳал этилиши ва бузилган ёки низоли ҳуқуқнинг қўриқланиши тўғрисида илтимос билан муурожаат қилинишида намоён бўлади.

Даъвонинг бу ҳар икки томони бирга қўшилганда, даъво низоли ҳуқуқнинг ҳимоя қилиш воситаси бўлиб кўрилади¹.

Ўз навбатида, даъвогарнинг жавобгарга ўз талабини ифода этиш шакли бўлган даъвосиз субъектив ҳуқуқ амалга ошмайди.

В. Бозров жиноят суд ишларини юритишда фуқаровий даъво институти вужудга келиши билан бир қатор олимлар жинорий ёки фуқаровий судларнинг қайси бири жинорий қилмишдан жабр кўрган шахсларнинг моддий даъволарини қондириши тўғрисидаги ишни кўриб чиқишлари лозимлиги ҳақида мунтазам баҳс-мунозара юритиб келадилар, дея таъкидлайди². А.Ю.Садов ўз навбатида, фуқаровий даъвони жиноят процессида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини баён қилади³.

Биз ҳам фуқаровий даъвони фуқаролик процессига қараганда жиноят процессида кўриб чиқишнинг афзалликлари кўп деган фикрни қўллаб-қувватлаймиз ва бунни асослашга ҳаракат қиламиз.

Даъвогар талаб этадиган суд ҳимоясининг тури ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда, даъвогар қўйидаги турларга ажратилади: а) ундириш тўғрисидаги даъвогар, яъни бузилган ҳуқуқни тикловчи ёки ижро этилувчи даъвогар; б) жавобгарнинг даъвони тан олиши тўғрисидаги даъвогар.

Қоидага кўра, даъвогарнинг барча турлари фуқаролик процессида кўриб чиқилади. Агар даъвонинг предмети судда жиноят процесси тартибида кўриб чиқиладиган, жиноят туфайли етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги талаб бўлса, қонунга биноан, жабрланувчи жиноят процессида даъвони қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлиб, ушбу даъво жиноят иши билан бирга кўриб чиқиб, ҳал этилиши мумкин. Мазкур даъво, ўз навбатида, *жиноят процессида фуқаровий даъво*, деб аталади.

Жиноятдан жабрланган шахс суд муҳокамасида иккинчи марта иштирок этиш заруриятидан озод этилар экан, демак, содир этилган жиноят ҳолатларини текширишда маълум «ҳиссиётлардан», шунингдек ўзининг шуғулланаётган машғулотида четлатилишдан ҳам озод бўлади. Шу нуқтаи назардан, унга ўз талабларини исботлаш вазифаларида ҳам енгиллик берилади. Чунки ушбу талабларнинг асоси бўлган содир этилган жиноятни

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси конституциявий ҳуқуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди.

¹ Қаранг: *Шораҳметов Ш. Ш.* Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик. — Т., 2001. — Б. 151.

² Қаранг: *Бозров В.* Гражданский иск в уголовном процессе неуместен // Российская юстиция. — 2001. — № 5. — С. 29-30.

³ Қаранг: *Садов А. Ю.* К вопросу о целесообразности рассмотрения гражданского иска в уголовном деле // Юридические науки. — 2007. — № 5. — С. 224-228.

исботлаш терговчи ва прокурор томонидан амалга оширилади. Ундан ташқари, жабрланувчи давлат божи тўламайди.

Жиноят иши доирасида фуқаровий даъвонинг фуқаролик процессуал тартибда кўриб чиқилиши жабрланувчиларга бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. *Биринчидан*, исботлаш мажбурияти унинг ўзига юкланади, *иккинчидан*, ушбу ишларнинг фуқаролик процессуал тартибда кўрилганлиги учун ўрнатилган тартибда давлат божи ундирилади.

Т.Гусева жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахсларга тегишли қонун ҳужжатлари ва суд амалиётини таҳлил этар экан, жиноят иши доирасида фуқаровий даъвони кўриб чиқишда ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва жисмоний шахслардан солиқ ҳамда бошқа тўловларни ундириш амалдаги қонун ҳужжатларига асосланмаган, деган хулосага келади¹. Ҳақиқатан ҳам, ушбу масала амалдаги қонун ҳужжатларида ўз аксини тўлиқ топиши даркор.

Ишни судда кўриб чиқиш босқичида даъво жиноятдан жабрланган ва зарар кўрган шахс томонидан берилишини кўрсатади. Ушбу даъво ЖПКда ўрнатилган даъво шакли талабларини ўзида мужассам қилмоғи лозим, прокурор эса ушбу даъвони қўллаб-қувватлаши, шунингдек, мазкур босқичда ўзи тақдим этган даъвони ҳам қўллаб-қувватлашга мажбур.

Жиноят процессида фуқаровий даъво ҳал этилиши учун аввало, исботлаш жараёнида айбдор (судланувчи)нинг қилмишида жиноят иши бўйича исботлаш предметиға кирувчи жиноят аломатларининг мавжудлигини аниқлаш зарур ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасида исботлаш предметиғнинг асослари сифатида айнан жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори кўрсатилган. Олимлар ҳар қандай жиноят иши бўйича исботлаш предмети тўғрисида турлича фикрларни билдирадilar. Масалан, М.Р.Самитов, Н.Н.Сенин ва Т.А.Славгородских исботлаш предметиғни ўрганилаётган ҳодиса билан боғлиқ хусусиятларни ифодаловчи асослар тизими сифатида белгилаб, жиноят ишини тўғри ҳал этишда ва ҳар қандай муайян ҳолатда суд вазифаларининг амалга ошишида унинг сезиларли таъсирини кўрсатиб берганлар².

Жиноят процессининг кейинги босқичларида, яъни ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилиги текширилаётганда, фуқаровий даъвогар билан фуқаровий жавобгарнинг процессуал ҳолатларига хос бир қатор хусусиятлар кўзга ташланади.

Суд жараёнида фуқаровий даъвогар иштирок этишининг ўзига хос хусусиятлари амалий нуқтаи назардан муайян қизиқиш уйғотади. Хусусан, бунда судда жиноят ишини кўриб чиқишда айблов хулосасини эълон қилиш билан бирга, дастлабки тергов жараёнида берилган фуқаровий даъвони ҳам эълон қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки, дастлабки тергов босқичларида фуқаровий даъвонинг етарли даражада таъминланиши ва жиноят процессида суд томонидан ҳал этилиши лозимлигининг ўзига хос сабаблари бўлиб, уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин: *биринчидан*, процессуал вақтни тежашга имкон беради, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини жуда қисқа вақт ичида тикланишини таъминлайди; *иккинчидан*, содир этилган бир ҳуқуқбузарликнинг суд органлари томонидан иккинчи марта қайтадан кўриб чиқилишининг олдини олади. Бу нафақат вақтни, балки иш юритишга сарфланадиган харажатларни қисқартиришга ҳам имкон яратади; *учинчидан*, бир масала юзасидан бир-бирига қарама-қарши суд қарорлари чиқарилишининг олдини олади; *тўртинчидан*, фуқаровий даъвонинг жиноят иши билан бирга кўриб чиқилиши жиноятнинг фуқаровий-ҳуқуқий оқибатлари хусусиятларини тўғри аниқлашда судга ёрдам беради, содир этилган жиноятнинг оғирлиги, жиноятчининг шахси, жиной қилмишнинг хусусияти тўғрисидаги масалаларни ҳал этади, жазо чораларининг тўғри қўлланишига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 467-моддаси бешинчи қисмининг нормаси судга кўзгатирилган фуқаровий даъво ёки жиноят оқибатида келтирилган моддий зарарни ундириш тўғрисида ўз ташаббуси билан чиқарилган қарорнинг асосларини ҳам кўрсатиш мажбуриятини

¹ Қаранг: *Гусева Т.* Гражданский иск в рамках дела о налоговых преступлениях // Уголовное право. — 2003. — № 3. — С. 84.

² Қаранг: *Самитов М. Р.* Производство по рассмотрению и разрешению гражданского иска в российском уголовном процессе: Автореф. дис. канд. юрид. наук. — Челябинск, 2006. — С. 10; *Сенин Н. Н.* Возмещение вреда, причиненного преступлением, в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Томск, 2004. — С. 18.; *Славгородских Т. А.* Предмет доказывания обстоятельств гражданского иска в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Оренбург, 2003. — С. 5.

юклайди. Бундан судга жиноят туфайли келтирилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги масалани ўз ташаббусига кўра ҳал этиш ҳуқуқи ҳам берилган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Назаримизда, ушбу норманинг мазмуни ва уни амалга ошириш механизмининг ҳам баҳс-мунозарага сабаб бўладиган ҳолатлари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 56-моддасининг талабларига кўра, жиноят, шунингдек ақли норасо шахснинг жамоат учун хавфли қилмиши шахс, корхона, муассаса, ташкилотга моддий зарар етказган деб ҳисоблаш учун асос бўлса ва улар моддий зарарни қоплашни талаб этсалар, улар жиноят процессида фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этиладилар.

Жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ундирилишини таъминлаш борасида давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи амалдаги ҳуқуқий нормаларнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, уларнинг баъзи бирларига тузатишлар киритиш зарурлигини кўрсатади.

Юридик адабиётларда моддий (мулкӣ) зарарнинг ундирилиши жиноят процессининг мустақил вазифаси сифатида бевосита қонун матнига киритилиши зарурлиги тўғрисида кўплаб фикрлар айтилган. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида З.З.Зинатуллин зарарни ундириш фақатгина жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадини кўзламайди, балки жиноятни тез ва тўлиқ очишда амалга ошириладиган вазифаларнинг мазмунини ташкил этади, дея уқтирган эди. Моддий зарар кўринишидаги жиноят оқибатлари жиноятнинг муайян таркиби белгилари доирасига кирган ҳолатларда, кўрсатиб ўтилган вазифа жиноят туфайли етказилган моддий зарар ундирилишининг алоҳида масалаларини ҳам ҳал этиш зарурлигини тақозо этади. Моддий зарар кўринишидаги жиноят оқибатлари жиноят таркибининг конструктив белгиларини ўзида акс эттирмаган ҳолларда, «жиноятни тез ва тўлиқ очиш» вазифаси жиноят туфайли етказилган моддий зарарни ундириш вазифасини қамраб олмайди. Жиноят-процессуал қонунда таъкидланган вазифанинг аниқ мустаҳкамлаб қўйилиши жиноят туфайли етказилган моддий зарар ундирилишини таъминлашга доир зарурий чоралар кўришга олиб келиб, бунинг учун етарли ва ишончли ҳуқуқий кафолатларни яратган бўлар эди¹.

Жабрланувчининг моддий ҳолатини тиклашнинг ҳуқуқий жараёни қонунчиликда тартибга солинмаганлиги фактини эътироф этган ҳолда, айтиш мумкинки, бу ҳақда процессуал адабиётларда аллақачон муайян таклифлар берилган ва уларга кўра, «агар жиноят ишини тугатиш билан боғлиқ ҳолда моддий қийматга эга мулклар қайтарилса, ...бу ҳақда қабул қилинган қарорларни жиноят ишини тугатиш тўғрисида чиқарилган қарорнинг хулоса қисмида кўрсатиб ўтиш етарлидир. Тугатилган жиноят иши, шунингдек тергов давом этаётган ёки тамомланаётган ва судга юборилаётган иш бўйича моддий қийматларни қайтариш фақат далилий ашёларни эгасига қайтариш тўғрисидаги махсус қарор асосидагина амалга оширилиши мумкин»². Бундай мулкни эгасига қайтариш жараёни баённома билан расмийлаштирилиши керак. Афсуски, амалдаги ЖПКда реституцияни амалга оширишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, қонунда жиноий-ҳуқуқий реституция тўғрисидаги умумий нормалардан ташқари, реституцияни амалга оширишнинг ҳуқуқий жараёнини белгилаб берувчи нормалар ҳам бўлиши лозим. ЖПКда жиноят туфайли етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарни реституция йўли билан ундириш имкониятини тўғридан-тўғри кўзда тутувчи нормалар мавжуд эмас. Фақат Ўзбекистон Республикаси ЖПК 287-моддасининг мазмунига таяниб, хулоса қилиш мумкинки, жиноят натижасида йўқолган буюм эгасига қайтарилиши керак.

ЖПКнинг жиноят туфайли етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарнинг ундирилишини таъминлаш бўйича терговчи фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинишига доир қатор нормаларини такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда. Жумладан, мулкларни хатлаш кўпинча тинтув ўтказиш ва олиб қўйиш каби кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказишга боғлиқлигини инобатга олиб, мулкни хатлашни ҳам кечиктириб бўлмайдиган процессуал ҳаракатлардан деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, бу ерда қатор мунозарали ҳолатлар мавжуд бўлиб, улар, фикримизча, ҳал қилиниши керак, чунки Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 280-моддасида таъкидланишича, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва судда фуқаровий даъво бўйича

¹ Батафсилроқ қаранг: *Зинатуллин З. З.* Возмещение причиненного преступлением ущерба в советском уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Казань, 1971.

² *Зинатуллин З. З.* Уголовно-правовая реституция как форма возмещения причиненного преступлением материального ущерба // Правоведение. — 1972. — С. 117.

иш юритиш амалдаги ЖПКда назарда тутилган тартибда олиб борилади. Фуқаровий даъво юзасидан вужудга келадиган процессуал муносабатлар ЖПКда тартибга солинмаган бўлса, унда жиноят процессининг принципларига хилоф бўлмаган фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланади. Шунингдек, амалдаги Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 245-моддасида қайд этилганидек, жиноят ишидан келиб чиқадиган фуқаролик даъвоси, агар жиноят иши кўрилатганида арз қилинмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибда кўриш учун фуқаролик ишларининг судловга тааллуқлилигига доир умумий қоидаларга биноан қўзғатилади.

Жиноят ишида фуқаровий даъво — жиноят процесси ва фуқаровий муносабатлар бирлашадиган ўзига хос институтдир. Бунда у жиноят оқибатида жабрланувчининг бузилган моддий ҳуқуқини ҳимоялашнинг асосий жиноят-процессуал усули ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқишда процессуал муносабатларнинг ушбу икки тури бир-бирини тўлдиради ва ўзаро тааллуқли бўлади.

2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Унинг 13-моддасида қуйидагилар назарда тутилади: «Суд томонидан одам савдосида айбдор деб топилган шахс, одам савдосидан жабр тортганларнинг тикланиши билан боғлиқ барча харажатларини тўла ҳажмда қоплайди». Ушбу қонуннинг 19-моддасида одам савдоси қурбонларининг ижтимоий тикланиши назарда тутилади. Одам савдоси қурбонларининг ижтимоий тикланишини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида илк бор одам савдосининг қурбонларига кечиктириб бўлмайдиган тиббий, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдамлар кўрсатилиши тўғрисидаги қоидалар ўз аксини топди. Қонуннинг 9-моддасига асосан, «Одам савдоси қурбонларига ёрдам бериш ва ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан одам савдоси қурбонларини ҳимоялаш ва ёрдам кўрсатиш бўйича махсус муассасалар яратилмоқда»¹.

Юқоридаги янгилик жиноятдан жабр кўрган шахслар ҳуқуқини тиклаш борасидаги дастлабки қадамдир, аммо, фикримизча, фақатгина одам савдоси қурбонларининг ҳуқуқларини таъминлаш билан чекланиб қолиш мақсадга мувофиқ эмас. Балки, юқорида кўрсатиб ўтилган кечиктириб бўлмайдиган тиббий, руҳий, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш жиноятдан жабр кўрган бошқа барча шахсларга ҳам тегишли бўлиши керак. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонунда одам савдоси қурбонларига бошқа турдаги ёрдамлар ҳам кўрсатилиши тўғрисидаги қоида мавжуд. Фикримизча, бошқа турдаги ёрдам дейилганда, моддий ва молиявий ёрдам кўрсатилиши назарда тутилиши лозим. Аммо ушбу қонунда шахсни фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этиш тўғрисидаги қоида мавжуд эмаслигини эслатиб ўтмоқ жоиз. Шу боис, унинг 7-моддасининг биринчи қисмини қуйидаги мазмундаги янги банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: «*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги одам савдосига қарши кураш соҳасида: одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар содир этилган фактларни аниқлаган тақдирда, жиноят ишини қўзғатади ва одам савдоси қурбонларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида уларни жиноятдан жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этилишини таъминлайди*».

Ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг таъминланиши деганда, жиноят содир этилиши билан боғлиқ моддий, жисмоний ва маънавий зарарнинг ундирилиши тушунилади.

Юқоридаги қайдани жиноятнинг бошқа турларига ҳам тегишлилигини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьялар орасида дастлабки терговда фуқаровий даъвони таъминлаш процессини такомиллаштиришга доир ўтказилган социологик сўровнома натижаларининг кўрсатишича, судьяларнинг 80%, терговчиларнинг 59,8% жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал этиш тартиби бўйича ЖПКни суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва судларнинг ҳаракатларини муайянлаштирувчи нормалар билан тўлдирилишидан манфаатдорлар. Ушбу норма ЖПКнинг 275-моддасига қўшимча қилиб киритилиши ва қуйидаги мазмунга эга бўлиши керак: «*Суд, прокурор, терговчи ва суриштирув органлари фуқаровий даъвони ҳал этиш ва таъминлашга йўналтирилган зарурий чораларни кўриб чиқади*».

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги 2008 йил 17 апрель қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2008. — №4. — 190-м.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЮЗАСИДАН КРИМИНОЛОГИК ЧОРАЛАР

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир. Шу муносабат билан бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур¹. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий хавфлилигини кенг жамоатчиликка тушунтириш² долзарб масалалардан биридир.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти моддий таркибли бўлиб, ҳар бир содир этилган жиноят оқибатида жабрланувчига жисмоний ва моддий зарар етказилади. Шу сабабли, йўл-транспорт ҳодисаси туфайли келиб чиққан оқибатнинг оғирлик даражасига қараб қилмиш жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади³. Маъмурий қонунчиликни қўллаб, транспорт воситалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга таъсир ўтказиш ҳам айна пайтда йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ҳисобланади.

Транспорт воситалари билан боғлиқ қоидабузарликларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: *биринчиси*, ҳеч қандай оқибат келиб чиқмаган қоидабузарликлар. Бу гуруҳга кирувчи қоидабузарликларда оқибат келиб чиқмаса ҳам уларни жамият учун хавфлилилик даражаси юқори бўлиши мумкин. Жумладан, маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш, тезликни ҳаддан ташқари ошириш, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз (ҳайдовчилик гувоҳномасини олмасдан, тегишли билимга эга бўлмасдан) транспорт воситасини бошқариш ва бошқалар. Юзаки қараганда уларнинг хавфлилиги жуда пастга ўхшаб кўринади. Аммо чуқурроқ назар солсак, бу қилмишларнинг ҳам жамият учун катта хавф туғдириши кўзга ташланади. Оддий кўринган тезликни ошириш қоидабузарлигини оладиган бўлсак, ҳайдовчининг тезликни ошириши натижасида транспорт воситасини бошқариш имконияти (тезда тўхтатиш, кескин буриш, қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситаларига йўл бўшатиш ва бошқалар) камаяди. Агар ИИВ ЙҲХ ходимлари томонидан мазкур ҳайдовчи вақтида аниқланса, фақат маъмурий жавобгарликка тортилади. Республика бўйича оладиган бўлсак, бир кунда 10 минг атрофида, «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» тадбири ўтказиш вақтида кунига 15 мингдан⁴ ортиқ ЙПХ бўлинмаларидаги ходимлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини бузишга оид баённомалар тузилиб, айбдор ҳайдовчилар маъмурий жавобгарликка тортилмоқдалар. Агар бу рақамни бир ойга ёки бир йилга кўпайтирсак, қоидабузарлик сони нақадар кўплигига гувоҳ бўламиз. Энди ЙПХ ходимлари томонидан транспорт воситалари билан боғлиқ қоидабузарликларнинг ҳаммасини аниқлаш имконияти йўқлигини инобатга олсак,

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедрасининг тадқиқотчиси.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010.

² *Нарбўтаев Э., Кабулов Р.* Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ва унинг ички ишлар органлари фаолиятида амалга оширилиши: Ўқув қўлланма. — Т., 2004. — Б.88.

³ Қаранг: *Rustamov M.X.* Jinoyat huquqi. Darslik. — Т., 2007. — Б.656.

⁴ Қаранг: *Шамсиддинов С.* Таҳлиллар янада фаолликка ундайди // Постда. — 2011. — 22 янв.

қунига 20 мингга яқин йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатларининг содир этилишини тахмин қилиш мумкин.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳолатларнинг *иккинчи гуруҳига* зарарли оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган қоидабузарликларни киритиш мумкин. Бундай қоидабузарликни амалиётда «*йўл-транспорт ҳодисаси*» деб аташ одатга айланган. Йўл-транспорт ҳодисасини ўзи иккига — маъмурий жавобгарликка олиб келувчи ва жинорий жавобгарликка олиб келувчи йўл-транспорт ҳодисасига бўлинади.

Маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган йўл-транспорт ҳодисасида асосан мулкый зарар, шунингдек, жисмоний зарар (енгил тан жароҳати) келиб чиқиши мумкин. Наманган вилоятида 2010 йилда содир этилган ва маъмурий жавобгарликка сабаб бўлган йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ ишларни ўрганиш натижасига кўра, 78% ҳолатда қоидабузарликлар фақат мулкый йўсиндаги зарар билан боғлиқ бўлган, 22% ишларда жабрланувчига ҳам мулкый, ҳам жисмоний зарар (енгил тан жароҳати) етказиш кузатилган. Демак, маъмурий жавобгарликка олиб келувчи йўл-транспорт ҳодисасида асосан мулкый йўсиндаги зарар етказилади.

Жинорий жавобгарликка олиб келувчи йўл-транспорт ҳодисаси натижасида жабрланувчининг баданига ўртача оғир, оғир шикаст етказилади, шунингдек, жабрланувчининг ўлими, одамлар ўлими, ҳалокат ҳамда бошқа оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ ҳолатларни рўйхатга олишнинг ягона тартиби мавжуд бўлиб, унинг асосий мақсади авария ҳолатларини, бахтсиз ҳодисаларни юзага келтирувчи сабаб ва шароитларни таҳлил этиш ҳамда тегишли равишда ушбу сабаб ва шароитларни бартараф этишдан иборатдир¹.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳолда ҳайдовчилар йўл қўядиган қоидабузарликлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: белгиланган тезликни ошириш; транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш; қарама-қарши ҳаракат чизигидан ўтиб кетиш ва қувиб ўтиш тартибини бузиш; чорраҳа ва бошқа ўтиш жойларида галма-гал ўтиш тартибини бузиш; носоз транспорт воситаси билан йўлга чиқиш; масофа сақлаш тартибини бузиш; тартибга солиб туриш сигналларига бўйсунмаслик, йўл ҳаракати белгилари талабларини бажармаслик; одамларни ташиш қоидаларини бузиш; пиёдалар ўтадиган жойлардаги тартибга амал қилмаслик кабилар². Ҳайдовчилар ушбу қоидабузарликларни айрим ҳолларда қасдан содир этадилар. Масалан, бирор жойга тезроқ боришга интилиш, такси ҳайдовчиларининг мижозни тезроқ манзилга етказишга ҳаракат қилиши, ёшлар орасида эса транспорт воситасининг устунлигини намойиш этиш мақсадида ва бошқа сабаблар билан белгиланган тезликни ошириш, йўл ҳаракати белгилари талабларига риоя этмаслик ва ҳоказо. Баъзи ҳолларда эҳтиётсизлик орқали содир бўладиган қонунбузарликлар ҳам кузатилиши мумкин, жумладан, телефон орқали гаплашиб ёки салондаги пассажир билан гаплашиб натижасида йўл ҳаракати қоидаларига бепарво бўлиш, уйқусираш ёки чарчоқ ҳолатида транспорт воситасини бошқараётган шахснинг билмасдан ҳаракатланиш қоидаларини бузиши ва бошқалар.

Ҳайдовчилар билан бир қаторда айрим йўл-транспорт ҳодисаларига пиёдалар ҳам сабабчи бўлмоқдалар. Улар асосан куйидаги қоидабузарликларни, яъни йўлни ҳаракат қисмининг белгиланмаган жойидан кесиб ўтиш; кутилмаганда транспорт воситалари ҳаракат йўналиши олдига чиқиб қолиш, такси тўхтатиш мақсадида йўлнинг ҳаракат қисмига чиқиб олиш, автобус ёки маршрут таксига етиб олишга шошилиб, ҳаракатланаётган транспорт воситасига эътибор бермаслик, маст ҳолда йўлнинг ҳаракат қисмига чиқиб қолиш ёки ётиб олиш ва бошқалар.

Айрим йўл-транспорт ҳодисаси ҳайдовчи ва пиёдаларнинг айби билан рўй бериши мумкин, жумладан, 2010 йилнинг 12 март куни Наманган шаҳрининг Оромгоҳ кўчасида, пиёдалар С.Абдурахмонов ва С.Жўраевлар йўлнинг пиёдалар ўтиши тақиқиланган серкатнов қисмидан қоидани бузиб ўтаётган вақтда, ҳайдовчи Ш. Садриддинов «Дамас» русумли 50

¹ Шакуров Р. Р. Жиноят ҳуқуқида рағбатлантирувчи нормаларнинг тузилиши ва қўлланиши: Ўқув қўлланмаси. — Т., 2007. — Б.42.

² Қаранг: Криминология: Дарслик // З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ.; проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. — Т., 2007. — Б. 416-417.

В 087 АА давлат белгили автомобилда белгиланган тезликни ошириб, «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 12.1 бандидаги қоида ни бузиб, ушбу пиёдаларни уриб юборган. Натижада пиёдалар ўртача оғир тан жароҳати олишган¹.

Ушбу ҳолатда жиноятга сабаб бўлган асосий омиллар: жамият манфаатларига эътиборсизлик, хавфсизлик қоидаларига бефарқлик, умумий интизомсизлик каби ҳаракат қоидалари талабларини менсимаслик, ўрнатилган ҳаракат қилиш қоидаларини қасддан бузиш ва бошқалар ҳам ҳайдовчи, ҳам пиёдаларда кузатилмоқда. Бу каби ҳолатларнинг олдини олишда профилактик ишларни ҳам ҳайдовчи, ҳам пиёдалар билан тенг олиб бориш лозим.

Маълумки, республикамиз бўйича ҳар йили 15 декабрдан 15 январгача «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Сўнгги ўтказилган ойлик натижаларини таҳлил қилганда, тадбир давомида 500 мингта, ЙПХ бўлинмалари хизматининг саъий-ҳаракати билан ҳам 500 мингта яқин йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган. Пиёдалар қодибузарлигининг олдини олиш борасида ҳам тушунтириш ишлари олиб борилган ҳамда қоидабузарликка йўл қўйган 26 минг нафардан ортиқ пиёдаларга нисбатан қонуний чоралар кўрилган². Пиёдаларга нисбатан олиб борилаётган профилактик чоралар нафақат «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»да балки мунтазам равишда олиб борилиши лозим. Бунинг учун жойлардаги корхона, ташкилот, маҳалла, болалар боғчаларидан бошлаб, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ҳар ойда бир марта учрашувлар ўтказиш, суҳбатлар уюштириш, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига амал қилмаслик оқибатларини мисоллар билан тушунтириш, видеотасвирлар орқали намойиш этиш ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларни ўтказиб бориш лозим. Айниқса, ўқувчилар орасида риоя қилиши лозим бўлган йўл ҳаракати қоидаларини кенг тушунтириш ва яқуний синов имтиҳонларини олишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Сўнгги йилларда содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларида ёш болаларнинг иштироки, аксарият ҳолларда уларнинг жабрланиши ачинарли ҳолдир. Йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили болалар билан янада кўпроқ иш олиб бориш, уларга хавфсиз ҳаракатланиш талаблари ҳамда «Йўл ҳаракати қоидалари»ни улар руҳиятига мослаб чуқурроқ ўргатиш кераклигини тақозо этмоқда.

Бугунги кунда кўчаларимизда транспорт воситаларининг кўпайишига қарамасдан, ёшларни йўл ҳаракати қоидаларини билишга ундовчи, қизиқтирувчи тадбирлар кўпаймаган. Жойларда ўтказилаётган тадбирлар эса нари борса маҳаллий газета ёки журналларда қисқача маълумот бериш билан чекланиб қолмоқда. Тадбирни тўлалигича марказий телевидение орқали намойиш этиш йўлга қўйилмаган. Илгари мактаб жамоалари орасида «Светофор» номли конкурснинг туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилиши, финал ўйинларини телевидение орқали намойиш этилишини янада қизиқарли, оммани ўзига жалб қиладиган даражада ташкил қилинар эди. Ҳозирги кунда унинг ўрнига вилоятларда «Яшил чироқ» тадбири ўтказилмоқда. Жумладан, «Яшил чироқ-2010» тадбири Фарғона вилоятида, «Яшил чироқ-2011» тадбири Андижон вилоятида ўтказилди³. Аммо уларни республика марказий телевидениеси орқали кенг оммага кўрсатиш йўлга қўйилмаган.

Ушбу тадбирларни ўтказишдан мақсад пиёдалар, айниқса ёшларни йўл ҳаракати қоидаларини ўрганишга, бошқаларни ҳам унга қатъий риоя қилишга жалб этишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган криминологик чора-тадбирларнинг энг асосийси ҳайдовчилар билан амалга оширилиши лозим. Криминология нуқтаи назаридан йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ жиноятларни содир этганларнинг шахсини фарқлаш ҳамда профилактик чоралар самарадорлигини ошириш мақсадида транспорт воситасини бошқараётган шахсларни шартли равишда профессионал ҳайдовчи (камида 5 йиллик ҳайдовчилик амалиётига эга бўлган ҳайдовчилар) ҳамда профессионал бўлмаган ҳайдовчилар (транспорт воситаларини бошқариш амалиёти 5 йилгача бўлган

¹ Наманган вилояти суди архивидаги 1/367-сонли жиноят иши.

² Қаранг: Шамсиддинов С. Таҳлиллар янада фаолликка ундайди // Постда. — 2011. — 22 янв.

³ Қаранг: Ёш автоназоратчилар // Auto hamroh. — 2010. — № 7. — Б. 2-3.

ҳайдовчилар)га ажратиб, олдини олиш чораларини ташкил этиш лозим. Маълумки, профессионал, яъни юқори малакага эга бўлмаган, транспорт воситаларини бошқариш амалиёти муддати кам бўлган ҳайдовчилар интеллектуал ва маълумоти жиҳатидан профессионал ҳайдовчилардан юқори турган тақдирда ҳам, уларда транспорт воситаларини моҳирлик билан бошқариш, фавқулодда вазиятда тезкор қарор қабул қилиш, вазиятни тўғри баҳолаш суст бўлиши аниқ. Кўп йиллик (5 йилдан кўп) ҳайдовчилик амалиётига эга ҳайдовчиларда транспорт воситаларини моҳирлик билан бошқариш ҳамда фавқулодда вазиятга олдиндан кўзи этиш қобилияти ривожланган бўлади. Шунинг учун ҳам транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятини содир этувчи ҳайдовчилар билан профилактика ишларини олиб бориш чоғида уларда амалий тажрибанинг камлигига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Профессионал бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши натижасида келиб чиқадиган бахтсиз ҳодисалар умумий транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг қарийб 60% ни ташкил этмоқда¹.

Наманган вилояти бўйича транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти билан боғлиқ ишларнинг таҳлили, яъни ўрганилган 200 та жиноят ишининг натижаларига кўра транспорт ҳаракати қоидаларини бузиш жиноятларини содир этувчилар таркиби ёш жиҳатдан таҳлил этилганда, 16—24 ёшдагилар 32% ни, 25—35 ёшдагилар 51% ва 36 ёш ва ундан катталар 17% ни ташкил этган.

Вилоят миқёсида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноят ишларининг таҳлилидан яна шу нарса маълум бўлдики, кўрилатган жиноятларнинг 72% ни киракашлик билан шуғулланган ҳайдовчилар содир этган. Баъзи ҳайдовчилар тергов жараёнида ўзларини киракашлик билан шуғулланганлигини инкор этса-да, йўл-транспорт ҳодисасидан олдин бир маротаба йўл-йўлакай пассажирларни олиб кетаётганини айтган. Бу шахсларни ҳам киракашлик билан шуғулланган ҳайдовчилар тоифасига киритдик. Чунки, киракашлик қилишни яшириш сабаблари турлича, масалан, тегишли рухсатнома олмай киракашлик билан шуғулланганлигини солиқ идораларидан яшириш мақсади ва бошқалар бўлиши мумкин. Шу муносабат билан, жойлардаги ИПХ ходимлари камида ҳафтасига бир марта киракашлик билан шуғулланувчи ҳайдовчилар билан учрашув ўтказиб, уларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатларини муҳокама қилиб, уларни содир этмаслиги ҳақида огоҳлантирилганлиги ҳақида тилхат ёздириб олиши анча самара беради. Айнан ҳайдовчининг юқори касбий тайёргарлиги, малакаси, масъулиятни ҳис этиши, йўл ҳаракати қоидаларини яхши билиши ҳалокатларнинг олдини олишдаги муҳим омилдир.

Наманган вилояти бўйича ўрганилган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятига оид ишларнинг статистик маълумотларига кўра, кўпчилик йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни асосан яқинда транспорт воситаларини бошқаришга киришган шахслар, қизиққон ёшлар, уқувсиз, масъулиятсиз, интизомсиз ҳайдовчилар содир этган ва бунда улар белгиланган мажбуриятларни била туриб, қасддан бузганлар; йўлда риоя қилиниши лозим бўлган мажбуриятларини бажармай, йўллардаги мавжуд жиддий хавф келтириб чиқариши мумкин бўлган вазиятларни юзаки ва эътиборсизларча баҳолаганлар.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузиб йўл-транспорт ҳодисасини содир этган шахсларнинг олдин маъмурий жавобгарликка тортилганлиги таҳлил қилинганда, бир йил олдин икки ва ундан кўп маротаба йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар қайтадан йўл-транспорт ҳодисасини содир этганлар. Бундай рецидив кўринишидаги қоидабузарликлар маълум бир тоифадаги ҳайдовчилар шахсида мавжуд бўлган ёмон тарбиянинг оқибати ҳам бўлиши мумкин. Чунки шахс ёшлигидан бошлаб етарли даражада интизом, масъулиятни ҳис қилиш, атрофдагиларга ҳурмат, белгиланган тартиб-қоидага риоя этиш руҳида тарбия олмаган. Шу сабабли, ўрганилган ишларнинг 37% да ҳайдовчилар жабрланувчига ёрдам бермай воқеа жойидан қочиб қолган.

¹ Қаранг: Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ.; проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. — Т., 2007. — Б. 419.

Шахсининг транспорт воситаларини бошқаришдаги мажбуриятларининг бажарилишига юзаки, менсимаслик орқали қарашининг йўлдаги мавжуд муҳитни баҳолашда эътиборсизлиги, йўл ҳаракати билан боғлиқ вазиятнинг ўзгариб туришини назорат эта олмаслиги, шунинг оқибатда юзага келган хавфга мос тарзда фаолият кўрсата олмаслиги кабилар орқали ифодаланади.

Ҳайдовчи йўлдаги қалтис вазиятларда ҳатто кеч бўлса-да, тўғри қарорга келиб, зарур чоралар кўриши шарт, шу йўл билан хавф бартараф этилади. Аксинча тажрибасизлик орқали нотўғри қарорга келинганда, ҳаракат қоидалари бузилади ва йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлади. Ҳаракатланиш вақтида юзага келган вазиятни аниқ ва тўғри баҳолашда шахсга боғлиқ омиллар, яъни унинг руҳий хусусиятлари ва шахсий ҳолати, вазиятни ўз вақтида ва тўғри баҳоламаслик, руҳиятдаги беқарорлик, боқибегамлик, ҳаяжонланиш, бетоблик ёки чарчаганлик ҳолатлари ҳам салбий таъсир этиши мумкин¹.

Шахсга боғлиқ бўлмаган омиллар ҳам мавжуд, жумладан, қарор қабул қилиш учун вақтнинг камлиги, об-ҳаво таъсирида кўриш масофасининг қисқарганлиги, транспорт воситасининг айрим механизмлари ҳаракатланиш вақтида ишламай қолиши шулар жумласидандир. Йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келувчи шароитлар жумласига автомобиль йўлларининг талабга жавоб бермаслиги ва бунда автомобилга бўлган эҳтиёжнинг ўсаётганлиги эътиборга олинмаслиги кабиларни кўрсатиш мумкин. Хусусан, ҳозирги кунда катта магистрал кўчаларнинг транспорт воситаларини ўтказиш қуввати камлиги, йўл устки қатламининг сифатсизлиги, талаб даражасида ёритилмаганлиги турли бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Йўлнинг сифати пастлиги оқибатида юзага келадиган йўл-транспорт ҳодисаларининг нисбати барча йўл-транспорт ҳодисаларининг 12,6% ни ташкил этади².

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий шароит ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Бунда йўл ҳаракати қатнашчиларининг зарур тартиб ва қоидаларни ўз вақтида ўрганмасликлари ёки умуман билмасликларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ҳозир кўчаларда транспорт воситалари кўпайган вақтда йўл ҳаракати қоидаларини билиш зарур ва шартдир. Шунга қарамай, айрим ваколат берилган ташкилотлар раҳбарлари томонидан ҳайдовчилик курслари ўқишларига қатнашмаган ёки қатнашган тақдирда ҳам йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини ўзлаштирмаган шахсларга ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш ҳоллари кам бўлса ҳам учраб турибди. Баён этилганлар билан бир қаторда, ҳозир йўлларда ҳаракатланиш суръатининг шиддат билан кенгайиб бораётганлиги бу соҳада назорат ва тартибга солиш ишларининг юқори даражада бўлишини талаб этмоқда. Айрим ҳолларда тезликни оширган ва маст ҳолда транспорт воситаларини бошқарган ёки бошқа қоидабузарлик содир этган шахсларнинг аниқланмай қолиши ҳамда жавобгарликка тортилмаганлиги, табиийки, ҳуқуқбузарликнинг янада ривожланишига олиб келади³.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мураккаб ва кўп қиррали вазифадир. Шу боис, йўл ҳаракати ҳодисалари ва йўл-транспорт жиноятларининг олдини олиш ўзига хос равишда атрофлича ёндашувни талаб этади. Шу муносабат билан, йўлларда ҳаракатланишни тўлиқ назоратга олишни кучайтириш мақсадида, махсус техник воситалардан, жумладан, серқатнов чорраҳаларга видеоназорат камераларини ўрнатиш заруратини давр тақозо этмоқда. Бу гоёт катта ҳажмдаги иш бўлиб, уни ҳозирги шароитда тўлиғича амалга оширишнинг иложи йўқ. Шу сабабли, уни босқичма-босқич амалга ошириш лозим. Бунинг учун биринчи навбатда, катта серқатнов чорраҳаларга кузатув камераларини ўрнатиш лозим ва ҳар бир қоидабузарлик жазосиз қолмаслиги учун унинг таҳлили доимий ўтказиб борилиши ҳамда йўл ҳаракати қоидаларини бузишда айбдор шахслар тегишли қонуний жавобгарликка тортилиши лозим. Бундай техник воситаларнинг афзал томонлари катта бўлиб, у қоидабузарликларнинг барчасини ёзиб боради ва инсон омилига қараганда самарали натижа беради. Хизматни ўтаётган ИПХ ходими чорраҳадаги барча қоидабузар-

¹ Қаранг: Абдурасулова Қ. Р. Жиноятнинг махсус субъекти: Ўқув қўлланма. — Т., 2005. — Б.106.

² Қаранг: Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ.; проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. — Т., 2007. — Б. 422.

³ Қаранг: Алимов Г. А. Транспорт воситаси ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. — Т., 2000. — Б.46.

ликларни аниқлаш ва уларга тегишли чора кўриш имкониятига эга эмас, сабаби, у чорраҳани доимий назорат қила олмайди (қойдабузар ҳайдовчига баённома тузиш вақтида, тушликка чиққанда, турли йиғилиш ва ИИБдаги бошқа тадбирларга кетганда чорраҳа назоратсиз қолади).

Бу билан биз ЙПХ ходимлари хизматни самарасиз ёки сифатсиз ўтайди деган тушунчадан йироқмиз. Улар қишин-ёзин машаққатли меҳнат қилиб йўл-транспорт ҳаракати билан боғлиқ кўплаб мулкӣ ва бошқа оғир жиноятларнинг олдини оладилар. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг марказий ва жойлардаги бўлим ва бўлинмалари қуйидаги вазифаларни бажардилар: транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш; йўл тармоқларига кирувчи таркибий қисмларни таъминлаш ва назорат қилиш; транспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат этиш; автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш; йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш ва унинг сабаблари ҳамда унга олиб келган шарт-шароитларни таҳлил этиш ва шу билан бирга, баргараф этилишини таъминлаш; қонунбузарларга нисбатан қонунда белгиланган тарзда чора кўриш; тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш кабилар.

Ушбу хизмат фаолиятини таърифлаш орқали айтиш мумкинки, унга хос бўлган барча вазифалар, ўз хусусиятларига кўра, бошидан охиригача профилактика фаолияти билан узвий боғлангандир¹, бинобарин, бу хизмат соҳасининг асосий мақсади ҳам биринчи навбатда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир. Йўл-патруль хизмати ходимлари ўз фаолиятлари давомида йўл ҳаракатини мувофиқлаштириш билан бир қаторда, йўл ҳаракати қонунларининг бузилмаслигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратадилар ва шу орқали транспорт ҳаракатининг бир маромда ишлашига имкон яратадилар. Муҳими, ҳар бир ҳаракат қатнашчисининг интизомга риоя этиши йўлга қўйилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизмати ходимларидан қарийб 70% йўл-патруль хизматини амалга оширадилар ва уларнинг асосий вазифалари йўлларда ҳаракатланиш чоғида тартибни мунтазам назорат этишдан иборатдир.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизмати фаолиятида амалга ошириладиган профилактика ишларидан бири транспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат қилишдир. Ушбу профилактика ишлари эса қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши билан узвий боғлиқдир, яъни: автотранспорт корхоналари (шу жумладан, хусусий секторда ҳам)да транспорт воситалари техник жиҳатдан талаб даражасида бўлишини назорат қилиш; кўча ва йўлларда назорат тариқасида у ёки бу транспорт воситасининг техник ҳолатини текшириш; транспорт воситаларининг авариясиз ишлашининг таъминланишини назорат қилиш, турли йўл-транспорт ҳодисалари ва жиноятларнинг олдини олишни ташкил этиш кабилар.

Ички ишлар идоралари тизимига тааллуқли ушбу хизмат соҳасининг йўлларнинг умумий ҳолатини назорат этиши ва созлигини таъминлаши ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки йўлнинг ҳолатини яхшилаш турли ҳодисалар келиб чиқишининг олдини олишда муҳим омилдир. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятида йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳисобини юритиш ва уларнинг сабаб ҳамда шарт-шароитларини таҳлил этиш катта аҳамиятга эгадир. Агар ҳисобга олиш ва таҳлил этиш қанчалик яхши йўлга қўйилса, профилактика тадбирларини ўтказиш ҳам яхши самара беришини унутмаслик лозим. Ички ишлар идораларининг йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа ҳаракатларнинг олдини олишдаги ўрни анча самарали бўлмоқда².

Авария ҳолатларининг юзага келиш сабабларини йил фасллари ва ҳафтанинг қайси кунлари, қайси жойларда куннинг қайси пайтларида бўлишини, қайси автотранспорт

¹ Исмаилов И. Ўзбекистон Республикаси ИИБ профилактика хизматлари тизимидаги ислохотлар, унинг натижалари ва истиқболлари // Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. — Т., 2007.

² Батафсилроқ қаранг: Рустамов С.С. Ички ишлар идораларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимидаги ўрни // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг ахборотномаси. — 2011. — 1-сон. — Б. 57-61.

воситалари билан боғлиқ ҳолларда юзага келишини таҳлил этиш ва билиш ғоят катта аҳамиятга эга. Айнан шу каби таҳлиллар асосида нафақат сабаб ва шароитни билиш мумкин, балки аниқ мақсад сари йўналтирилган ва самарали профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқишга имкон яратилади¹. Шу ўринда алоҳида эътибор йўл-транспорт ҳодисасидан жабрланганлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлилига қаратилиши ҳам талаб этилади. Бу ҳам зарур профилактика ишларини олиб боришга ёрдам беради.

Тарғибот-ташвиқот ва ҳуқуқий тарбия ишлари ҳам хусусиятига кўра, автотранспорт воситаларининг ҳайдовчилари ва аҳоли ўртасида ўтказилади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олади: қонунчиликни тушунтириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ҳукумат чиқарган ҳужжатлар билан таништириш, фуқароларни содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари ва жиноятларнинг сабаблари, шароитлари ҳамда оқибатларидан хабардор қилиш, уларга ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ва бажарилган ишлар тўғрисида маълумотлар бериш мақсадга мувофиқдир. Бу каби тадбирлар оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидение) орқали ёритилиши ёки оғзаки (маъруза, суҳбат, маслаҳатлар уюштириш) тарзда ташкил этилиши мумкин, шунингдек уларни кўргазмалли воситалар (плакат, эслатмалар, ахборотномалар) орқали ҳам аҳолига етказилади.

Йўл ҳаракати қатнашчилари (ҳайдовчи, йўловчи, пиёдалар) ўртасида тарбиявий-профилактика ишларини ташкил этишнинг ҳам ўзига хос *шакллари* бўлиб, ҳаракат хавфсизлиги бўйича кўрсатувлар, махсус операция ва рейдлар, конкурс ва кинофестиваллар ўтказиш, кенг доирада тарғибот-ташвиқот олиб борилишини ташкил этиш ҳисобланади. Йўл-транспорт ҳодисалари ва жиноятларининг олдини олишдаги ташкилий, техник ва тарбиявий чора-тадбирлар билан бир қаторда, ҳуқуқий тадбирларни амалга ошириш ҳам муҳим ўрин тутаяди. Жумладан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизматларига ҳаракат хавфсизлиги қоидалари талабларини бузган шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий чораларни қўллаш ваколати ҳам берилган.

Қоидабузарларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий таъсир чораларининг қўлланилиши йўл ҳаракати қатнашчиларининг (ҳайдовчи, йўловчи, пиёда) ҳар бирига шу жумладан барча аҳоли ўртасида учрайдиган тартиббузарларга ҳам профилактик таъсир ўтказишда катта ёрдам беради. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизмати олиб борадиган профилактика ишларида жамоатчилик, шу жумладан маҳалла вакиллари бўлган халқ посбонларининг иштирок этишини таъминлаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Улар турли вазифаларни, масалан, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, ушбу қоида талабларини тарғиб қилиш, профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, ҳодиса содир бўлган жойдан қочиб кетган ҳайдовчиларни излаш, олиб қочилган транспорт воситаларини қидириш ишларида яқиндан ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизмати ўз фаолиятида ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари билан ҳам ўзаро ҳамкорликни амалга оширади. Хусусан, жиноят-қидирув хизмати ходимлари ва тергов органлари билан биргаликда ўғирланган ёки олиб қочилган транспорт воситаларини қидириб топиш чоралари кўрилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, йўл-транспорт ҳодисалари ва транспорт воситалари билан боғлиқ бошқа жиноятларнинг олдини олишда тергов органлари ўзига хос ҳисса қўшадилар², яъни улар жиноят-процессуал қонуни асосида берилган ваколатлар доирасида муайян жиноят иши бўйича аниқланган сабаб ва шароитларни бартараф этиш борасида тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарларига тавсияномалар берадилар. Тергов органларининг аҳоли ўртасида маъруза ва суҳбатлар ўтказишда йўл-транспорт жиноятлари тўғрисида ҳам сўз юритиши муҳим профилактика чораси бўлиб ҳисобланади ва шу орқали аҳоли онгида жиноят қонунчилигида йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ жиноий-ҳуқуқий нормалардан иборат зарур тушунчалар шаклланади.

¹ Қаранг: *Исмаилов И., Зиёдуллаев М.* Ички ишлар органлари таянч пунктларида жамоатчилик билан ҳамкорликни ташкил этиш муаммолари // Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг назарий-амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. — Т., 2006. — Б. 208-216.

² Қаранг: *Кабулов Р.* Разграничение хищения транспортного средства от угона // Конституция — ҳуқуқий давлат куришнинг асоси. — Т., 1998. — С. 203-207.

МУҚАДДАМ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТАКРОРАН ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ

Ўтган йиллар давомида муқаддам судланган шахслар томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олиш борасида силмоқли ишлар олиб борилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссияларнинг ташкил этилганлиги¹, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги² 2001 йил 29 август ҳамда «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги³ 2007 йил 11 июль қонунларининг қабул қилинганлиги бевосита рецидив жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилса-да, бироқ, бу соҳада кўплаб ишлар амалга оширилаётганига қарамай, умумий жиноятчилик таркибида рецидив жиноятлар миқдори кескин камаймаяпти.

Маълумки, жиноятларнинг олдини олишда жазолаш билан боғлиқ ёндашув инсонийлик жиҳатидан ҳам, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан ҳам самарасиздир. Жазолар жамиятни ҳимоя қилмайди, балки янада кўпроқ нохушликларга дучор этади. Сир эмас, собиқ Иттифоқ даврида «жамият учун хавфли бўлмаган жиноятларни содир этган, илгари судланмаган ва ҳатто етказилган моддий зарарни тўла қоплаган шахслар қачон суд мажлиси бўлишини кутиб оилаб ҳибсада сақланганлар»⁴. Ҳолбуки, бу ҳол «маҳкумнинг жамиятга, нормал жамиятда яшашга мослашув қобилиятини бузиб, ўзи ва яқинлари учун масъулият ҳиссини йўқ қилади»⁵. «Шахсни жамиятдан ажратиш, айниқса бу узоқ вақт давом этса, фойдали ижтимоий алоқаларнинг сусайишига, баъзан эса йўқолишига, шахсларнинг ижтимоий вазифалари жиддий чекланишига, эркин фуқаролар ҳар куни дуч келадиган маиший масалаларни ҳал қилишда мустақиллик ҳуқуқидан маҳрум бўлишига олиб келади»⁶.

Бундай ҳолда эса улар жазодан озод бўлганларидан сўнг ҳар доим ҳам ўзларининг онгли турмуш шароитларини ташкил қилиб, бунга қўшилиб кета олмайдилар. Бу даврда жазодан озод бўлган шахслар билан ғоят мураккаб бўлган, бошқалар учун ўн йиллар давом этадиган жамиятда яшашга кўникиш, мослашиш муаммосини жуда қисқа вақт мобайнида ҳал қилишларига тўғри келади⁷.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан жиноятлар таснифи ва жазо тизими қайта кўриб чиқилди. Бунда жазо белгилашнинг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлди.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш кафедраси бошлигининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, юридик фанлар номзоди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари», «Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар» тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 1999 йил 19 апрель қарори // Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. — 1999. — № 4. — 20-м.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2001. — № 9-10. — 165-м.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2007. — № 7. — 333-м.

⁴ Қаранг: *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т., 2002. — Б. 35.

⁵ Қаранг: *Зарипов З.С., Мирзажонов Қ.* Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун муқобил чоралар // *Ҳуқуқ-Право-Law.* — Т., 2001. — № 4. — Б. 50.

⁶ *Антонян Ю.М., Верещагин В.А.* Тюремная субкультура осужденных и нейтрализация её негативных проявлений // *Государство и право.* — 1996. — № 9-10. — С. 14.

⁷ Қаранг: *Каракетов Й., Усмоналиев М.* Жиноятчиликка қарши курашнинг криминалогик чоралари. — Т., 1995. — Б. 79.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган шахсларни жамиятга мослаштириш ҳам ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бугун жазо ўташ жойларидан қайтиб келган шахсларни иш ва турар жой билан таъминлаш, ҳаётга қайта мослаштириш ишлари етарли ташкил қилинмаган. Шу боис ҳам жазо муддатини ўтаб қайтган шахсларнинг қайта жиноят содир этганликлари кузатилган.

Россиялик олим Ю.М.Антонян ўтказган тадқиқотларда ўта шафқатсизлик билан жиноят содир қилган маҳкумларнинг салкам ярми ҳеч жойда ишламаслиги ва ўқимаслиги, ярмида эса доимий яшаш жойининг йўқлиги аниқланган. Бундай жиноят содир қилганларнинг 50 %ни эса иш жойини тез-тез ўзгартириб турадиган малакасиз ишчилар, яъни умуман ҳаётга ёмон мослашадиганлар ташкил этган¹.

Бизнингча, муқаддам судланган шахсларни жамиятдан «бу жиноятчи», «бу қамалган инсон» деб ажратиш қўйиш эмас, балки унга керакли ёрдамни кўрсатиш, унинг қайта жиноят содир этишига олиб келадиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш орқали шахсни жамиятга мослаштириш лозим.

Ҳозир криминологлар озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган шахсларни жамиятга мослаштиришни пенитенциар ва постпенитенциар йўналишларда олиб бориш мақсадга мувофиқ деган фикрдалар.

Пенитенциар йўналиш жазони ижро этиш муассасаларининг озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларнинг турмуши ва меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган тадбирлар ўтказилишини тақозо этади. Бу фаолият дастлабки босқич бўлиб, бунда ушбу тоифадаги шахсларнинг қонунга итоаткор бўлиб, жамиятга кўникишлари учун асос яратилади².

Постпенитенциар йўналиш эса ушбу йўналишдаги ишларнинг энг истиқболли воситаларидан бири сифатида жазони ўтаган шахслар учун ижтимоий мослаштириш марказларини ташкил қилиш ва фаолиятини йўлга қўйишни тақозо этади. Бундай марказларнинг фаолияти, биринчидан, ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаларида эришилган профилактик самарани мустаҳкамлаши; иккинчидан, мазкур шахсларнинг жамиятга мослашиш жараёнини чуқурлаштириши керак³.

Назаримизда, ҳозир ҳар икки йўналишни ҳам такомиллаштириш келажакда рецидив жиноятларнинг олдини олишда самарали натижа беради. Лекин, биринчи навбатда, жазони ижро этиш муассасаларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни самарали ташкил этиш муҳим ўрин тутаети. Чунки мазкур муассасаларда олиб бориладиган тарбиявий-профилактик чора-тадбирлар жазо ўтаётган шахсларнинг ахлоқини тузатувчи воситалардан бири бўлиб, маҳкумларни қонунлар ҳамда жамиятда устун бўлган ҳуқ-атвор қоидаларига риоя этишга, шунингдек уларнинг маънавий билим савиясини ҳамда касб-ҳунар маҳоратини оширишга ёрдам беради.

Криминологияга оид адабиётларда рецидив жиноятчиликнинг ўзига хос сабаб ва шарт-шароитлари: муқаддам судланган шахсларнинг оиласида юзага келган салбий муносабатлар; уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар; жазони ижро этиш муассасаларидаги салбий муҳит; муқаддам судланган шахслар билан профилактик ишлар ҳамда улар устидан маъмурий назорат олиб борувчи субъектлар фаолиятидаги хато ва камчиликлар билан боғлиқ криминоген омилларга ажратилади⁴.

Фикримизча, муқаддам судланган шахсларнинг озодликка чиққанидан сўнг қайта жиноят содир этишларига қўйидаги омиллар сабаб бўлмоқда: *биринчидан*, оила аъзолари билан унинг ўртасида бўшлиқнинг мавжудлиги; *иккинчидан*, шахснинг жазони ижро этиш муассасаларида орттирган салбий хусусиятлардан воз кеча олмагани; *учинчидан*, жазони ўташ жойларидаги танишлари билан алоқанинг мавжудлиги; *тўртинчидан*, жамиятнинг, айниқса мулкчилик шаклидан қатъи назар, қорхона, ташкилот, муассаса раҳбарларининг озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб келган шахсларга нисбатан (айниқса ишга

¹ Қаранг: *Антонян Ю.М.* Преступления, совершаемые с особой жестокостью // Государство и право. — 1992. — № 9. — С. 65.

² Қаранг: *Безруказаров Г.О.* Моральные нормы поведения осужденных в местах лишения свободы и юридические обязанности как средство их обеспечения // Реализация положений нового законодательства в сфере исполнения уголовных наказаний. — М., 1995. — С.12.

³ Қаранг: *Жаббарберенов Р.* Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатишган шахсларни жамиятга мослаштириш — рецидив жиноятларнинг олдини олиш йўналиши // Ёш олимларнинг илмий мақолалари тўплами. — Т., 2004. — Б. 225.

⁴ *Исмоилов И., Сатторов Ч.* Рецидив жиноятчилик ва унинг олдини олиш муаммолари. — Т., 2000. — Б. 14-15.

қабул қилиш вақтидаги) салбий муносабати; *бешинчидан*, уларнинг маиший турмуш соҳасидаги муаммоларининг ўз вақтида ҳал этилмаслиги; *олтинчидан*, ваколатли орган ва ташкилотлар томонидан уларга керакли ижтимоий-ҳуқуқий, моддий-маънавий ёрдамларнинг ўз вақтида ва етарли даражада берилмаётгани; *еттинчидан*, ўзгаларнинг уларга нисбатан бефарқлиги ёки совуқ муносабатда бўлиши; *саккизинчидан*, уларнинг ҳуқуқий билими ва маданий савиясининг пастлиги ва ҳ.к.¹.

Маълумки, озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб қайтган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 28 сентябрь фармойишига асосан вилоятлардаги ҳокимиятлар ҳузурида ижтимоий мослашув марказлари, жойларда эса унинг шубҳалари ташкил этилган эди. Айни вақтда ижтимоий мослашув марказлари жазони ижро этиш жойларидан бўшаб келган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни белгиланган миқдорда нафақа пули, кийим-бош, озиқ-овқат билан таъминлаши, зарур ҳолларда, уларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштиришлари шарт.

Ҳолбуки, «инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди»². Шунинг учун жазони ўташ жойларидан бўшаб келган шахслар билан ўтказиладиган профилактик суҳбатнинг биринчи кундаёқ уларнинг судлангунга қадар қариндошлари ва яқин алоқалари, маиший ва оилавий шароити, турар жойининг бор-йўқлиги, оила аъзоларининг унга бўлган муносабати, моддий таъминоти, шунингдек жазони ўташ жойидаги хулқ-атвори ва тузалиш даражаси ҳар томонлама ўрганилиши зарур. Бу маълумотлар у билан ўтказиладиган дастлабки профилактик суҳбат давомида ёки у жазо ўтаган жойидаги жазони ижро этувчи муассасалар томонидан юборилган ҳужжатлар орқали олиниши лозим.

Муқаддам судланган шахсларнинг бўш вақтларида ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этилмаслиги ва бу масалага ички ишлар идоралари ҳамда жамоатчиликнинг етарли эътибор бермаслиги улар устидан олиб борилаётган назоратнинг кучсизланишига ёки умуман назоратсизликка олиб келади. Хулқ-атвори на оила аъзолари, на яшаш жойидагилар, на ички ишлар идораларининг ходимлари томонидан назорат қилинмайдиган, ижтимоий-фойдали фаолиятдан йироқ шахслар бундай ҳолатда жамиятга зид турмуш кечирувчи, жиноят содир этишга мойил шахслар таъсирига тушиб қоладилар ёки уларнинг ўзлари бошқаларни, айниқса вояга етмаганларни жинойий фаолиятга жалб этадилар.

Рецидив жиноят содир этган маҳкумлар орасида анкета сўровлари ўтказилганида уларнинг учдан бир қисми, яъни 33,2 фоизи бўш вақтини ҳеч ким назорат қилмаганини айтган³.

Муқаддам судланган шахслар билан профилактик ишлар олиб боришда профилактика хизмати мутасадди ходимлари қўйидаги вазифаларни амалга оширишлари лозим:

— муқаддам судланган шахслар жазони ижро этиш жойларидан озод қилинганларидан кейин уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мунтазам ҳамкорлик қилишини таъминлаш;

— ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳаётига салбий таъсир этувчи криминоген вазиятларни ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш, таъсирини кучсизлантириш ва тўсиқлар қўйиш бўйича чора-тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириш;

— муқаддам судланган шахсларни иш ва турар жой билан таъминлаш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кучайтириш;

— яқка тартибдаги профилактик ишларни амалга оширишни самарали ташкил этиш;

— ушбу тоифадаги шахсларнинг бўш вақтларини қандай ўтказаётганликларини оила аъзолари, қариндош-уруғлари, жамоатчилик вакиллари ёрдамида мунтазам назорат қилиб туриш ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар идораларининг профилактика хизматлари жамоатчиликнинг кенг имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда ушбу вазифаларни ўз вақтида амалга ошириши, келажакда муқаддам судланган шахслар томонидан такроран жиноятлар содир этилишининг олдини олишга ёрдам беради.

¹ Батафсил маълумот учун қаранг: *Мухторов Ж.С.* Муаммони ҳал этиш жиноятларнинг олдини олишдаги янги усул сифатида // Ҳозирги замон ҳуқуқшунослик илмини эгаллаш йўлида. — Т., 2004. — Б. 204-208.

² *Форобий Абу Наср.* Фозил одамлар шахри. — Т., 1993. — Б. 186.

³ Қаранг: *Пўлатов Ю.С., Сатторов Ч.А.* Рецидив жиноятчиликка қарши курашда яқка тартибдаги профилактик чораларнинг роли // Ҳуқуқ-Право-Law. — Т., 2001. — № 1. — Б. 42.

ИЖТИМОЙ ЖИХАТДАН ХАВФЛИ АҲВОЛДА БЎЛГАН ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЯРАШТИРИШ КОМИССИЯЛАРИНИНГ РОЛИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Маҳалла — инсонлар ўртасида бирлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтирувчи даргоҳдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида маҳалла нуфузига юксак баҳо бериб шундай ёзади: «Азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силлаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган»¹.

Истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунига таяниб, маҳаллани бошқариш, унинг мақомини ҳар томонлама кўтариш, барқарорлигини мустақкамлаш борасида муҳим ишлар амалга оширилади. Шарқ халқлари бирлигининг ноёб шакли ҳисобланадиган маҳаллани бошқаришнинг ўзига хос фуқаролар йиғини Кенгаши шакллантирилди.

Буларнинг барчаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимига бўлган ишонч намунаси бўлиб, маҳалла унинг бир бўлагидир.

Қонунда белгиланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан, маҳалла демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам принциплари асосида фаолият кўрсатади. Унда маҳалла фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар фаолият кўрсатади. Ушбу комиссияларнинг асосий мақсадлари вояга етмаган ёшлар ўртасида дастлабки тарбиявий ва профилактика ишларини амалга ошириш, оилаларни мустақкамлаш; маҳаллани маънавият, намуна мактабига айлантиришдан, унинг номини элу юртга таништириш, анъаналарнинг абадийлигини таъминлашдан иборат.

Айни пайтда мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш, фуқароларнинг оила ва маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, оилавий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб-ташвиқ қилишдек ҳайрли юмушларни фуқаролар йиғинлари қошидаги яраштириш комиссиялари бажариб келмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрель қарори билан тасдиқланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида»ги низом асосида фаолият олиб бораётган ушбу комиссиялар таркибига хотин-қизлар кўмитаси раиси, ҳудуд профилактика инспектори, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторлари, ҳудуддаги мактабларнинг директорлари ёки уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, шунингдек маҳаллада истиқомат қилувчи намунали оилаларнинг бошлиқлари, имом-хатиблар, фахрийлар ва нурунийлар киради.

Яраштириш комиссиялари ҳудуддаги оилаларнинг барпо этилиши, тўйлар, шунингдек, тўйлар олдида ва тўйдан кейинги тадбир-ҳашамларнинг ўтказилиши, оилалардаги ижтимоий-руҳий вазиятнинг мўътадил бўлиши учун масъул бўлган асосий жамоат тузилмасидир.

Оила давлатнинг таянчи бўлиб, республикамизнинг буюк келажагини яратишда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, халқимизнинг маънавиятини юксалтириш республикамиз ички сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги, халқимизнинг анъаналарига таянган ҳолда никоҳдан ажралишлар ва оилаларнинг барбод бўлишига имкони

* Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг илмий ходими.

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 26.

борича йўл қўймаслик, бу борада илғор тажрибалар ҳамда прогрессив илмий ёндашувлардан кенг фойдаланиш Яраштириш комиссиялари фаолиятининг асосий тамойилларидир.

Яраштириш комиссиялари қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида қуйидаги вазифаларни амалга оширадilar:

Биринчидан, ички ишлар идораларининг профилактика ҳисобида турган, айниқса илгари судланган, оилада ва турмушда мунтазам ҳуқуқбузарликларга йўл қўювчи шахслар билан профилактик ишларни олиб боришда иштирок этади. Зарур ҳолларда уларнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзини ўз мажлисларида муҳокама қилади.

Иккинчидан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг оилаларига ўз вақтида қайтишини назорат қилади, уларга турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан тез фурсатда ҳукм этилмасдан олдинги муносабатларини тиклашда, ҳалол меҳнат билан кун кечиришга тезроқ киришишда руҳий жиҳатдан мадад беради. Улар ўртасида ўзаро ишончнинг йўқолмаслиги, агар йўқолган бўлса, уни тиклаш учун халқимизнинг синалган кадриятлари ва зарур ҳолларда, диний йўналишидаги панд-насихатлардан фойдаланади.

Учинчидан, турмуш ўртоғи, фарзандлари ёки кекса ота-онаси билан мунтазам равишда нотинч яшаётган ҳамда оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаш мақсадида ҳар бир оиланинг турмуш тарзи ва муҳитини чуқур ўрганиб боради.

Тўртинчидан, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилади. Уларнинг ижтимоий ҳаётда, оилада маънавий-ахлоқий, шунингдек, руҳий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишга қаратилган кенг қамровли ишларни амалга оширади.

Бешинчидан, Оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳар бир аниқланган жанжаллар бўйича қонуний чоралар кўрилишини таъминлайди.

Олтинчидан, оилавий жанжалларнинг сабабларини аниқлайди ва уларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

Бугунги кунда республикамизда 10 мингдан зиёд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, уларда фаолият юритаётган яраштириш комиссиялари сони 8912 тани ташкил этади. Лекин барча йиғинлардаги комиссиялар фаолияти намунали тарзда йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Комиссия аъзолари ўз вазифаларини фақат низоларни бартараф этиш, эр-хотин, ота-болани яраштириб қўйишдан иборат, деб билмаслиги лозим.

Оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муҳим ўрин эгаллаши маълум. Оиладаги маънавий муҳит, унинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари маҳаллада тинчлик-осойишталикни, ҳамжиҳатликни таъминлашда хал қилувчи омиллардан биридир. Шу боис, ҳукумат, жамият, маҳалларнинг диққат марказида турувчи соғлом ва мустаҳкам оила масалалари биринчи даражали аҳамият касб этиши лозим.

Сир эмас, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва нотинч оилалар, тарбияси оғир ўсмирлар ҳақидаги маълумотларни айнан маҳаллалардан олиш мумкин. Оилаларни мониторинг қилиш борасида маҳаллаларнинг фаолиятини юқори баҳолаш мумкин. Ўтказилган тадқиқотларга кўра, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оилаларни аниқлаш бўйича мониторинг 85% маҳаллаларда олиб борилади. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ходимлари томонидан Тошкент, Самарқанд, Андижон шаҳарларидаги маҳаллаларда оила ва вояга етмаганлар билан тарбиявий ва профилактика ишларини ўрганиш мақсадида фуқаролар йиғини ходимлари билан ўтказилган сўровномада иштирок этган 196нафар респондентларнинг 41% маҳаллаларда ушбу соҳадаги мониторингнинг асосан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар; 28% маҳалла фуқаролари йиғини; 17% маҳалла оқсоқоллари; 13% маҳалла посбонлари; 6% ёшлар билан ишлаш комиссиялари; 3% яраштириш комиссиялари; 3% уй бошлиқлари, кўча бошлиқлари томонидан; 2% хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари томонидан ҳамда 1% кам таъминланган оилалар билан ишлаш комиссиялари томонидан олиб борилишини таъкидлашган¹.

Мониторинг фақатгина ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оилаларни эмас, балки ночор, низоли вазиятлар, ҳуқуқбузарликлар сони қайд қилинган оилаларни аниқ

¹ Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ходимлари томонидан «Жазони ўташ муассасасидан ёки махсус ўқув тарбиявий муассасадан қайтган вояга етмаганларнинг жамиятга ресоциализацияси ва реабилитацияси муаммоларини ўрганиш» лойиҳаси доирасида ўтказилган фокус-гурӯх стенограммасидан.

белгилаб беради. Бундай аниқ йўналиш тарбиявий-профилактик тадбирлар қўламини тўғри ишлаб чиқиш ҳамда мазкур тадбирларга тегишли ташкилот ва муассасаларни ўз вақтида жалб этиш имконини беради.

Шунингдек, ўтказилган сўров жараёнида респондентларнинг 80% маҳаллалар томонидан ўтказилган мониторингда кўпроқ кам таъминланган оилалар қамраб олганини таъкидлашса, уларнинг 66% низоли оилалар, 56% ичкиликка ружу қўйган, 32% нотўлиқ, 17% ногиронликка эга бўлган. 7% криминал ўтмишга эга бўлган оилалар ушбу соҳада мониторинг объекти бўлганини айтишган.

Бундан ташқари, ўтказилган сўров натижаларининг кўрсатишича, маҳаллаларда оилалар билан тарбиявий ва профилактика ишларининг 58% ёшлар билан ишлаш комиссиялари, 41% яраштириш комиссиялари ҳамда 27% диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар томонидан олиб борилади.

Хатар гуруҳидаги оилалар билан ишлаш шаклларида бири — оилага ташриф буюриш ва улар билан суҳбат ўтказишни ифодаловчи ижтимоий патронаж бўлиб, маҳалла ходимлари билан ўтказилган сўровномада уларнинг 80% ушбу иш амалиётининг самарали эканлигини таъкидлашган.

Ижтимоий патронажнинг мақсади муаммоли вазиятларни ўз вақтида аниқлаш ва оилавий муваффақиятсизликнинг олдини олишда ёрдам кўрсатиш учун оилалар билан алоқа ўрнатишга, алоқани тутиб туришга имкон берувчи диагностик, назорат, реабилитацион вазифалардан иборат.

Оила муваффақиятсизлигининг эрта олдини олиш, хали авж олмаган кўнгилсизликни бошланғич вақтида аниқлаш, ота-оналарга ўзининг ҳаётига, ўз фарзандининг шахсини қандай шакллантираётганига, унинг тарбияси, таълим олиши ва психологик бекаму кўст тўлиқ ривожланишига қандай шароит яратаётганига эътибор қаратишига имкон беради.

Шу билан бирга патронаж оилани табиий шароитда назорат қилиш, бу эса оила ҳақида кўпроқ маълумот олишга ҳамда ушбу оилаларга фақат турли ижтимоий имтиёзлар эмас, балки саводли ва тактик равишда ёрдам кўрсатиш, уларнинг фарзандлари билан тарбиявий-профилактик тадбирлар олиб бориш имконини беради.

Шундай қилиб, бу борада ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики:

— респондентларнинг 24% оилага моддий ёрдам, ота-оналарни ишга жойлаштиришда психологик-педагогик ёрдам каби кўринишда реабилитацион чораларни олиб боради;

— уларнинг 19% оилаларни ҳисобга ва назоратга олишларини кўрсатишган, яъни назорат функциясини бажаришади;

— респондентларнинг 8% эса оиланинг ижтимоий шароитлари ва маънавий муҳити билан танишишларини таъкидлашган, яъни оилани диагностика қилишади ва баҳолашади.

Мунтазам ва ўз вақтидаги патронаж ноқобил ва айниқса гайриижтимоий оилаларга нисбатан зарурдир. Доимий назорат уларни маълум даражада тартибли бўлишга ҳамда оилаларда вужудга келаётган танглик (кризис) ҳолатларини ўз вақтида аниқлашга, олдини олишга ва тангликка қарши курашишга имкон беради.

Ўтказилган тадқиқотларга кўра маҳаллаларда оилалар билан муайян ишлар олиб борилмоқда, лекин ушбу ишлар асосан оиладаги танглик ҳолатларини коррекциялаш ва ўзгартиришга эмас, аксинча ёрдам кўрсатишга қаратилган. Оилаларга ёрдам кўрсатиш кўп ҳолларда, барча мутахассислар (психологлар, тиббий ва ижтимоий ходим, таълим муассасаси педагоглари, профилактика инспекторлари ва б.) билан ҳамкорликда комплекс равишда олиб борилмайди, фақатгина маҳалла ходимлари томонидан олиб борилади, бу эса уларнинг фикрича, самарасиз ва қутилган натижани бермайди.

Ҳуқуқий демократик давлатни қуриш ва жамият тараққиётининг ривожини ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбия даражасига боғлиқдир. Бу каби кўрсаткичларни амалга ошириш учун эса, авваламбор, жамият аъзоларининг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий савиясини ўстириш, ҳуқуқий онгини ривожлантириш лозим. Афсуски, жамиятимизда вояга етмаганларга нисбатан эътибор қанчалик кучайтирилмасин, улар томонидан жиноятлар содир этилмоқда. Агар биз вояга етмаган жиноятчиларни катта ёшдаги жиноятчилар каби жазоласак, уларни жамиятдан ажратишга ҳаракат қилсак, ҳаракатларини кескин муҳокама қилсак, улар ўзларини тамғаланган шахс сифатида ҳис қилиб, жиний гуруҳларга қўшилиб кетиши, янги жиноятлар содир этиши мумкин. Шу боис уларга нисбатан жазони ўтаб бўлганларидан сўнг қайта жиноятга қўл урмасликлари учун барча имкониятларни ишга солиш керак.

Маҳалла фаолиятини ўрганиш жараёнида «Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтаётган вояга етмаганларнинг оиласини тайёрлаш бўйича қандай ишларни амалга оширасиз?» деган саволга иштирокчиларнинг аксарияти маҳаллага суддан маълум бир шахснинг жазони ўташ жойидан чиққанлиги ҳақида билдиришнома юборишини айтишган бўлса, «Фарзанди пенитенциар ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган оилалар билан қандай профилактик ишлар амалга оширилади?» талқинидаги саволга яраштириш комиссияларининг фаолияти доирасида ушбу болаларнинг тақдирини кўриб чиқиб, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган фарзандлари мавжуд ота-она ҳуқуқидан маҳрум этилганлар ҳақида маълумотлар йиғишни бошлаш ҳамда кўрик-танлов эълон қилишларини, шунингдек маҳаллаларда маҳалла паспорти: аҳоли сони, нечта оилаларнинг аъзолари пенитенциар ва ихтисослаштирилган муассасаларга жўнатилганлиги, вояга етмаганлар сони ҳақида маълумотларни тўплаш йўлга қўйилаётганини маълум қилишган¹.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фарзанди пенитенциар ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган оилалар билан, албатта, профилактик ишларни амалга оширишлари ҳамда оилаларни пенитенциар ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтаётган фарзандини қабул қилишга комплекс равишда (ижтимоий, психологик, педагогик, ҳуқуқий ва маънавий) тайёрлашлари зарур.

Тошкент шахрининг фуқаролар йиғини ҳузуридаги яраштириш комиссиялари раислари билан яраштирув механизмини ўрганиш мақсадида ўтказилган фокус-гурӯҳ жараёнида «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг оилаларига ўз вақтида қайтишини қандай назорат қиласиз?» ва «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг оилалари билан улар ўртасидаги муносабатларни тиклаш бўйича қандай ишлар олиб борасиз?» деган саволимизга комиссия раислари «Биз жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг оилаларига ўз вақтида қайтишини назорат қилмаймиз. Ушбу вазифани профилактика инспекторлари амалга оширишади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг оилалари билан улар ўртасидаги муносабатларни тиклаш бўйича ишларни комиссия аъзолари олиб бора олмайди. Бунинг учун малакали мутахассислар, масалан, психолог керак», деган жавобларни билдиришди.

Шундай қилиб, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари низомида белгиланган вазифаларни, хусусан, ички ишлар идораларининг профилактика ҳисобида турган, айниқса илгари судланган, оилада ва турмушда мунтазам равишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўювчи шахслар билан профилактик иш олиб бориш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг оилаларига ўз вақтида қайтишини назорат қилиш, уларга турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан олдинги муносабатларини тиклаш бўйича ишлар самарасини янада такомиллаштириш мақсадида Яраштириш комиссияси фаолияти таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида»ги низомининг I бўлим 5-бандига ўзгартириш киритиш, яъни комиссия таркибига мутахассис-психолог ва ижтимоий ходимни киритиш лозим. Чунки яраштириш комиссияларининг вазифаларида оилаларга руҳий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ҳар бир оиланинг турмуш тарзи ва муҳитини чуқур ўрганиб бориш қайд этилган. Бундай ишлар малакали мутахассислар томонидан олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди;

— комиссия аъзоларини оила психологияси ҳамда «ижтимоий иш» йўналиши бўйича қайта тайёрлов курсларида ўқитиш;

— маҳалла ходимлари учун ҳаётда қийин вазиятга тушиб қолган оила ва болаларга ижтимоий-педагогик-психологик ёрдам кўрсатиш бўйича ўқув семинарларини ташкил этиш.

¹ Ўша манба.

Ш.О. Мамадалиев*

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Ички ишлар идоралари ижро ҳоқимияти таркибига кирувчи фуқароларнинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари, мулки ҳамда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жиноятчиликка қарши курашувчи тегишли ваколатлар доирасида куч ишлатиш салоҳиятига эга бўлган тизимдир.

Ички ишлар идораларига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган Ички ишлар вазири раҳбарлик қилади. Ички ишлар идораларига Ички ишлар вазирлиги аппарати Қорақалпоғистон ИИБ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Тошкент шаҳар ИИББ, туман, шаҳар ички ишлар бўлимлари киради. Ички ишлар идоралари таркиби ва сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ваколатлари «Ички ишлар идораларида хизматни ўташ тўғрисидаги вақтинча низом», Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топган. Ҳозир Ички ишлар идоралари тўғрисидаги қонунни қабул қилиш объектив заруриятга айланган.

Ички ишлар идораларига қўйилаётган ғоявий талаблардан келиб чиқадиган вазифалар қўйидагилардан иборат:

- аҳоли хавфсизлигини таъминлаш;
- жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;
- жиноятларни аниқлаш ва очиш;
- жамоат тартибини қўриқлаш ва жамоатчилик хавфсизлигини таъминлаш;
- давлат мулкани, шахсий, хусусий ва бошқа шакллардаги мулкни ҳимоя қилиш;
- жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда кўмаклашиш.

Ички ишлар идораларининг фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, қонунийлик, инсонпарварлик ва ошкоралик принциплари асосида амалга оширилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш принципи. Ички ишлар идоралари фаолиятида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига устуворлик берилади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонун билангина чекланиши мумкин. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилган.

Ички ишлар идоралари ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини уларнинг жинси, диний эътиқоди, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, жамиятдаги мавқеи, туғилган жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар ҳимоя қилади. Агар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун доирасида чеклаш керак бўлса, ушбу ҳолатдан фуқароларни хабардор қилиб, уларга юридик ёрдам олишга ҳақли эканлигини тушунтиради. Тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга масъулдир.

Ички ишлар ходими учун инсон олий қадриятдир. Шу боис ички ишлар идоралари ходими ўз фаолиятида таниш-билишчилик, кариндош-уруғчилик, тамагирликка, пора-хўрликка йўл қўймаслиги лозим. Миллийлик, динийлик қонун билан тўқнаш келганда — қонунга, қонун ахлоққа зид бўлганда — ахлоққа, маънавиятга устуворлик берилиши шарт.

Қонунийлик принципи. Ички ишлар идоралари ходимлари ўз фаолиятида қонунга асосланади. Улар қонунда назарда тутилган ваколатлар доирасидагина фаолият юритишлари мумкин. Қонунда белгиланмаган ҳаракатлар тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

Ички ишлар идоралари ходими нафақат қонун ижрочиси, балки қонун ижодкори ҳам бўлиши зарур. Чунки, қонунларни (позитив ҳуқуқ) инсонлар яратади, шу сабабли улар

* Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти кафедраси бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор.

жамиятдаги ўзгаришларга қараб, қонунларни ўзгартириш ёки такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериб боришлари шарт. Ички ишлар идоралари давлат тизимида фуқароларга энг яқин бўлган давлат тузилмасидир. Фуқароларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид муаммо ва эҳтиёжларни билишда ички ишлар идоралари ходимларига тенг келадигани йўқ. Шу боис, ички ишлар идоралари ходимлари эскирган, такомилга етмаган қонунларни янгилаш, ҳуқуқий бўшлиқ аниқланганда, уни янги қонунлар орқали тўлдириш ташаббуслари билан чиқишлари лозим. Қонунлар ижроси билан чекланиб қолиш, ички ишлар идоралари ходимларида истеъмолчилик психологиясини вужудга келтиради.

Инсонпарварлик принципи. Ички ишлар идоралари ходими ўз фаолиятида нафақат инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, балки инсоннинг шаъни-ғурурини ҳам ҳурмат қилишлари зарур.

Инсоннинг ғурурини топтайдиган, уни камситадиган усуллардан ҳеч бирини ҳар қандай шароитда ҳам қўлламаслиги шарт. Инсонга жисмоний азоб бериш, ҳақоратлаш, маънавий азоб етказиш унинг қадр-қимматини топтади. Аҳолининг ички ишлар идоралари ходимларидан норозилиги ишончсизликни вужудга келтиради. Бу эса жамият ва давлатга маънавий таҳдид туғдиради. Шу боис демократик давлатларда бундай усуллардан фойдаланиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Инсонни турли ҳуқуқбузарликлардан қайтариш, асраш, уни муҳофаза қилиш ички ишлар идоралари ходимларининг бурчидир.

Ошкоралик принципи. Ошкоралик принципи фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларига доир барча маълумотларни олиш ҳуқуқини англатади. Ички ишлар идоралари ходими фуқарони унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор барча ҳужжатлар билан таништириб бориши шарт. Фуқаронинг шахсий ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотларни унинг розилигисиз сақлаш, йиғиш, фойдаланиш ва тарқатиш мумкин эмас (қонунда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

Ички ишлар идоралари ходимлари ўз вазифаларини бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоалари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйишлари зарур.

«Ички ишлар идоралари ходими» — деган номда халқимизнинг юксак ишончи ўз ифодасини топган. Бу, ўз навбатида, ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис, ички ишлар идоралари ходими бўлиш зиммага ваколат эмас, масъулият юклайди. Ички ишлар идоралари ходимлари биринчи навбатда халқ, давлат олдида масъулдирлар. Улар ўз фаолиятида халқ манфаатларига устуворлик беришлари шарт. Халқ манфаатлари мавҳум тушунча эмас, балки объектив ҳодисадир.

Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар фани айнан ана шу объектив ходисани, яъни халқ манфаатларини илмий тадқиқ этади.

Миллий ғоя фанининг илмий хулосалари асосида ички ишлар идоралари ходимлари тафаккур юритишлари ҳамда Конституция ва қонунлар асосида ҳаракат қилишлари зарур. Миллий ғоя асосида тафаккур юритиш деганда Ўзбекистон халқи манфаатларини идрок этиш, халқнинг ғами ва ташвиши билан яшаш тушунилади.

Ўзбекистон Президентининг «Раҳбар элим, юртим деб, ёниб, қуйиб яшаши керак» - деган пурмаъно сўзлари ички ишлар идоралари ходимларига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Дарҳақиқат, «Ички ишлар идоралари ходимлари қасамёди», «Касб маъданияти» миллий ғояга содиқликнинг амалий ифодасидир. Ички ишлар идоралари ходими миллий мафкурамизнинг бош ғояси бўлган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт» яратиш учун «кузатувчи», «иштирокчи» мақомида эмас, аксинча курашувчи сифатида фаолият кўрсатиши шарт.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўз фаолиятида демократия, эркинлик, инсон ҳуқуқлари, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга хизмат қилиши керак. Улар бош ғоямизга таҳдид туғдирувчи демократия, инсон ҳуқуқлари, дин атрофидаги ғоявий «ўйинлар»га нисбатан муросасиз кураш олиб боришлари зарур. Бу ўринда қадимги грек файласуфи Платоннинг «Демократияни тарбиясизлик ва ҳаракатсизлик емиради», француз файласуфи Жан Жак Руссонинг «Тарбия бўлмаган жойдаги демократиядан золимлар пайдо бўлади» деган ташвишли фикрларини асло унутмаслик керак.

Дарҳақиқат, демократия моҳият нуқтаи назаридан тартибсизлик, хаос, тарбиясизлик билан мутлақо келишмайди. Шу маънода демократия — бу юксак маънавият ва тафаккур маҳсулидир.

Халқимизнинг миллий ғояси яратувчан демократик тафаккур билан ҳамоҳангдир.

Ички ишлар идоралари тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларида миллий ғоянинг ўрни беқийсдир. Бугунги кунда миллий ғоянинг асосий талаблари ички ишлар идоралари тизимида босқичма-босқич жорий этилмоқда. Жумладан, ички ишлар идоралари тизимида амал қилаётган «ярашув» (2001 йил), «амнистия» институтлари миллий ғоямиздан келиб чиққан янгиликлардир.

Ўзбекистон халқининг менталитетида қадимдан мурося ва кечиримлик хусусиятлари мавжуд бўлган. Амнистия ва ярашув институтлари — инсонга тугри йўлни танлаш, адашганларга ўз хатоларини тушуниш асносида янги ҳаёт бошлаш имкониятларини яратади. Ушбу институтларнинг ҳаётга жорий этилиши Ўзбекистонда «Инсон — энг олий қадрият» ғоясининг амалий ифодасидир.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратурадан судларга ўтказилиши ҳам (2008 йил) миллий ва диний қадриятларимиздан келиб чиққандир. Миллий ғоянинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятига кириб келиши натижасида «жиноий жазоларни либераллаштириш» — деган тушунча пайдо бўлди. Ушбу тушунча илк бор Ислом Каримов томонидан ижтимоий-сиёсий лугатга киритилган бўлиб, «Жиноий жазоларнинг либераллатирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессул кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги (2001 йил 29 август) қонунда ҳуқуқий атама сифатида қўлланилди. «Жиноий жазоларни либераллаштириш» — жазо тизимини инсонийлаштиришни англатади. Адолатли жазо — жиноий жазоларни либераллаштиришнинг бош принциpidир.

Миллий ғоя ички ишлар идоралари ходими фаолиятини ёритувчи маёқдир. Ички ишлар идоралари ходими — миллий гурур, миллий ифтиҳор, Ватанга садоқат руҳида тарбияланган ва шу руҳда бошқаларни ҳам тарбиялайдиган бўлиши лозим. Чунки у энг аввало, жазоловчи эмас, балки тарбиячидир. Ички ишлар ходимларининг республика тарбия тизимидаги тарбиячилардан фарқи шуки, улар тарбия жараёнида қонуний куч ишлатиш, мажбурлов чораларидан фойдаланиш ваколатларига эга бўладилар. Ушбу ваколатларни фақат ички ишлар идоралари ходимларига берилганлиги, уларнинг тарбия жараёнидаги масъулиятининг юқори эканлигини англатади. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, тарбиячи тарбиялашдан олдин ўзи тарбияланган бўлиши лозим. У «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», деганда шунини назарда туттади.

Ички ишлар идоралари қонун ва адолат посбонлари, яъни маънавият кўриқчиларидир. Шу боис ички ишлар идоралари тизими партиядан, сиёсий мафкуралардан холидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», дейилган.

Ички ишлар идоралари тизимида сиёсий партияларнинг бошланғич партия ташкилотларини тузиш ёки ички ишлар идоралари ходимларининг бирон-бир партиёга аъзо бўлиши қонун билан тақиқлаб қўйилган. Чунки, ички ишлар идоралари ходимларининг давлат ҳокимияти тизимида туриб, ҳокимият учун кураши мантиққа, қолаверса, демократияга зиддир.

Аммо, ички ишлар идоралари тизимининг департизация қилинганлиги, ички ишлар идоралари ходимларининг сиёсий ҳуқуқлари чекланганлигини англатмайди. Чунки, ички ишлар идоралари ходимлари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Фақат ички ишлар идоралари ходими бирон-бир вакиллик органига сайланса, ички ишлар идоралари тизимидан ваколат муддатига лавозимдан кетишлари лозим бўлади. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходими бирон-бир партиёга аъзо бўлиш ва сиёсий жараёнларда иштирок этишни истаса, у ўз хоҳишини амалга ошириш имкониятига эга. Бунинг учун ички ишлар идоралари тизимидан кетиш тўғрисида ариза (билдирги) бериши етарлидир.

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар идоралари тизими департизация қилинган бўлсада, у деполитизация (сиёсий)лаштирилмаган. Сабаби, давлат ўз моҳиятига кўра сиёсий институтдир. ички ишлар идоралари тизими эса давлатнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Шу боис ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини яхши англаши ва унинг ижросини таъминлашда камарбаста бўлиши даркор.

Бу эса ички ишлар идоралари ходимларидан сиёсий маданиятли бўлишни талаб этади. Сиёсий маданиятли ходим доимий равишда мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиши керак.

Газета, журнал, китоб ўқиш Президент Ислом Каримов асарларининг билимдони бўлиш ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими учун фарздир.

Ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган «маърифат», «ижтимоий-сиёсий ўқиш» машғулотларидан кўзланган мақсад ҳам ички ишлар идоралари ходимларининг сиёсий онги ва маънавиятини юксалтиришдир.

Сиёсий маданиятли ички ишлар идоралари ходим ўз фаолиятида «ваколат»дан бойлик орттириш, ўзгаларни тобе қилиш, хўжайинлик қилиш йўлида фойдаланмайди. Аксинча, у ҳокимият ва ваколатдан инсонларга ёрдам бериш, яратувчанлик йўлида фойдаланади.

Сиёсий маданиятли ички ишлар идоралари ходими манманликка берилмайди, лаганбардорлик, тилёғламаликка учмайди. Одамларни «меники», «меники эмас», «дўст» ва «душман»га ажратмайди. Яхши фазилатларни асраб, ёмон хислатларга қарши курашади.

Сиёсий маданиятли ички ишлар идоралари ходими қонунни ахлоқ ва маънавият измида бўлишни таъминлайди. Ҳеч бир фикр, сўз ва ишда адолатсизликка йўл қўймайди.

Ислом Каримов айтганидек, «ўзбек халқи ҳар нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидамайди». Шу боис, ички ишлар идоралари ходимлари адолат посбонларидир. Хўрлаш, адолатсизлик халқ ғазабини кўзғайди. Халқ ғазоби — энг олий жазодир. Шу боис, ички ишлар идоралари ходими доимо халқ ишончини қозонишга интилиб яшаши даркор. Халқ ишончига сазовор бўлиш эса унинг ходими фаолиятига берилган энг юксак баҳодир.

Ички ишлар идоралари ходимлари давлат ҳокимияти тизимининг ижро ҳокимияти таркибида фаолият юритадилар. Шу сабабли, қонун, қонуности ҳужжатларининг ижроси уларнинг гоёвий фаолиятига бевосита боғлиқдир. Қонунларнинг ижросини сифатли таъминлаш учун ички ишлар идоралари ходимлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари шарт:

- а) гоёвий ва руҳий етуклик;
- б) юксак ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи соҳиблари бўлиш;
- в) учинчи шахснинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш.

Гоёвий ва руҳий етуклик. Ҳар бир инсон гоёсиз яшай олмайди. Инсон қандай гоёга амал қилса, амалий фаолиятини шунга қараб юритади. Яхши гоёларга амал қилган инсон яхшиликка интилиб яшаса, ёмон гоёга эътиқодли инсон ёмонликни машқ қилади. Шундан ҳам кўринадики, инсон онгига қандай гоё сингдирилса, у шунга қараб фаолият кўрсатади. Бу эса гоёвий тарбияни инсон ҳаёти учун нақадар муҳимлигини аңлатади. Гоёсиз инсон ўзгаларнинг таъсири остида бўлади, бундайларга тобелик психологияси хосдир. Сотқинлик, хоинлик ҳам айнан шу тоифадаги инсонларга хосдир.

Маълум бир гоёга эътиқод қилувчи шахсларнинг аксариятига мустақил тафаккур ва руҳий тетиклик хосдир.

Шундай экан, ички ишлар идоралари ходимлари миллий гоё руҳида тарбияланган ва унга содиқ бўлишлари шарт. Миллий гоёмиз ички ишлар идоралари ҳар бир ходимидан маънавий жасорат кўрсатишларини талаб этади. Ислом Каримов таъкидлаганидек, «энг буюк жасорат — бу маънавий жасоратдир». Гоёсиз инсонни ўрмонга кириб йўлини йўқотган шахсга қийслаш мумкин.

Юксак ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи. Ахлоқ инсон фаолиятида регуляторлик функциясини бажаради. Инсон руҳий оламининг тартибга келтирувчи муносабатлар тизими ахлоқ деб аталади. Қонун эса ахлоқдан фарқли ўлароқ ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Демак, ички ишлар идоралари ходимлари ўз фаолиятида ахлоқий нормалар ва қонун талабларидан фойдаланишлари даркор. Қонун ва ахлоқ талаблари асосида фаолият юритиш эса соғлом турмуш тарзини вужудга келтиради.

Учинчи шахс ҳуқуқларини ҳурмат қилиш. Ички ишлар идоралари ходимлари ўз фаолиятида ахлоқ, қонундан ташқари учинчи шахс ҳуқуқига ҳам сўзсиз риоя қилишлари шарт. Учинчи шахс ҳуқуқи дейилганда турли миллат ва элатлар маданияти ва турмуш тарзига ҳурмат билан муносабатда бўлиш тушунилади.

Ва ниҳоят, юксак ахлоқли ички ишлар идоралари ходимлари ахлоқбузарлик, қонунбузарликнинг ҳар қандай кўринишларига, одам савдоси, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик, порахўрлик, ваколатини суиистеъмол қилиш ва бошқа шу каби ҳодисаларга нисбатан муросасиз кураш олиб боришлари зарур.

М.Т. Тожибоев*,
С.Н. Бердикулов**

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ УЧУН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАСАЛАЛАРИ

Мустақилликнинг дастлабки кунлардан оқ маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш давлатимиз сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бирига айланди. Чунки, инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан узвий боғланган маънавият ҳар бир фуқаро, жамият, миллат ҳамда халқ ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Президент Ислам Каримов «маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»¹ деб бежизга таъкидламаган.

Маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва тафаккурдан келиб чиқиб маънавиятга ҳар хил таъриф ва тавсиф бериши мумкин. Шу боис маърифат маданият, маънавият тушунчаси билан боғлиқ. Маърифат маънавий қарамликни бартараф қилади, инсонга куч-қудрат ато этади. У кишиларни жаҳолатдан қутқаради, ёмон ишлардан қайтаради, яхши хулқ ва одоб эгаси бўлишга ёрдам беради. Маърифатли кишилардан ташкил топган жамият раванқ топади, келажаги порлоқ бўлади. Аслида маърифат (арабча «арафа» — «билмоқ» сўздан) — таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият². Шунингдек, маърифат табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли билимлар, маълумотлар мажмуасини ҳам билдиради.

Маърифат билан кўпроқ педагог, журналист, шоир ва ёзувчилар касбий йўналишидан қатъи назар барча тоифадаги олимлар, жамоат ва давлат идораларининг раҳбарлари ҳам шуғулланадилар. Чунки, «жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир»³. Бугун республикада миллий урф-одат ва анъаналаримиз, миллий адабиёт ва санъат, бир сўз билан айтганда, миллий менталитетимиз асосида маънавият ва маърифат ривожланмоқда. Буларнинг ҳуқуқий негизлари яратилиш, йилдан-йилга такомиллашиб, ўз мазмун-моҳиятини бойитмоқда. 1994 йил 23 апрелда Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ Марказининг ташкил этилиши, 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисидаги» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан 1997 йил «Маънавият асослари» фанини республика таълим тизимига жорий этилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2006 йил 25 август қарорида: юртимиз ва халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий, тарғибот ва ташвиқот ишлари замон талаблари асосида ташкил этилиши, ёшларимизни турли мафкуравий ҳуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч, осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифалари белгилаб қўйилган.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедрасининг доценти, тарих фанлари номзоди, доцент.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 19.

² Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат // А.Жалолов ва К.Хоназаровнинг умумий таҳририда. — Т., 2000. — Б.116.

³ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. — Т. 7. — Т., 1999. — Б.135.

Шунингдек ушбу қарорда «маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш; аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш»¹ ҳозирги ҳаётимизнинг энг муҳим масалаларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланган.

Давлат раҳбари ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қиларкан «Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, ...ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлгимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир»², деган ғоявий таълимотлари ички ишлар идоралари ходимлари сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий билимларининг негизи бўлмоғи даркор. Айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият», «одам савдоси», «ноқонуний миграция», «эгоцентристик қарашлар» каби иллатларга ўралашиб қолишдан асраш масалалари тарғибот ва ташвиқот ишларимиздан четда қолиб кетмаслиги зарур.

Бинобарин, Юртбошимиз Ислом Каримов 2007 йил 25 октябрь куни Ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами муносабати билан йўллаган табригида таъкидлаганидек, «бугунги кунда мамлакатимизга трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес билан боғлиқ хавф-хатар таҳдид солмоқда. Бундай бало-қазоларга қарши самарали курашиш, уларга муносиб зарба бериш ички ишлар идораларига тегишли барча хизматлардан аниқ ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимидан ўз хизмат бурчини ва масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда, ҳалол адо этишини талаб қилади»³ деган эди. Шу муносабат билан ички ишлар идоралари ходимларининг фуқаролар билан «ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш» ғояси асосида юқори маърифий мулоқотда бўлиши маънавий ишларимизнинг самарали омилидир.

Фикримизнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири 2010 йил 25 октябрда Ички ишлар идоралари ходимлари куни байрамига бағишланган «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқида ички ишлар идораларининг «Ички ишлар идораларининг юқоридан қуйигача бўлган барча тизимлари амалда сифат жиҳатдан бутунлай янги асосда шакллантирилди, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигининг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди... Ички ишлар идоралари ходими бошқалардан тартиб-интизомли бўлишни талаб қилар экан, аввало, ўзи амалдаги қонунларни ҳурмат қилиши, уларга қатъий риоя этиши зарур»⁴, деб таъкидлайди. Бу эса «қонун устуворлиги», «қонунга ҳурмат, қонунга эътиқод» ғояларининг ҳаётийлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВда ШТБИХ ва жойларда шу соҳа ходимлари иштирокида бўлиб ўтган назарий машғулотлар чоғида шахсий таркибни тарбиялашнинг муҳим масалалари юзасидан Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, А.Мирзаев «...сўнгги йилларда юртимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички

¹ Қаранг: Миллий ғоя: назарий манбалар (Хрестоматия). — Т., 2007. — Б. 276.

² Каримов И. А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. — Т., 2010. — Б.94.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. — 2007. — 25 окт.

⁴ Матлюбов Б. Эл-юрт тинчлиги йўлида // Постда. — 2010. — 24 окт.

ишлар идоралари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга ошириляётганини айтиб ўтди: ...бу эса ҳар бир ходим қонунларни яхши ўзлаштириш билан бирга, уларни кенг омма ўртасида тарғиб этиши кераклигини шунингдек, соҳа ходимларининг миллий истиқлол мафкурасидан озикланиш, азалий қадриятларни чуқур ўрганишлари мақсадга мувофиқлиги»¹ни таъкидлади. Бу фикрлар замирида «демократик давлат», «ҳуқуқий ва фуқаровий жамият» каби ғояларнинг асл маъноси ётади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугун юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан, ички ишлар идоралари ходимларини маънавий-маърифий, касбига содиқ ва хизматга масъулият руҳида тарбиялаш долзарб вазифа ҳисобланади. Ички ишлар идоралари ходимлари ушбу эзгу мақсадларни рўйбга чиқаришда ўз олдидарида турган бурч ва вазифаларини тўғри англаб олиши, жамоат жойларида маърифатни тарғиб ва ташвиқ қилишда жонбозлик кўрсатиши талаб этилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда ички ишлар идоралари ходимларининг малакали мутахассис бўлиб етишиши учун қуйидагилар талаб этилади:

- юксак маънавиятли, виждонли, иродаси бақувват, ҳақиқатгўй, меҳнатсевар бўлиш;
- ўз куч ва имкониятларига таяниш;
- замон талабига мос мустақил тафаккур ва дунёқарашга эга бўлиш;
- касбга садоқат ва мутахассислиги бўйича билимларни пухта эгаллаш;
- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доимо руҳий тайёрлик;
- Ватанга содиқлик туйғусининг юксак даражада шаклланганлиги;
- ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билимларнинг етуклиги.

Юқоридаги фазилатлар ички ишлар идоралари ходимларидан халқ қаҳрамонлари етишиб чиқилишининг кафолатидир. Бундай инсонлар бор экан Ўзбекистон халқини, давлатини ҳеч ким, ҳеч қачон бўйсундира олмайди. Мустақил Ўзбекистоннинг келажагини айнан, юксак маънавиятли ва маърифатли, иродали фуқаролар белгилайди. Шу сабабли, Ички ишлар идоралари ходимлари турли бузғунчиликларнинг олдини олиш учун таълим муассасалари, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда доимий равишда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини амалий-қўргазмали воситалари орқали олиб боришлари зарур. «Маънавият — буюк яратувчан кучдир. Маънавият чекинган жойда бузғунчилик бошланади. Аслида ҳам, маънавиятнинг чегарасидан чиқиш жиноят йўлига кириш демакдир. Маънавият — инсоният томонидан яратилган барча яхшиликлар, фазилатлар мажмуидир»². Шундай экан, маънавият — инсоният изляётган тинчлик ва ривожланиш асосида ётган бойликдир. Дунёда ўзаро ишонч ва ривожланиш бўлмас экан, тинчлик ва осойишталикни таъминлаб бўлмайди. Демак, тинчлик ва фаровонликнинг калити қуролланиш, қўрқитиш ёки зўрликда эмас, маънавиятдадир.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўз хизмат вазифаларини олиб бориш жараёнида юртимиз тинчлиги ва осойишталигига таҳдид солувчи хатарларга доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиши, фуқаролар билан маънавият ва маърифат соҳасида иш олиб боришда етакчилиликни қўлдан бермасликлари лозим. Зеро, Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчилиikka ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади»³.

Мустақилликнинг салкам йигирма йили давомида ИИВ тизимларида олиб борилган ислохотларнинг маънавий-маърифий негизлари қайта кўриб чиқилди, унинг мазмун-моҳияти халқимизнинг миллий ғоя ва маънавий қадриятлари билан ҳамоҳанг ҳолда яратилди. Жумладан, ИИВнинг 2011 йил 4 июлдаги 96-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари учун муҳим дастурил амал ҳисобланади. ИИВнинг 2007 йилдаги 170-буйруғига асосан ички ишлар идораларида «Маърифат дарслари»гни олиб бориш йўлга қўйилган.

¹ *Файзиев А.* Ходимларни тарбиялаш муҳим масала // Постда. — 2010. — 30 окт.

² *Мамадалиев Ш.О.* Ватанпарвар малакали кадрларни тайёрлаш - миллий ғоя талаби // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2010. — №1. — Б.100.

³ *Каримов И.А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 116.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақидаги қўлланманинг I-бўлими «Ички ишлар идоралари ходимлари касб маданиятининг тушунчаси ва моҳияти» деб номланиб, унинг бандларида шундай дейилган: Ички ишлар идоралари ходимларида юксак маданиятни камол топтириш, улар онгига миллий мафқурани сингдириш, бой маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жасур, мард, фидойи ва ватанпарвар ходимларни шакллантириш касб маданиятининг муҳим вазифасидир. Касб маданияти, энг аввало, ходимларнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади. Касб маданиятига эга ходим деганда, ўз касбини ардоқлайдиган ва вазифасини онгли равишда бекаму-қўст бажарадиган ҳуқуқий маданият соҳиби, маънавий етук, жисмоман бақувват, одобли, билимли, тажрибали, ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлаган, мамлакат ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ва мақсадини теран англаган ҳолда унинг фаол иштирокчиси сифатида ўзини намоён этадиган ходим тушунилади. Ички ишлар идоралари хизматига қабул қилинган ёш ходимлар эса, ушбу кўникмаларни ўзлаштиришлари талаб этилади. Ички ишлар идоралари ходимлари ўзининг маънавий ва маърифий етуклиги, юксак сиёсий онги, маданияти, юриш-туриши, кийиниши, муомаласи, ахлоқ-одоби билан ёш авлод қалбида ўзларига нисбатан ҳавас уйғотишга интилади¹.

Ички ишлар идоралари ходимларининг маънавий фазилатларини шакллантиришда ғоявий ва *маърифий тарбия* муҳим ҳисобланади. Бу борада буюк педагог А.Авлоний «Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур»² — деб бежизга таъкидламаган. Маънавият ва маърифат омили минг йиллар давомида халқимизнинг ўзлигини йўқотмай, сақланиб қола олишини таъминлаган ягона манба бўлиб, бугун халқимизга ўз эзгу мақсадларига эришиши учун улкан қувват манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Президент Ислон Каримов «бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини»³ уқтириб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идораларига малакали кадрларни тайёрлашда маънавият ва маърифатнинг ўрни беқиёслиги, уларнинг сифатини янада оширишда марказий нашрларидан бири «Постда», «На посту» газеталарида ёритиб борилаётган маърифат дарсларининг аҳамияти катта. Жумладан, «Постда» газетасининг «Маърифат дарси» рукнида эълон қилинаётган мақолларни шартли равишда учта туркумга ажратиш мумкин. Улар: биринчиси — инсон ҳуқуқлари ва қонунчилик; иккинчиси — касб фаолияти; учинчиси — миллий-маънавий қадриятларга оиддир.

Биринчи туркумга киритилган «Бош мақсад — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш»⁴, «Инсон ҳуқуқи доимий ҳимояда», «Инсон эрки, ҳуқуқи, бурч ва масъулияти», «Конституция, маънавият ва мафқура», «Одам савдоси — трансмиллий жиноят», «Юридик шахснинг вужудга келиш асослари ва турлари»⁵ номли мақолаларда ички ишлар идораларига малакали кадрлар тайёрлашда маънавият ва маърифат масалаларининг ҳуқуқий асослари ёритиб берилган.

Иккинчи туркумга киритилган «Инсон руҳиятининг замонга мослашуви», «Баркамол авлод тарбиясида ота-онанинг бурчи ва вазифалари», «У инсонни баҳоловчи мезон»⁶, «Шарафли ва машаққатли касб соҳиблари», «Маънавий-руҳий муҳитни шакллантиришда психологик ёндашув омиллари», «Жамият тараққиётида аёлларнинг ўрни»⁷, «Намунали

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти. — Т., 2011. — Б.3.

² Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. — Т., 1992. — Б.14.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.28.

⁴ Постда. — 2010. — 5 июнь, 24 июль, 30 окт., 20 нояб.

⁵ Постда. — 2011. — 8 янв., 26 фев.

⁶ Постда. — 2010. — 12 июнь, 13 март, 12 июнь, 13 март, 9 окт., 16 окт., 19 фев., 24 окт.

⁷ Постда. — 2011. — 19 фев.

оила: у қандай бўлиши керак?»¹, «Ватан ҳимояси — шарафли вазифа»² каби мақолаларда ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти билан боғлиқ маънавий-маърифий масалаларга катта эътибор қаратилган.

Учинчи туркумга киритилган «Устозлар ва мураббийлар — ёшларга йўлбошчилар»³, «Мустақил Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий бойликлари», «Истиқлол ва истиқбол мадҳияси», «Аҳмад Югнакий ижодида илмнинг улугланиши», «Савоб, саховат ва бағрикенглик», «Алишер Навоий асарларида илм ва тафаккурнинг улугланиши», «Бобурнома»да Ватан мадҳи», «Миллий қадриятлар соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантиради» каби мақолалар ички ишлар идоралари ходимларининг дунёқарабини маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий томондан гоёвий таъминлайди. Юртимиз раҳбари Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: «Қолаверса, маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Маърифатчи фидойи бўлмоғи керак»⁴.

Мамлакатимизда «ўзбек модели»га асосланган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда энг устувор бўлган сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, диний ва дунёвий тушунчалар кундан-кун кенг тарқалмоқда. Ана шу гоёвий тушунчаларни англашда ички ишлар идоралари ходимларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксак бўлиши тақозо этилади. Бунинг учун эса оммавий ахборот воситалари орқали замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизими хизматларидан унумли фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий дунёқарашни мунтазам ўстириб бориш, миллий гоё тарғиботида шубҳасиз, ўзининг ижобий самарасини беради.

Республикаимизда мавжуд 5100 дан ортиқ⁵ нодавлат нотижорат ташкилотларни, сиёсий партия ва ҳаракатларнинг халқимиз турмушидаги аҳамияти ва ўрнини тўғри тушуна билиш ҳам ички ишлар идоралари ходимларининг сиёсий-маърифий маданиятини очиб беради. Шундай дунёқарашга эга бўлган ҳар қандай ходим республикаимизда олиб борилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ва фаровон ҳаётимизга озиқ бўлаётган гоё ва мафқурани тўғри, англаб, садоқат ва сидқидилдан халқимизга хизмат қилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида «...ички ишлар органларида фуқароларни ва жамиятни террорчилик, қўпоровчилик хуружидан, барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноят кўринишларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган тизим шаклланиши зарур. Ички ишлар органларини шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гарови»⁶га айлантириш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, маънавият ва маърифат масаласи — бугун кун тартибидаги муҳим вазифалардан бири. Шундай экан, ички ишлар идоралари ходимлари ўзларининг кундалик ҳаётида бадиий адабиёт, санъат асарларидан бохабар бўлиши, миллий ва умумбашарий қадриятларни теран англаши мусиқа, шеърят бобида ҳам ўз қобилият ва истеъдодини намоён қила олиши керак. Шундагина халқимиз орасида унинг обрў-эътибори ошади, уларга ишонч ва эътибор кучаяди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг сиёсий дунёқарашида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг фаолияти, янги қонунлар, Президент Ислоҳ Каримовнинг мукамал асарлар тўплами, тарихий ўтмишимиздаги буюк сиймоларнинг ижтимоий-фалсафий асарлари ва мероси, давлат ва ҳукуматимиз раҳбарлари томонидан чиқарилаётган қарор, фармон ва фармойишлар муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари тимсолида, жаҳон майдо-нида ўз таъсирини ўтказиб келаётган нуфузли халқаро ташкилотлар ва уларнинг сиёсий, ҳарбий, маданий маърифий фаолияти ҳақида муайян билим ва тушунчаларга эга бўлиб, мамлакатимиздаги улкан ижобий ўзгаришларга ғайри кўз билан қарайдиган, ўзгача фикрлайдиган шахсларга нисбатан мустақил равишда ўзининг юксак манъавияти билан муносиб жавоб қайтара оладиган ходимларни тарбиялашимиз зарур.

¹ Постда. — 2010. — 10 июль,

² Постда. — 2010. — 18 сент., 25 сент., 27 нояб., 4 дек., 18 дек.,

³ Постда. — 2011. — 1 янв., 22 янв., 29 янв., 6 фев.

⁴ Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. — Т., 1999. — Б.135—136.

⁵ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.42.

⁶ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. — Т. 7. — Т., 1999. — Б.403-404.

Ш. А. Абдуллаева*

Г. Я. Рўзиева**

**ДЕВИАНТ ХУЛҚЛИ ЁШЛАР БИЛАН ПРОФИЛАКТИК
ТАДБИРЛАР ОЛИБ БОРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Маълумки, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маърифий ривожланиш даражаси кўп жиҳатдан, унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ёшларга боғлиқ. Улар келажагимиз эгалари, юртимиз таянчи, ишонч ва умидларимиз гаровидир. Шу муносабат билан, ёшлар, хусусан вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, руҳий ҳолати, яшаш тарзи, ривожланиш шарт-шароитлари ва ижтимоий аҳволини психологик ва педагогик жиҳатдан ўрганиш ҳозирги кунда айниқса, устувор аҳамият касб этмоқда. Шу боис педагоглар, психологлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутахассислари ва маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари билан вояга етмаганлар билан иш олиб бориши катта аҳамият касб этади. Шу жумладан девиант (хулқ-атвор нормаларидан чекинган) хулқли ўсмирлар билан тарбиявий-профилактик тадбирлар олиб бориш, ёшлар орасида бундай хулқ-атворнинг келиб чиқиши, унинг сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур ўрганиш улар зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу борада қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари асосий дастурил амал бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини амалга ошириш борасида куйидаги вазифалар белгилаб берилган:

биринчидан, вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

иккинчидан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

учинчидан, вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш;

тўртинчидан, ижтимоий хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш;

бешинчидан, вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш¹.

Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсати умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг тарихий тажрибаси, фан ва маданият соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, кўп асрлик анъаналарни ҳисобга олган ҳолда юритилади. Шу боис, таълим-тарбияда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг муҳим бўғини бўлган маҳалла институтининг роли фоят самаралидир. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек: «Бу борада оилада ҳавас қилса арзийдиган муҳитни яратишда биринчи навбатда, маҳалла таъсирчан кучга эга бўлиши керак»².

Сир эмас, ўсмирлар ва ўспиринлар орасида айрим ҳолларда девиант хулқнинг турли-туман кўринишлари кузатилади. Бу жамият, ҳуқуқ-тартибот органлари, ижтимоий хизмат

* Навоий давлат педагогика институтининг педагогика факультети декани, педагогика фанлари доктори, профессор.

** Навоий педагогика коллежининг катта ўқитувчиси.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 сентябрь қонуни // Халқ сўзи. — 2010. — 30 сент.

² Каримов И.А. Соғлом авлод тарбияси - барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. — Т., 2000. — Б. 424-441.

кўрсатиш муассасалари ва ижтимоий педагог-психологлар олдида ўта долзарб муаммони – дезадаптация ҳолатдаги ёшлар билан ишлаш йўллари, методлари, шакллари излаш, бу соҳада вояга етмаганларнинг реабилитацияси ва зарур бўлса, ахлоқий хулқ нормаларидан оғиш каби ҳолатларнинг олдини олиш зарурлигини кўрсатади.

Тарбия жараёнида жамият томонидан қабул қилинган хатти-ҳаракатлар, қоидалар ва меъёрлардан чекинган вояга етмаганларнинг хулқидаги нуқсонларни коррекциялаш улар тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлишни талаб қилади.

Вояга етмаганлар (ўсмир ва ўспиринлар)нинг иродасизлиги туфайли ахлоқий нормаларга зид хатти-ҳаракатлар, улар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига олиб келиши мумкин.

Девиант хулқли ўспиринларнинг пайдо бўлиши бу ҳодисанинг объектив ва тарихий вужудга келиши жамият олдида, ижтимоий ҳаракат ва таълим-тарбия муассасалари олдида улкан вазифани — дезадаптациялашган (хулқ-атвор нормаларидан чекинган) ёшлар билан ишлашда тарбиявий шакл, метод, технологияларни тўғри танлаш, тарбиявий таъсир кучини жамлашни тақозо этади. Бу саъй-ҳаракатлар ўсмир ва ўспиринларнинг реабилитациясига ва шу билан бирга, улар ахлоқий фазилятларни ўстиришга қаратилиши зарур. Бу жараёнда ота-оналар билан бирга маҳалла фаоллари, мактаб педагогик жамоаси, психологлар фаол иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, **девиация** — ижтимоий педагогик муаммо бўлиб, инсон руҳий олами, унинг атрофидаги муҳитнинг ўзгариш ҳоллари билан боғлиқ. Бу ҳол, айниқса, ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидагиларга хосдир. Чунки бу давр инсоннинг ривожланишида энг қийин ва мураккаб давр бўлиб, бу ёшдагиларнинг анатомияси ва физиологиясида, интеллектуал, ахлоқий оламида ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, уларнинг руҳиятида ҳам акс этиши мумкин. Ўсмир ва ўспиринлар тенгдошлари орасида, жамоада ўз ўринларига эга бўлишлари учун «Мен кимман?», «Мен ўзгалар нигоҳида қандайман?» каби саволларга жавоб излашга ҳаракат қиладилар. Жамиятда ўрнатилган меъёр ва қоидаларга риоя қилмайдиган айрим тарбияси оғир ўсмир ва ўспиринларни девиацияга учраган ёшлар, деб аташади. «Ёшлар ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва ўзгариши шундай мураккабки, бир томондан, юқорида кўрсатилган ҳар икки жараёнлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, биридаги ижобий ёки салбий омиллар албатта иккинчисида шундай ижобий ёки салбий омилларнинг вужудга келишини тақозо этса, иккинчи томондан, у бевосита ҳар икки жараён таъсири остида юз беради»¹.

Девиация *девиант*, *делинквент* ва *криминал* хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Девиант хатти-ҳаракат — бу психик соғлом шахслар томонидан жамият томонидан белгиланган меъёрий, ахлоқий қоидаларни бузиш ҳолатлари.

Девиант хатти-ҳаракат — бу кичик ижтимоий муносабатлар (оила, ўқув даргоҳи) ҳамда характер, жинсий ва ёш хусусиятлари жиҳатидан яқин кичик ижтимоий гуруҳларга хос ижтимоий меъёрлардан, хатти-ҳаракатлар ва қоидалардан оғиш, чекинишнинг бир туридир. Яъни бу турдаги ҳаракатни интизомсизлик деб ҳам аташ мумкин. Агрессия (тажовузкорлик) жанжалкашлик ўқишда ва меҳнат фаолиятида ўзбошимчаликка йўл қўйиш, ўсмир ва ўспиринларнинг ичкиликка берилиши, дайдиб юришлари, олифтагарчилик қилишлари, ассоциал ҳаракатларга берилиши кабилар девиант ҳаракатларнинг асосий кўринишларидир. Маълум вазиятларда ёшларнинг шундай хатти-ҳаракатларни намоён этиши девиант ҳаракатларнинг типик хусусиятидир.

Делинквент хатти-ҳаракат — девиант ҳаракатлардан фарқли ўлароқ, вазият таъсирида эмас, балки юқоридаги каби асоциал ҳаракатларнинг доимий характерга эга бўлишидир. Делинквент ҳаракатларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

— ҳақоратлаш, хўрлаш, азоблаш ва ундан ҳузурланиш каби агрессив босқинчилик ҳаракатлари;

— майда ўғриликлар, тамагирлик, автотранспорт ва бошқа жойлардан керакли буюм ва анжомларни ўғирлаш каби моддий фойда кўришга қаратилган ўз шахсий манфаати йўлидаги ҳаракатлар;

— наркотиклар сотиш, тарқатиш ва шу каби ҳаракатларга аралашиб қолиш ва бошқалар.

¹ *Исмаилов И.* Баркамол авлоднинг ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2010. — №2. — Б.16.

Криминал хатти-ҳаракат — бу жиноий жавобгарликка тортилиш ёшига етган шахсларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари бўлиб, улар устидан жиноий иш қўзғатилиши жараёнидир. Криминал ҳаракатларга девиант ва делинквент ҳаракатлар асос яратади.

Ёшларнинг асоциал (гайриижтимоий) хулқи ва гайриқонуний ҳаракатлари салмоғи камайишига муаммонинг ҳолати давлат органлари, ҳокимиятлар, жамоат ташкилотлари, узлуксиз таълим тизими тузилмаларининг диққат марказида туриши керак. Шу сабабли, мазкур масала педагогиканинг энг мураккаб ва кўпқиррали муаммоларидан ҳисобланади.

Девиант хулқли ёшларда ирода заифлиги, асоциал хатти-ҳаракат қилишларига сабаб бўлади. Бундай салбий хусусиятлар келгусида уларнинг ахлоқи ва хулқида ўз аксини топади.

2009—2011 йилларда Навоий вилоятида қонунбузарликда айбланган ўсмир ва ўспиринлар орасида ўтказилган анкета-сўровномалар (321 нафар ёшлар сўровномада иштирок этишди)да иродасизликни билдирувчи қуйидаги хислатлар намоён бўлганлиги аниқланди:

- қатъиятсизлик — 67 %;
- барқарор хулққа эга бўлмаслик, мустақил хатти-ҳаракатларнинг шаклланмаганлиги — 71 %;
- ташаббускорликдан йироқлиги — 34%;
- қайсарлик — 52 %;

Ўзини туга олмаслик, ноҳўя хатти-ҳаракатлардан тия олмаслик — 22 %.

Ёшларда ижобий хислатларни шакллантириш, уларнинг соғлом иродали бўлишлари учун тарбиявий тадбирларни ёш хусусиятларига мос равишда бир қатор босқичларда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда ёшларнинг хулқидаги нуқсонларни коррекциялашда икки хил технологик ёндашувдан фойдаланиш зарур. Улар:

- профилактик;
- реабилитацион.

Профилактика — вояга етмаганларнинг хулқидаги ижтимоий оғиш ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабабларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш, асосий сабаб ва шарт-шароитларини нейтраллаштиришга (зарарсизлантиришга) қаратилган давлат, жамоат, маҳалла, оила орқали олиб бориладиган ижтимоий-тиббий, ташкилий-тарбиявий тадбирлар мажмуаси.

Профилактик тадбирлар деганда, ижтимоий педагогикада илмий асосланган ва ўз вақтида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар тушунилади. Улар қуйидагиларга қаратилади:

- жисмоний, руҳий, ижтимоий-маданий вазиятларнинг олдини олишга;
- соғлом турмуш тарзини ҳимоялаш ва саломатликни мустаҳкамлашга;

— ўспириннинг ижтимоий мақсадларга эришув йўлидаги саъй-ҳаракатларига ёрдам бериш, уларнинг ички руҳий, иродавий қудратини юксалтиришга замин яратиш;

Ижтимоий оғишнинг турли сабабларга кўра вужудга келишини инобатга оладиган бўлсак, ўспиринлар билан ўтказиладиган коррекцион, профилактик тадбирлар бир неча кўринишда бўлиши мумкин. Улар:

- нейтраллаштирувчи;
- мувофиқлаштирувчи;
- ижтимоий оғишнинг олдини олувчи, салбий ҳолатларнинг вужудга келишига тўсқинлик қилувчи тадбирлар;

- салбий вазиятларни бартараф қилувчи тадбирлар;
- тарбиявий ва уларнинг натижаларини назоратга олувчи тадбирлар.

Профилактик тадбирларнинг самарадорлиги қуйидагиларга эътибор берилганда юқори бўлиши кўзда тутилади:

— ёшларнинг ижтимоий муҳитдаги ноҳўя ҳиссиётларини бартараф қилишга қаратилган тадбирлар ва уларнинг вужудга келган муаммонинг ечимини топишга бўлган қизиқиши, мотивациясини шакллантириш;

— ёшларнинг соғлиги, маънавий қиёфасини мустаҳкамлайдиган мақсадга йўналтирилган янги кўникмаларга ўргата бориш;

— ҳали пайдо бўлмаган муаммоларнинг ечимини топишга ўргатиш, уларнинг вужудга келишига йўл қўймаслик малакаларини шакллантириш ва бошқалар.

Профилактик технологияларга асосланиб тузилган тарбиявий ишлар режаларида авваламбор, ўсмир ва ўспирин ёшидагилар билан ишлашда *ахборот йўналишига* алоҳида эътиборни қаратиш керак. Бу йўналишда моҳиятига кўра, ёшларнинг муҳим ахборотдан

четлаштирилганлиги ҳам уларнинг ижтимоий хулқ-атвор нормаларидан оғишига сабаб бўлади. Демак, бу йўналиш бўйича иш олиб борилганда, ёшларга уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, масъулияти, жамият ва давлат олдидagi ижтимоий бурчи ва вазифалари тўғрисида ахборот бериш лозим. Бунинг оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение), кино, театр, бадиий адабиёт, Интернет ҳамда ижтимоий таълим тизими орқали амалга ошириб, ўсмир ва ўспиринларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш, уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни камол топтириш мумкин.

Ижтимоий-профилактик йўналишга асосланган тадбирлар мақсади салбий ҳолатларнинг олдини олишга, уларнинг вужудга келишини бартараф қилишга қаратилади. Мазкур йўналишнинг моҳияти давлат, жамият, муайян ижтимоий педагогик муассаса томонидан ўтказиладиган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий, тарбиявий аҳамиятга молик бўлган тадбирлар тизими бўлиб, улар девиант хулқнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилишга, уни минимизациялашга (паст даражадаги кўринишга келишига), бартараф қилишга қаратилади.

Мақсадли ахборотнинг йўқлиги сабабли, масалан, наркотик моддаларни нафақат тарқатиш, балки уларни истеъмол қилиш ҳам жиноий жавобгарликка олиб келиши мумкинлиги тўғрисида маълумотга эга бўлмаган ёшларнинг кўп ҳолларда, шундай жиноятга кўл уришлари аниқланди.

Девиант хулқлилар билан профилактик ишларни ўтказишда асосий йўналишлардан яна бири — *тиббий-биологик йўналиш* ҳисобланади. Бу йўналишнинг моҳияти мақсадли тиббий-профилактик характерга эга бўлган чора-тадбирлар орқали руҳий аномалияли, биологик жиҳатдан патологияларга дучор бўлганларнинг ижтимоий нормалардан оғишининг олдини олишга қаратилган.

Маълумки, руҳий соғлом ўспиринлар ўзининг иродавий кучи ва маънавий, ахлоқий қадриятлари туфайли турли жиноий ҳатти-ҳаракатлардан ўзини тия олади. Аммо руҳий патологияларга дучор бўлганларнинг ҳуқуқий нормаларга зид иш қила олиши қийин бўлмайди. Субъектнинг бу ҳолатига «ўз фаолиятига жавоб бера олмаслик», яъни ақли норасолик деб қаралади. Шу сабабли, ўспиринларнинг руҳиятидаги патологияларни вақтида аниқлай олиш ўта зарур, деб ҳисобланади. Вояга етмаганлар ўз вақтида психотерапевт кўригидан ўтиши лозим бўлиб, уларга тегишли тиббий ёрдам кўрсатилиши шарт.

Кейинги йўналиш — *ижтимоий-педагогик йўналиш* бўлиб, унинг моҳияти: ички иродавий ҳислатларига таянган ҳолда шахс сифатларини қайта тиклаш ёки коррекциялашни назарда тутати. Академик Қори Ниёзий фикрича, «... онгли, фикр-мулоҳазали инсон - ўз ҳоқиш-истакларини жиловлай оладиган, ўз ҳатти-ҳаракатларини маънавий-маърифий мақсадга йўналтирган, қонунга хилоф иш қилмайдиган фуқаро ҳисобланади»¹. Шу фикрдан келиб чиққан ҳолда, ўсмир ва ўспиринларда қуйидаги иродавий ҳислатларни шакллантириш ва ривожлантириш лозим:

— фаолиятларида асосий ва муҳим ҳисобланмиш (ўқиш, спорт билан шуғулланиш, меҳнат ва бошқалар) йўналишларга диққатни қарата олиш кўникмасини шакллантириш;

— сўз ва ишда яқдилликка ўргатиш;

— жамиятга, теварак-атрофдаги инсонларга зиён келтирувчи ҳатти-ҳаракатлардан ўзини тия олишга ўргатиш. Бунинг учун салбий таснифга эга бўлган мотивлардан сақланиш, уларни жиловлаш;

— қонунга хилоф бўлмаган, маърифий камолотга ундовчи тизимли ва режали мақсадни ўз олдига қўя олишга ўргатиш. Бунда иккинчи даражали ва йўл-йўлакай пайдо бўлувчи истақларни асосий мақсадга бўйсундира олиш кўникмаларини шакллантириш.

Ирода ҳамиша мақсадли ва онгли регуляция қила оладиган фаолиятда намоён бўлади. Иродасиз, кучсиз характерга эга бўлган ёшлар кўп ҳолларда ўзгалар хоқиш-истагини бажарувчиларига айланиб қолишади. Шу сабабли, улар турли ножўя қилиқлар қилишга мойил бўладилар. Вояга етмаганларда иродалилиқ, сабр, матонат каби ҳислатларни такомиллаштириш келажакда жамият учун маънавий-маърифий баркамол шахсларни кўпайтиришга замин яратади.

¹ Қори Ниёзов. Ёшларнинг тарбияси ҳақида // Педагогиканинг айрим долзарб муаммолари. — Т., 1996. — Б. 23.

ДЕВИАНТНЫЙ РЕБЕНОК КАК ПРЕДМЕТ ИССЛЕДОВАНИЯ: КОМПЛЕКСНАЯ ОЦЕНКА

Основная роль в осуществлении ведомственного процессуального контроля за органами предварительного следствия и организации работы следственного подразделения принадлежит руководителю данного или вышестоящего следственного подразделения. Осуществляя свои процессуальные полномочия, начальник следственного отдела существенным образом влияет на деятельность следственного подразделения и осуществляет ведомственный процессуальный контроль. Нормативно-правовые основы для этого определены уголовно-процессуальным законом, в числе которых можно выделить следующие полномочия:

1) контролировать своевременность и законность проведения доследственной проверки и первоначальных следственных действий, направленных на собирание, проверку и оценку

¹ Чтобы предотвратить произвол, Конституция Республики Узбекистан (ст. 26) закрепила принцип презумпции невиновности, придав ему государственно-правовое значение: «Каждый, обвиняемый в совершении преступления, считается невиновным, пока его виновность не будет установлена законным порядком, путем гласного судебного разбирательства, при котором ему обеспечиваются все возможности для защиты». Данная норма созвучна с положениями статьи II Всеобщей декларации прав человека.

См. также: Земскова А.В. Всеобщая декларация прав человека и некоторые аспекты ее применения в МВД России // Защита прав человека и соблюдение законности органами внутренних дел: Материалы международной научно-практической конференции. — М., 1999. — С. 80-89; Якубов А.С. Реализация в уголовном правосудии международных принципов прав человека // Хуқуқ-Право. — 1998. — №1. — С.31-37.

² При этом необходимо помнить, что необоснованное применение мер процессуального принуждения влечет за собой серьезные ошибки, затрудняющие ход расследования и ущемляющие права и законные интересы граждан (См: Вицин С.Е. Механизм защиты прав и свобод человека в правовом государстве // Защита прав человека и соблюдение законности органами внутренних дел: Материалы международной научно-практической конференции. — М., 1999. — С. 28-32.).

³ Ахпанов А.Н., Насыров Г.Х. Арест в качестве меры пресечения: проблемы судебного контроля и санкционирования. — Алматы, 2005. — С.11.

доказательств по имеющемуся в производстве у следователя материалам или уголовному делу;

2) давать письменные и устные указания следователю о производстве последующих следственных действиях в ходе расследования по уголовному делу, о привлечении в качестве подозреваемого и обвиняемого, квалификации преступления и объеме обвинения, о направлении расследования дела, о производстве следственных действий, направленных на закрепление доказательств;

3) передавать дела от одного следователя к другому для ускорения расследования, обеспечения его полноты и объективности, направления расследования на наиболее тщательное осуществление процесса доказывания по уголовному делу. Передача дела может производиться как по инициативе начальника следственного отдела, так и по указанию прокурора;

4) поручать расследование дела нескольким следователям. Обычно такая необходимость возникает при расследовании сложных многоэпизодных дел, а также при причинении преступлением крупного материального вреда;

5) участвовать в производстве предварительного следствия, присутствуя при выполнении следователем отдельных процессуальных действий, направленных на раскрытие и расследование преступления;

б) лично производить предварительное следствие, пользуясь при этом полномочиями следователя. В этом случае начальник следственного отдела принимает дело к своему производству и лично проводит следствие в полном объеме, принимая все предусмотренные законом меры к завершению расследования уголовного дела.

Таким образом, осуществляя свои процессуальные права, начальник следственного отдела наряду с иными процессуальными вопросами, направленными на полное, объективное и всестороннее расследование уголовных дел, уделяет должное внимание ведомственному процессуальному контролю, что, в свою очередь, влияет на хорошую организацию и эффективность работы следственного подразделения в целом и каждого следователя в отдельности.

Исходя из вышеизложенного, можно сделать следующие выводы:

— ведомственный процессуальный контроль за органами предварительного следствия основывается на ведомственных нормативных актах, регулирующих деятельность следственных подразделений служит реализации организационно-правовых, организационно-процессуальных, внутриорганизационных, процессуально-контрольных и организационно-технических условий, необходимых для повышения эффективности деятельности по расследованию уголовных дел;

— ведомственный процессуальный контроль за органами предварительного следствия, осуществляемый в рамках функции расследования, включает в себя следующие существенные свойства: а) является видом деятельности государственных органов и должностных лиц, ответственных за производство по уголовному делу; б) начинается с момента доследственной проверки, возбуждения уголовного дела; в) включает в себя проведение первоначальных следственных и процессуальных действий по возбужденному уголовному делу; г) подразумевает при установлении лица совершившего преступление — привлечение его в качестве подозреваемого и решение вопроса о его задержании; привлечении лица в качестве обвиняемого в отношении которого необходимо избрать определенный вид мер пресечения; д) способствует установлению правовых и процессуальных основ для окончания предварительного следствия; е) оканчивается оформлением материалов уголовного дела, ознакомлением его потерпевшим, обвиняемым и составлением обвинительного заключения;

— закономерности осуществления ведомственного процессуального контроля за органами предварительного следствия напрямую зависят от правовых и организационных

условий осуществления расследования, которые предполагают неукоснительное соблюдение следователем требований законности, а также выполнение профессиональных обязанностей по производству навыков ведения расследования с учетом использования знаний в области уголовного, уголовно-процессуального права, криминалистики, оперативно-розыскного права, прокурорского надзора, защиты по уголовным делам, организации управления в органах внутренних дел, судебной статистики, судебной психологии, психиатрии, судебной медицины, информатики и вычислительной техники и иных наук, оказывающих существенную помощь при расследовании уголовных дел;

— вопросы повышения эффективности ведомственного процессуального контроля за органами предварительного следствия включают в себя:

организационно-правовой аспект, предусматривающий исполнение органами предварительного следствия органов внутренних дел международно-правовых договоров, норм Конституции Республики Узбекистан, регламентирующих защиту конституционных прав граждан, уголовного и уголовно-процессуального законодательства, руководящих постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан;

организационно-процессуальный аспект, предусматривающий реализацию требований ст.ст. 36-76, 81-95, 96-202, 321-381 и других норм УПК, регламентирующих досудебное производство, где осуществляется ведомственный контроль начальником следственного подразделения;

процессуально-контрольный аспект, выражающийся в осуществлении ведомственного контроля со стороны начальника следственного подразделения в соответствии со ст.37 УПК и требований соответствующих приказов МВД Республики Узбекистан.

• Нашрга тайёрланди •

Бердияров Ш. Н. Юридик тайёргарлик курсидан масалалар тўплами: Ўқув қўлланмаси / Ш.Н. Бердияров, Н.Т. Исмоилов, Э.Х. Норбўтаев ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. — 119 б.

Ушбу тўпламда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, амалдаги қонунлари, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг тўғри ва ўринли қўлланишига оид масалалар акс этган. Улар «Конституциявий ҳуқуқ», «Маъмурий ҳуқуқ», «Фуқаролик ҳуқуқи», «Жиноят ҳуқуқи», «Жиноят процесси» ҳамда «Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар идоралари фаолияти» каби бўлимларга тааллуқли бўлиб, ички ишлар идораларининг бўлажак сержантларида қонунчилик нормаларини қўллашга доир билим ва қўникмаларни шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларининг курсантларига мўлжалланган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛК ТАДҚИҚОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Хуқуқ фалсафасининг тадқиқот объекти бўлган ижтимоий-ҳуқуқий борлиққа оид мавзулар ҳуқуқ ва унинг давлат, жамият, шахс билан боғлиқ муносабатларида намоён бўлиш хусусиятлари, ҳуқуқий онг билан ижтимоий онгнинг диалектик алоқадорлиги, сиёсий-ҳуқуқий маданиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий ҳулқ-атворнинг ўрни, маданий-ахлоқий меъёрларнинг шахс тарбияси, ижтимоий фаоллигига. кишилар ва социум билан алоқаларига таъсири масалалари мудом у ёки бу йўналишда файласуфлар, социологлар, этика фанлари мутахассислари, сиёсатшунослар эътиборини ўзига жалб этиб келган. Мустақилликкача бўлган даврда ушбу йўналишларда бир қатор фалсафа фанлари докторлари, профессорлар томонидан эътиборга молик илмий изланишлар олиб борилган, салмоқли китоблар чоп этилган¹.

Тўғри, уларда ҳуқуқ фалсафаси бевосита ўрганилмайди, лекин илмий-методологик нуқтаи назардан ижтимоий-ҳуқуқий парадигмани шакллантириш, кишилар онги ва фаолият тарзига сингдириш, ижтимоий муносабатларда улардан фойдаланиш масалалари, ўша даврдаги мафкура нуқтаи назаридан бўлса-да, моҳиятан илмий жиҳатдан тўғри таҳлил қилинади.

Мустақиллик йилларида ҳуқуқ фалсафасига оид фикрлар, қарашлар аниқ йўналиш. концептуал ёндашув касб эта бошлади. Бу борада аввало фалсафа фанлари доктори А.Алмасовнинг афоризм-фикрларини келтириб ўтиш жоиздир.

Олим қонун, эрк, демократия, юридик нормаларнинг ахлоқ тартиблари билан муносабатлари, ҳокимият каби феноменлар ҳақида фикр юритади. «Идеал, — деб ёзади у, — қанча позитив воқелик бўлмасин қонунлар унга тенг эмас, реал ҳаёт талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади. Идеалга қурилган қонун ҳаётий муаммоларни ҳал эта олмайди, у нари борса кишиларни эзгу ўйларга, ҳаёлий режаларга маҳлиё этади. Қонунлар аниқ ҳаётий вазибаларни бажаришга даъват этилгани боис кучдир, идеалда. ҳаёлда эса эйфорик устундир»².

Аслида қонунлар, ҳуқуқий нормативлар тенг имконият яратади, аммо бу барчанинг жиддий, интеллектуал имкониятлари ҳам тенг бўлиши керак, дегани эмас. Яшаш, меҳнат қилиш, яратиш кучи, интеллектуал қобилиятини тенг рўёбга чиқариш учун ҳаммага тенг имкониятлар яратилган. Қонунлар, ҳуқуқий нормалар ана шу тенг имкониятнинг тарафдоридир.

В. Алмасовнинг адолат, давлат, бошқариш, халқ ва ҳокимият, мулк. тараққиёт ҳақидаги фикр-афоризмлари реал ҳуқуқий масалаларни ҳал этишни ўрганишга қаратилмаган. У метафизик, ҳатто трансцендентал мушоҳадаларга яқиндир. У ҳуқуқ билан адолатни ахлоқ орқали бир-бирига боғлиқ деб қарайди. Ҳуқуқдан фойдаланишнинг адолатсизликка айланмаслиги учун ахлоқ ҳуқуқ билан адолат ўртасида уларнинг мезони бўлиб туради. шунинг учун ҳуқуқ бузилганида ҳам, адолат бузилганида ҳам ахлоқ тилга олинади, ахлоқ ҳуқуққа ҳам. адолатга ҳам баб-баравар моҳият бахш этади», дейди³. Демак қонун ҳам,

* Ўзбекистон Фанлар академияси И. М. Мўминов номли фалсафа ва ҳуқуқ институтининг тадқиқотчиси.

¹ *Абдуллаев М.* Эстетик маданият ва эстетик онг. — Фарғона, 1990. — Б. 102; *Абдуллаев Т.* Турмуш соҳасида миллийлик ва умуминсонийлик. — Т., 1991. — Б.162; *Абдусамедов А.Э.* Социал тараққиёт ва ислом. — Т., 1984. — Б.204; *Агорован А.С.* Ижтимоий онг тизимида дунёқарашнинг роли. — Т., 1968. — Б.168; *Алиев Б., Ҳакимов Н., Фафуров Ф.* Маданият ва жамият. — Т., 1981. — Б.148; *Бобомуродов Э.Х.* Становление и развитие общественной психологии людей. — Т., 1990. — С.128; *Возможность и действительность.* — Т., 1990. — С. 102; *Эведенюк А.В.* Илмий билимнинг шаклланиши (гносеологик муаммолар). — Т., 1989. — Б.202; *Исамбетов Т.* Исломнинг келиб чиқиши ва эволюцияси. — Нукус., 1985. — Б.208; *Каримов И.* Анъаналар ҳаракатлантирувчи куч. — Т., 1990. — Б.62; ва бошқ.

² *Алмасов В.* Ҳуқуқ фалсафаси: фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. — Т., 2007. — Б.194.

³ Ўша манба. — Б.200.

хуқуқ ҳам ахлоққа хизмат қилмоғи керак. Тўғри, хуқуқ ва адолат предметлари, вазифаларини ахлоқдан олмайди, акс ҳолда хуқуқ, адолат ва ахлоқ ўртасида фарқ қолмас эди. Хуқуқ махсус механизмлари орқали кишиларда ҳуқ-атворни, ўз талабларига мос келадиган хатти-ҳаракатларни, мотивларни шакллантиради. Хуқуқни, унинг нормалари, талаблари ахлоққа мос келадими ёки йўқми, деган савол қизиқтирмайди. Пировард натижада, кишиларнинг хуқуқий ҳуқ-атворида у талабларининг азлоққа мос келиш-келмаслигини кўради. Хуқуқнинг мажбурийлик хусусияти ахлоққа хос эмас. у мудом англанганлик ва ихтиёрийликни тақозо этади. Хуқуқнинг ахлоққа хизмат қилиши кераклиги ҳақидаги гоя ўз вақтида В.В. Соловьев томонидан кенг муҳокама қилинган¹. Шундай ёндашиш Конфуций, Хун, Фэй таълимотларида ҳам мавжуд². В.Алимасовнинг фикрлари маълум даражада уларга яқиндир.

Аммо олим хуқуқ фалсафасининг илмий тадқиқот объекти ва предметларини эмас, балки уларга олиб борувчи, гоҳо улардан бутунлай узоқ фикрларни ўртага ташлайди. Айнан хуқуқ хуқуқ фалсафасининг бош мавзуси, ижтимоий-хуқуқий борлиқ унинг объекти сифатида қаралаётгани фикр-афоризмларда яққол сезилмайди.

Профессор Ш.О.Мамадалиевнинг «Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт» монографияси хуқуқ фалсафаси ихтисослиги бўйича тайёрланган илк тадқиқотдир. Унда хуқуқий демократик жамият куриш мақсади ижтимоий-сиёсий, хуқуқий ва фалсафий муаммоларни илмий-назарий ўрганишни, умумий концептуал муаммоларни аниқлаш ва уларнинг социодинамик хусусиятларини очиб беришни тақозо этиши қайд этилади. Мустақил Ўзбекистонда янги давлат ҳокимиятчилигининг ташкил этилиши хуқуқий-фалсафий нуқтаи назардан ўрганишга лойиқ муаммодир. Хуллас, тадқиқотчи халқ ҳокимиятчилиги институтини фалсафий-хуқуқий муаммо сифатида ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди³.

Монографияда халқ ҳокимиятчилигининг фалсафий-хуқуқий талқинлари, Шарқ ва Фарб фалсафасидаги концепциялар, «манфаат» категорияси ва унинг халқ ҳокимиятчилигидаги ўрни, миллий ва умуминсоний манфаатларнинг уйғунлашуви давлатга оид ижтимоий-сиёсий воқелик каби мавзулар ўрганилади. Шунингдек, монографияда Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилигини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари ҳам тадқиқ этилган бўлиб, улар тадқиқотнинг якуний қисмидир.

Кўриниб турибдики, тадқиқотчи диққатини хуқуқ фалсафасига эмас, балки халқ ҳокимиятчилигининг шаклланиш ва ривожланиш муаммоларини“ (учинчи боб эса мантиққа тўғри келмаган тарзда «ижтимоий-фалсафий» дейилган, ихтисослик бўйича мазкур бобда фалсафий-хуқуқий муаммолар ўрганилиши даркор эди) «ижтимоий-фалсафий» ўрганишга қаратади. Бу ўринда ижтимоий-фалсафий ёндашиш билан хуқуқ фалсафаси айнанлаштирилаётгани, натижада унинг предметига яқинроқ (аммо предмети эмас) мавзу, яъни халқ ҳокимиятчилиги ўрганилаётгани аён бўлади. Биз халқ ҳокимиятчилиги хуқуқ фалсафасининг предмети бўлиши мумкин эмас, демоқчи эмасмиз, аммо унда хуқуқ фалсафасининг тадқиқот объекти (ижтимоий-хуқуқий борлиқ) ёки предмети (хуқуқ билан боғлиқ муаммоларнинг умумназарий, концептуал масалалари, ижтимоий-хуқуқий борлиқни шакллантириш ёки такомиллаштиришга қаратилган жиҳатлари)га тааллуқли ҳолатлар бўлиши шарт.

Тан олиш зарурки, халқ ҳокимиятчилигининг генезиси, шаклланиши, Шарқона ва Фарбона талқинлари, хуқуқий демократик жамият, унда ижтимоий-сиёсий онг ва фаоллик, хуқуқий маданиятга оид масалалар монографияда тилга олинади, улар фалсафа нуқтаи назаридан ёритилади. Тадқиқотчи хулоса чиқаради: «Халқ ва ҳокимият генезиси, диалектикаси ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг чуқурлашуви жараёнида рўй берган ўзгаришларга бевосита боғлиқ. Халқ ҳокимиятчилиги эса ана шу ўзгаришларнинг ижтимоий-тарихий маҳсулидир»⁴. Кейин тадқиқотчи фикрини давом

¹ Соловьев В. Право и нравственность. — М., 2007. — С. 7—9.

² Мудрецы Поднебесной. — Симферополь, 1996. — С. 26—28.

³ Қаранг: Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. — Т., 2003. — Б. 4-5.

⁴ Ўша асар. — Б. 213.

эттириб ёзади: «Шарқ давлатлари ҳуқуқи, ижтимоий-сиёсий таълимотлари тарихига кўра Осмон (Коинот), Одам (Инсон), Ер (Замин) бир-биридан ажралмас birlikни ташкил этади... Демократия, энг аввало, халқ ҳаётига сингган анъаналарга таянганидагина халқ ҳокимиятчилигини ижтимоий ҳаётга, давлат ва жамият ишларига реал таъсир этувчи кучга айлантиради. Ўз индивидуаллигини намоён қилиш кенг тарқалган жойда уюшқоқлик, манфаатлар умумийлигини тан олиш, уларга таяниш ва хизмат қилишнинг қарор топиши қийин. Афина демократияси узоқ яшамаганлигининг боиси ҳам, аслида, ана шундадир»¹. Бу ўринда тадқиқотчининг ҳуқуқий-фалсафий изланишлари фақат ҳуқуқ воқелиги билан чекланиб қолмаслиги, Шарқ халқларининг ҳаёт тарзи, менталитетидан келиб чиқиб, уларнинг маънавий-ахлоқий анъаналари, меъёр ва нормаларини ҳам ўрганиши зарур, деган фикрга яқинлашади.

«Халқ ҳокимиятчилиги ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият билан бевосита боғлиқдир. Агар кишилар ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишга, уларни ўз манфаатлари ва ҳаётий мақсадларига хизмат қилдиришга интилмасалар, энг олижаноб ва мукамал қонунлар ҳам уларни демократия шароитида фаолият кўрсатишга ўргатолмайди»². Демак, демократияда яшашнинг шартли ҳуқуқий маданиятда, кишиларнинг ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишидадир. Ушбу фикр ҳуқуқ фалсафасига бевосита тааллуқли бўлиб, ҳуқуққа ижтимоий-ҳуқуқий воқеликни, ҳуқуқий маданиятга эса миллий ҳуқуқий борлиқ (макон)ни шакллантирувчи ва унинг марказини, ядросини ташкил этувчи ҳодиса сифатида қарашга ундайди.

Ш.О.Мамадалиевнинг «Ҳуқуқ фалсафасининг ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида тутган ўрни» мақоласи илмий-методологик аҳамиятга эга. Унда, Ўзбекистонда ҳуқуқ фалсафасининг шаклланишига оид масалалар муҳокама қилинади. «Ҳуқуқ фалсафаси, - деб ёзади Ш.О.Мамадалиев, — кеча ёки бугун пайдо бўлган ижтимоий-гуманитар фанлар тармоғи эмас. Айрим фалсафий-ҳуқуқий адабиётларда «ҳуқуқ, ҳуқуқ фалсафаси, қонун тушунчалари давлат пайдо бўлиши билан вужудга келган», деган фикр илгари сурилади. Бизнингча, ҳуқуқ, қонун, ҳуқуқ фалсафаси ҳақидаги тасаввурлар давлатнинг пайдо бўлишидан олдин вужудга келган бўлиб, у дунёвий тафаккур маҳсулидир»³. Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқ, қонун, тартибларни фалсафий, мифологик, трансцендентал англашга қаратилган тасаввурлар тушунчалардан қадимийдир. Аммо биринчи талқинда мутахассислар тасаввур ҳақида эмас, тушунча ҳақида фикр билдирмоқдалар. «Ҳуқуқ фалсафаси» деган тушунча эса «давлат пайдо бўлиши билан вужудга келган» эмас, у XVIII аср охирида илмий истеъмолга киритилган.

Ш.О.Мамадалиевнинг ёзишича, «ҳуқуқ фалсафаси — ҳуқуқ, қонунларга шарҳ берувчи фан эмас, балки уларнинг сифати, мазмуни ва моҳиятини акс эттирувчи, яратувчи фан дегани. Ҳуқуқ фалсафаси асосида изтимоий муносабатларни тартибга солувчи фикр, гоё ётади. Ҳуқуқ фалсафасининг предметини эса табиий, қонунлар билан ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларнинг уйғунлигини таъминлаш ташкил этган»⁴. Ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқ ва қонунларга шарҳ берувчи юридик фан тармоғи эмас. Шу билан бирга, у «ҳуқуқ ва қонунларнинг сифати, мазмуни ва моҳиятини» ҳам ўрганмайди, мазкур функцияларни қонунчилик назарияси ёки қонунчилик техникаси бажаради⁵. Ҳуқуқ фалсафасининг предмети, В.С.Нерсисянц таъкидлаганидек, ҳуқуқ, ҳуқуқий борлиқда инсоннинг ўрни, ҳуқуқнинг давлат, социум фаолиятидаги аҳамияти масалалари ташкил этади⁶. Шунинг учун ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқ феноменига, унинг қонунлар, маънавий-ахлоқий меъёрлар, урф-одатларнинг регулятив функциялари билан муносабатлари каби масалаларга эътиборини қаратади.

¹ Ўша асар. — Б. 214.

² Ўша асар. — Б. 217.

³ Мамадалиев Ш.О. Ҳуқуқ фалсафасининг ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида тутган ўрни // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. — 2010. — 4-сон. — Б. 44.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. — Б. 180-186.

⁶ Қаранг: *Нерсисянц В.С.* Философия права. — М., 1998. — С.8.

Тадқиқотчи қонун ижодкорлиги, қонун тили, қонунчилик ташаббуси, қонун қабул қилиш жараёни, қонун мантиғи, парламент назорати, жамоат назорати, сайлов жараёни билан боғлиқ масалалар фалсафий-ҳуқуқий изланишлар мавзуси бўлиши ёки фалсафий англаниши лозим, деб ҳисоблайди. Ҳақиқатан ҳам, мазкур йўналишлар, фаолиятлар ижтимоий-ҳуқуқий борлиқни шакллантиришда катта аҳамията эга. Шу нуқтаи назардан улар фалсафий мушоҳада, изланишлар мавзуси бўлиши мумкин. Лекин ҳуқуқ фалсафаси билан фалсафий-ҳуқуқий изланишлар, ёндашишлар ва мавзулар айнан бир нарсалар эмас. Ҳуқуқ фалсафаси фан, фалсафий фанлар тизимига оид илм тармоғидир. Шу боис фалсафий-ҳуқуқий изланишлар тадқиқот методлари ва йўналишларини ҳуқуқ фалсафаси фанидан олади. Ҳамма фалсафий ҳуқуқий изланишлар ҳам ҳуқуқ фалсафасига оид бўлавермайди. Масалан, давлатнинг генезиси, тарихи ёки функциялари ҳақидаги фалсафий изланишлар ҳуқуқ фалсафасига эмас, балки ҳокимият фалсафаси («Философия власти») ёки сиёсат фалсафасига тааллуқлидир.

Олимнинг ахлоқ ва ҳуқуқ, адолат ва ҳуқуқ муносабатлари, ҳуқуқий маданият, инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари ҳуқуқ фалсафасининг предметлари бўлиши даркор, деган фикрлари илмий-методологик нуқтаи назардан тўғридир. Россия ва МДҲ файласуфлари, айниқса, ҳуқуқшуносларида ҳуқуқ фалсафаси предметини фақат ҳуқуқ феномени билан чеклашга интилиш кўзга ташланаётганда, Ш.О.Мамадалиевда Шарқона анъаналар ва менталитетдан келиб чиқиш, шу нуқтаи назардан ҳуқуқ фалсафаси доирасини давлат ва ҳуқуқ, қонун ва ҳуқуқ, ахлоқ ва ҳуқуқ, шахс ва ҳуқуқ каби кенг ижтимоий-ҳуқуқий муаммолар билан боғлашга интилиш кузатилади. Бизнинг фикримизча, бу ижобий аҳамиятга эга ёндашувдир. Юқоридаги баъзи баҳсли томонларига қарамай, тадқиқотчининг илмий изланишларида ҳуқуқ фалсафасини Шарқона талқинда тушуниш, унинг мавзуларини Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, миллий ҳуқуқий борлиқни, миллий ҳуқуқий маданиятни юксалтириш билан боғлаш каби рационал ёндашиш устун туради. Улар Ўзбекистонда энди шаклланаётган ҳуқуқ фалсафасининг илмий-методологик масалаларини аниқлаб олишга, бу борада ўтказиладиган тадқиқотлар йўналишини миллий ҳуқуқий борлиқ муаммолари билан рационал боғлашга ёрдам беради.

Фалсафа фанлари доктори Н.В.Джавакованинг докторлик диссертациясининг маҳсули бўлган «Институты народовластия в Республике Узбекистан» («Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятчилиги институтлари») монографияси Ш.О.Мамадалиев ўрганган фалсафий-ҳуқуқий муаммоларнинг мантиқий давомидир. Шу билан бирга тадқиқотчининг ўзига хос ёндашуви, халқ ҳокимиятчилигини жаҳон тажрибаси, илм-фани нуқтаи назаридан қиёсий-фалсафий таҳлил қилганини сезмаслик мумкин эмас. Монографияда халқ ҳокимиятчилигига ижтимоий-сиёсий воқелик сифатида ёндашиш устунлик қилиши кўзга ташланади¹. Натижада ҳуқуқ предмети фақат сиёсий-ҳуқуқий маданият мавзусида тилга олинади². Бу аслида нотўғри ёндашиш эмас, балки тадқиқотнинг сиёсий-фалсафий характери, йўналиши уни тақозо этган.

Фикримизча, ҳуқуқнинг ижтимоий-сиёсий борлиқ билан алоқаси, мазкур муносабатларда инсоннинг ўрни, мавқеи ва сиёсий институтлар, энг аввало давлат ҳамда сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий-ҳуқуқий алоқалари ҳам ҳуқуқ фалсафасининг тадқиқот предмети бўлиши мумкин. К.В.Джавакованинг юқоридаги монографияси, у қўллаган илмий-методологик ёндашувлар бизни шундай хулосага олиб келади.

Ҳуқуқ фалсафасининг илм-фан соҳаси сифатида шаклланишида фалсафа фанлари доктори Ф.А.Мусаев илмий изланишларининг ўзига хос ўрни бор. Унинг Ўзбекистонда демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асосларини ўрганишга оид мақолалари ва докторлик диссертациясининг монографияси фундаментал аҳамиятга эга.

Тадқиқотчи монографиясининг фалсафий-ҳуқуқий ёндашувга қурилганини таъкидлайди ва унда қуйидаги фалсафий-ҳуқуқий мавзулар ўрганилганини ёзади:

¹ Қаранг: Джавакова К.В. Институты народовластия в Республике Узбекистан. — Т., 2006. — С. 70—78; 182—240.

² Ўша асар. — Б. 221—238.

- Шарқ халқларининг сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий мероси, ундаги фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришга тааллуқли жиҳатлар;
- «Ўзбек модели»да Шарқ ва Ғарб демократиясининг уйғунлиги;
- Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси, бу борада амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жараёни;
- «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини рўёбга чиқаришнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқий масалалари;
- ўзбек парламентаризми ва парламент ҳуқуқининг шаклланиши;
- фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг миллий-мафкуравий, ижтимоий-маънавий ва ҳуқуқий-маданий асослари;
- Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлашнинг ижтимоий-ташкилий ва ҳуқуқий муаммолари;
- нодавлат жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва институтларининг фаолияти;
- сиёсий партияларнинг сиёсий демократия ва плюрализмни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти;
- жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш муаммолари¹.

Шундай қилиб, тадқиқотчи ўз диққатини фалсафий-ҳуқуқий муаммоларга қаратади, унда асосан ҳуқуқ, унинг демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш билан боғлиқ жиҳатлари ўрганилади. «Шарқ халқларининг — деб ёзади у, — сиёсий-фалсафий ва ҳуқуқий меросида ижтимоий адолат, эзгулик, тенглик, ахлоқ, одоб, маънавиятга оид шундай гоёлар борки, моҳиятан фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришда, юксак маънавиятли жамиятни шакллантиришда уларни асос қилиб олиш мумкин»². Бу фикрида тадқиқотчи Ш.О.Мамадалиевнинг қарашларига таянгани кўзга ташланади. Демак, ҳуқуқ фалсафасининг предмети фақат ҳуқуқ эмас, балки у билан боғлиқ сиёсий, ижтимоий, маънавий, ахлоқий воқеликлар ҳамдир.

• Нашрга тайёрланди •

Миллий гоё: асосий тушунча ва тамойиллар: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари учун дарслик / Ш.О.Мамадалиев, Р. У. Эрназаров, В. Б. Ҳақлиев ва бошқ.; Мазсул муҳаррир фалсафа фанлари доктори, профессор Ш. О. Мамадалиев. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. — 218 б.

Мазкур дарсликда «Миллий гоё: асосий тушунча ва тамойиллар» фани вужудга келишининг объектив зарурияти, фаннинг предмети, мақсади ва категориялари, ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида миллий гоёнинг ўрни, «гоё» ва «мафкура»нинг моҳияти ва мазмуни, уларнинг тарихий шакллари, халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси, жаҳон миқёсида инсон қалби ва онги учун бораётган кураш, Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар, Ўзбекистонда барпо этилаётган инсонпарварлик принципига асосланган эркин демократик жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели, янгича эътиқод ва дунёқараш, гоёвий иммунитет асосларини шакллантириш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилади.

ИИВ таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, ички ишлар идоралари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларнинг амалиётчи ходимларига мўлжалланган.

¹ Мусаев Ф. Демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. — Т., 2007. — Б.12.

² Ўша жойда.

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Бозор иқтисодиётининг муҳим элементларидан бири бўлган шартномавий муносабатлар мамлакатимизда тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида бу борада амалга оширилган ислохотлар таҳсинга лойиқдир. Шартномавий муносабатларда тарафларнинг эркинлиги, унинг талабларини белгилашдаги диспозитивлик муносабат иштирокчиларининг кўлами кенгайишига катта ҳисса қўшмоқда.

Шартномавий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг йирик институтларидан бири бўлиб, фуқаролик ҳуқуқи муносабати иштирокчилари асосий қисмининг аксарият ҳаракатлари бевосита шартномалар орқали амалга оширилади. Маълумки, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар кўламининг тобор кенгайиши шартномавий муносабатлар билан бир қаторда, фуқаролик ҳуқуқи объектлари турларининг ортиши билан боғлиқ ҳолда уларнинг шартномавий муносабатлардаги аҳамиятини янада оширмоқда. Бу аввало, фуқаролик ҳуқуқи объектларининг янги замонавий ҳуқуқ объектлари бойиши таъсирида юз бермоқда. Жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам бир қатор ўзгаришлар юз бериб, XXI асда ахборот технологияси ва тадбиркорлик соҳасида кўплаб хизмат кўрсатиш муносабатларининг янги муносабат тури сифатида вужудга келганлигини қайд этиб ўтиш мумкин. Айтиш жоизки, фуқаролик ҳуқуқида шартномавий муносабатлар кўламининг кенгайиши барча соҳаларда шартномалар тузиш имконини бермоқда. Бошқача айтганда, ҳар бир муносабатнинг расмий шакли сифатида ҳуқуқий шартнома тузиш одат тусига айланиб бормоқда. Жумладан, ахборот хизмати кўрсатиш соҳаси унда бир фуқаролик ҳуқуқининг янги институти бўлишига қарамай, қатор шартномавий муносабатлар мавжуд ва улар тўлалигича шартномавий муносабатлар қондасига жавоб беради.

Бундай фаолият тури табиатига кўра бир неча элементларни ўз ичига олади. У аввало, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқдир. Ахборот хизмати кўрсатиш фаолияти юридик шахс сифатида ташкил этилиб, бошқа тарафнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали иқтисодий манфаатга йўналтирилган бўлади. Бундан ташқари, у бевосита техник фаолият тури бўлиб, фан-технология ютуқлари ёки техника воситаларидан фойдаланган ҳолда олиб борилади. Шунингдек, ундаги аксарият тушунчалар техник жиҳатдан ёритилади. Ушбу фаолиятнинг яна бир элементи юқорида санаб ўтилган ҳар икки элементни умумлаштирган ҳолда уларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган бўлади. Бироқ ахборот хизмати кўрсатишда шартнома муносабати вужудга келиши учун албатта, тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилиши ва фаолиятнинг техник жиҳатлари, юридик тушунчаларига эга бўлиш лозим. Шундагина унинг юридик жиҳатдан объекти, субъекти ва бошқа белгилари аниқлаб олинади.

Шартномавий муносабатлар ва шартномалар ҳақида сўз юритишдан аввал бу борада қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Амалдаги қонунчиликка кўра, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади¹. Ўз навбатида, ахборот соҳасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш бевосита шартномалар орқали амалга оширилади. Шунингдек, жорий қонунчиликда шартномаларнинг қатор турлари ва шакллари белгиланган бўлиб, шартномалар назарий жиҳатдан ҳам кўплаб турларга ажратилади. Таъкидлаш жоизки, шартномалар шаклига кўра, ёзма ва оғзаки тузилади. Шунингдек, шартномалар унда иштирок этаётган тарафлар

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлимининг стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. — Т., 2007. — Б.143.

ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро тақсимланишига қараб, *бир томонлама*, *икки томонлама* ва *кўп томонлама*, *ҳақ бараварига* ва *текинга* тузиладиган, тузилиш пайтига ва мазмунига қараб *консенсуал* ва *реал* шартномаларга ажратилишини айтиб ўтиш даркор. Шу билан бир қаторда, қонунчиликда шартномаларнинг олди-сотди, ижара, пудрат ва омонат каби қатор турлари ҳам мавжуд. Мазкур шартномалар турлари, предмети ва объектига кўра ўзаро фарқ қилиб, уларни иш ва хизматларнинг турига, тааллуқлилигига қараб ажратиш мумкин.

Шу ўринда, юқорида санаб ўтилган шартномаларнинг шакли ва турларини хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратсак. Хизматлар деганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ ижрочи фаолиятининг номоддий натижаси билан боғлиқ бўлган ҳамда шахсий эҳтиёжларни ҳақ эвазига қондиришга қаратилган муайян ҳаракат ёки муайян фаолиятнинг амалга оширилиши тушунилади¹. Юридик лугатларда хизматни фойда келтирувчи ҳаракат ва у ёки бу шахсга тақдим этиладиган маиший қулайлик деб қайд этилади². Ахборот соҳасида хизмат кўрсатиш, аввало, шахснинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолият тури бўлиб, бундан кўзланган мақсад ҳам у ёки бу шахсга тақдим этиладиган маиший қулайликдир. Ахборот соҳасида хизмат кўрсатиш ҳам албатта ҳақ эвазига амалга оширилади ва бу бевосита шахсий эҳтиёжни қондиришга қаратилади. Шунингдек, у фойда келтирувчи ҳаракат бўлиб, у шахсга маиший қулайлик яратиб бериш учун хизмат қилади. Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда ахборот соҳасида хизмат кўрсатишни «у ёки бу шахсга тақдим этиладиган маиший, иқтисодий қулайлик орқали фойда олиш», — деб ҳам таърифлаш мумкин. Сабаби, ахборот олувчи фақат ўз шахсий-маиший эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, ўз тадбиркорлик фаолиятининг истиқболдаги режаларини ҳам ишлаб чиқиши мумкин. Бундай ҳолларда, ушбу шахс маиший эҳтиёжни қондириш орқали моддий манфаатга ҳам эга бўлади. Бугун ахборот соҳасида хизмат кўрсатишни матбуот, оммавий ахборот воситалари ва улар орқали реклама хизматининг йўлга қўйилиши билан боғлаш мумкин. Реклама шахснинг маиший эҳтиёжлари билан бирга моддий эҳтиёжларини қондиришга ҳам хизмат қилади. Шу боис, ахборот хизмати кўрсатиш бошқа хизмат кўрсатиш турларидан шуниси билан фарқ қилади.

Оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, радио, телевидение) ахборот хизмати кўрсатишнинг кундалик ҳаётимизда кенг тарқалган турларидан ҳисобланади. Кундалик эълон қилинаётган ахборот ва маълумотлар бевосита улардан ўрин олади ва газеталарнинг эркин сотувда бўлиши ҳам бевосита сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабатни келтириб чиқаради. Ахборот хизмати билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»³ги, «Электрон тижорат тўғрисида»⁴ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»⁵ги ва бошқа ш.к. қонунлари ва Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Ушбу муносабатлар аксарият ҳолларда фуқаролик ҳуқуқининг кенг тарқалган чакана олди-сотди шартномаси билан тартибга солинади. Шартномавий муносабатнинг бундай шакли олди-сотди шартномаси ҳисобланади ва ҳар доим оғзаки шаклда тузилади. У реал шартнома ҳисобланади. Чунки шартнома предметининг ҳаққи ва товарнинг топширилиши шартнома тузилган заҳоти амалга оширилади. Айни мана шу газета савдоси ёки матбуот хизматида обуна тушунчаси мавжуд. Яъни, йиллик ёки ярим йиллик обуна бўлиб, кундалик харид қилинадиган газета учун йиллик пул тўланиши ҳисобланади. Мазкур муносабат ёзма шаклда тузилиб, тарафлардан обуна бўлувчи обуна пулини тўлаганлиги тўғрисидаги чекни тақдим этиши билан унга обуна бўлганлигини тақдиқловчи ҳужжат топширилади ва у йил давомида бепул газета билан таъминланади. Мазкур шартномавий

¹ Нарматов Н.С. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. — Т., 2009. — Б.14.

² Толковый словарь русского языка. — М., 1994. — С. 828.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси — 1999. — 1-сон. — 14-м.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2004. — 20-сон. — 232-м.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1998. — 1-сон. — 10-м.

муносабатни ҳам олди-сотди шартномаси дейиш мумкин. Бироқ бу ҳолатда шартнома пули бир марта тўланади ва шартнома предмети бўлган товар вақти-вақти билан маълум даврларда қабул қилиб олинади. Демак, матбуот хизматида кўп ҳолларда олди-сотди шартномаси қўлланилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, матбуот хизмати соҳасида хорижий мамлакатларда кенг тарқалган, соҳанинг бир қисми бўлган мухбирлар томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш учраб туради. Яъни, бунда маълум бир ахборотни етказиб туриш учун келишилган тарзда ҳақ тўланади ёки буюртма асосида маълум ахборот етказиб берилади.

Ахборот соҳасида хизмат кўрсатишнинг яна бир шакли сифатида интернет тармоғи орқали сервер ёки интернет провайдери хизматини кўрсатиш мумкин¹. Интернет провайдери хизмати ҳам ахборот хизмати тизимига киритилади. Бу телекоммунакация хизмати соҳасининг бир тури бўлиб, бугунги кунда энг кўп тарқалган хизмат турларидан бири ҳисобланади. Интернет ёки провайдерлик хизмати орқали барчага бир вақтда хизмат кўрсатиб борилади. Яъни, интернет тармоғининг доимий ишлаб туриши унинг доимий равишда хизмат кўрсатишини англатади. Бироқ унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъекти ёки объекти бўлиши шахс унга уланган ёки ундан фойдаланган вақтдан бошлаб вужудга келади. Бу ўринда энергия таъминоти шартномаси қоидаларини эсга олиш ўринлидир. Яъни, шахс электр таъминотидан фойдаланган вақтдан бошлаб ёки туташтирилган тармоққа уланган вақтдан бошлаб энергия таъминоти шартномаси тузилган ҳисобланади. Телекоммуникация хизмати соҳасида ҳам шахс мазкур тармоққа уланган вақтдан бошлаб, шартнома тузилган ҳисобланади ёки шартнома тузилганидан сўнг тармоққа уланиш амалга оширилади. Демак, интернет тармоғидан фойдаланишни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бунда фойдаланувчига ҳақ эвазига хизмат кўрсатилади. Бу борада, аксарият ҳолларда шартнома ёзма равишда тузилиб, шартнома суммаси тўланмайди. Аксинча, хизмат кўрсатишда хизмат турига қараб таъриф белгиланади ва ундан фойдаланган вақтда ана шу вақт учун белгиланган пул суммаси фойдаланувчининг ҳисоб рақамидан ечиб олинади. Кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган бир марталик Интернет-кафе бир неча марта интернетдан фойдаланиш эса ана шу вақт учун оғзаки келишилган ҳолда пул тўлаш билан яқунланади.

Ахборот соҳасида хизмат кўрсатишда шартноманинг олди-сотди ва ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш турларидан кенг фойдаланилади. Олди-сотди шартномаси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг кўпгина шаклларида учраб туради ва у предмети ва шартноманинг белгиларига қараб, бир нечта турларга ажратилади. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси айнан хизмат кўрсатиш соҳасига тааллуқли бўлиб, бошқа соҳа субъектлари ушбу шартнома орқали муносабатга кириша олмайдилар. Мазкур қоида Фуқаролик кодексининг 703-моддасида қайд этиб ўтилган. Унда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига таъриф бериш билан бир қаторда, мазкур шартнома хизмат кўрсатишнинг қайси турларига тааллуқли эканлиги белгилаб берилган. Фуқаролик кодексининг 38-боби ҳақ эвазига хизмат кўрсатишга бағишланган бўлиб, унда мазкур шартнома қоидалари белгиланган ва 703-моддада ушбу бобнинг қоидалари алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш шартномаларига татбиқ этилиши қайд этилган ва Фуқаролик кодексининг 37, 39, 40, 43, 44, 45, 46, 48, 49 ва 51-бобларида назарда тутилган шартномалар бўйича кўрсатилган хизматлар бундан мустасно эканлиги белгиланган. Қонуннинг мазкур нормалари шартномавий муносабатларда ушбу шартнома қоидаларини қўллашда айрим чекловлар мавжудлигини кўрсатади. Бошқа бир жиҳатига эътибор қаратсак, ахборот хизмати кўрсатиш алоҳида белгиланган шартнома тури билан тартибга солинади. Бу вазиятда ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида махсус шартнома тури мавжуд дейиш ҳам мумкин.

Ахборот хизмати соҳасида учрайдиган шартномаларни назарий жиҳатдан таҳлил қилганда, уларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. *Биринчи гуруҳга*

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги 2004 йил 29 апрель қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2004. — №5. — 81-м.

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг барча тури учун бирдек қўлланиладиган ва умумий қоидаларни ифода этувчи олди-сотди шартномасини, *иккинчи гуруҳга* фақат айрим соҳаларда ва хизмат кўрсатиш соҳасига тааллуқли ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини қайд этиш мумкин. Бошқача айтганда, уларни умумий ва махсусга ажратиш мумкин. Умумий деганда, олди-сотди шартномасини, махсус деганда эса ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини тушуниш мумкин. Сабаби, олди-сотди шартномасининг қоидалари барча муносабатлар учун деярли умумий бўлиб, айрим ҳолларда шартнома иштирокчилари томонидан қонунда назарда тутилган ҳолатларда шартнома шартлари ўзгариб туриши мумкин. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида эса унинг қоидаларида белгиланган айрим соҳалар бўйига тузилиши унинг маълум соҳага тегишли бўлган махсус шартнома эканидан далолат беради.

Ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида ҳам шартнома муносабати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш амалга оширилади. Ахборот хизмати кўрсатиш соҳасидаги муносабатларда шартномавий муносабатларнинг кенг йўлга қўйилиши тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб қўйиш билан бир қаторда, у орқали вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Хусусан, айрим ҳолларда ахборотга нисбата интеллектуал мулк ҳуқуқи вужудга келади. Бундай ҳолларда шартноманинг мавжудлиги унга нисбатан тўлиқ мулк ҳуқуқининг қўлланишига ҳуқуқий асос вазифасини бажаради. Ёки ушбу ахборотга нисбатан интеллектуал мулк ҳуқуқини ўрнатишга далил бўлиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, ахборот хизмати кўрсатиш ёки ахборотни олиш, қайта ишлаш ва уни тарқатиш бир неча ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиариш билан бир қаторда, жамиятдаги бошқа тармоқларни ҳам бу ҳуқуқ фаолиятига жалб этишга хизмат қилади.

• Янги нашр •

Бердияров Ш. Н. **Қонунчилик техникаси:** Ўқув қўлланма: — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. — 72 б.

Ўқув қўлланмада қонунчилик техникасининг тушунчаси, аҳамияти, хусусиятлари, тузилиши ва аҳамияти; «юридик техника», «қонунчилик техникаси», «қонунчилик технологияси» тушунчаларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари; қонунчилик техникасининг тадрижий ривожланиши ҳамда истиқболлари; парламент маданияти; қонун тили каби масалалар атрофлича ёритилган.

Юридик олий ўқув юрларининг ўқитувчилари, тадқиқотчилари, талабалари, тингловчилари, илмий ходимлари ҳамда қонунчилик фаолияти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.